

ГУЛНОЗ  
ХАЛЛИЕВА

ҚИЁСИЙ  
АДАБИЁТШУНОСЛИК



827.051

X-27

2020/125-16

Халдунба 1?

Бүтээлийн агтын итгэмжлэл

Т. 2020 - 2045

000000000000 27.10.21


2020/125-16





821.691  
X 21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛНОЗ ХАЎЛИЕВА

# ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК

*(иккинчи тўлдирилган нашр)*

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА

Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2020

321.574(406)16.53.5) - русск) ...  
100100

УЎК: 82.091(100)

КБК 83.3(5Ў)

У. 21

*Қиёсий адабиётшунослик йўналишидаги тадқиқотлар кенг қамровли таҳлилни амалга оширишни тақозо этади. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ўқув қўлланмада қиёсий адабиётшунослик методологиясига оид энг муҳим илмий-назарий тушунчалар ёритилган. Қўлланма филология йўналишидаги барча талаба, магистр ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**

**Б.Каримов** – филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**А.Қосимов** – филология фанлари доктори, профессор

**У.Жўрақулов** – филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғи билан ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6084-8-1

© Гулноз ХАЛЛИЕВА, 2020

© «MUMTOZ SO'Z», 2020



тадораккур

## КИРИШ

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Қиёсий адабиётшунослик ёки адабий компаративистика икки ва ундан ортиқ адабий ҳодисанинг қиёсланишига асосланган фан йўналишидир. Халқаро ижтимоий, маданий ва адабий алоқалар кундан кунга ривожланаётган замонамизда қиёсий адабиётшунослик келажаги ёруғ фан йўналишларидан биридир.

Ҳар қандай қиёсий тадқиқотда адабий ҳодисаларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бу эса адабиётлараро умумий назарий қонуниятларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилади.

**Фаннинг мақсади** талаба, магистр ва барча тадқиқотчиларга компаративистика, қиёсий адабиётшунослик методологияси ҳақида назарий маълумотларни етказиш, бадиий асарларни қиёсий тадқиқ қилиш усулларини тушунтириш, бу борадаги билимларини такомиллаштиришдан иборат. Шунингдек, «...адабий ҳодисалар (тасвирий воситалар, бадиий асар, ёзувчиларнинг адабий мероси, адабий мактаблар, жанрлар ва ҳ.к.)нинг типологик ва генетик моҳиятини аниқлаш, тарихий феномен ёки конкрет-тарихий шартланганлигини ҳисобга олмасдан, адабий факт сифатида адабий ҳодисага тегишли бўлган ички қонуниятларини намоён қилишдан иборат»<sup>1</sup>.

**Фаннинг вазифаси** қиёсий-тарихий метод ва унинг асосчилари, асосий тушунчалари; макро ва микро-

---

<sup>1</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – С.69.

компаративистика; Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, таржима танқиди, бадий матннинг қиёсий таҳлили мезонлари кабилар ҳақида назарий билим бериш ва тадқиқотчиларда адабий ҳодисаларни қиёслаш ва чоғиштириш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Мазкур фанни ўзлаштириш давомида талаба, магистр ва тадқиқотчилар:

- қиёсий тадқиқ методологияси ва унинг асосий тушунчаларини изоҳлай олиши;

- қиёсий адабиётшуносликка оид асосий адабиётларни ва уларнинг қисқача мазмунини билиши;

- таржима, таржима турлари, таржима танқиди ҳақида умумий тасаввурга, оригинал ва таржимани қиёслашга оид муайян билимга эга бўлиши;

- қиёслаш орқали адабий ҳодисаларнинг умумий ва хос томонларини аниқлаш, поэтика, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини таҳлил қилиш бўйича ма-лакаларни эгаллаши лозим.

Қиёсий адабиётшунослик, бадий асарларни қиёсан ўрганиш методологияси ва тамойиллари бўйича Европа, Россияда жуда кўп дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган. Улар адабий компаративистиканинг турли хил масалаларига бағишланган. Аммо ўзбек адабиётшунослигида бу борада ҳануз дарслик яратилмаган. Шунингдек, қиёслаш методининг яхлит назарияси, методологияси ва методикаси ишлаб чиқилмаган. Қиёслаш усулининг таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва ҳоказоларга муносабати ва ўзаро алоқаси борасида муайян тўхтамга келинмаган. Нимани, қачон,



нима билан. нима учун қиёсласа бўлади? каби саволларга ўзбек адабиётшунослигининг замонавий назарияси бизга тўлиқ ва аниқ жавоблар бермаган.

Д.Бахронованинг испан тилидаги, А.Қосимов, А.Ҳамроқулов, С.Хўжаевлар биргаликда тайёрлаган ўзбек тилидаги ўқув қўлланмаларини бу борадаги дастлабки қадам сифатида баҳолаш мумкин<sup>2</sup>. Мазкур қўлланмаларда соҳанинг тараққиёт босқичлари, асосий адабий алоқа турлари ҳамда қиёсий таҳлил масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда ҳар йили «Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик» (10.00.06) ихтисослиги бўйича ўнлаб илмий тадқиқотлар қилинаётганига қарамай, ўқув-методик манба яратиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Натижада қиёсий адабиётшунослик методологиясини яхши ўзлаштирмасдан туриб, илмий ишлар юзага келмоқда. Бу эса компаративистика йўналишидаги тадқиқотларнинг умумий савиясига таъсир қилмоқда.

Айнан шу эҳтиёж туфайли мазкур ўқув қўлланма яратилди ва асосий эътибор қиёсий адабиётшунослик методологиясига қаратилди. Бундан ташқари, қиёсий адабиётшунослик моҳиятини ёрқин мисолларда кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилган илмий ишлар рўйхати ва улардан айрим намуналар ҳам берилди. Шунингдек, жаҳон адабиётшунослигида танилган

---

<sup>2</sup> Bakhronova D. Literatura comparada. – Tashkent: Turon, 2019; Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: Akademnashr, 2019.

компаративист олимлар ва улар яратган илмий асарлар ҳақида ҳам қисқача ахборот берилган.

Албатта, ўз фикрларимизни ёритишда биздан олдин бу борада билдирилган Европа, Россия, ўзбек олимларининг назарий қарашларига таяндик. Айниқса, Н.Конрад, М.Жирмунский, А.Дюришин, И.Неупокоева, А.А.Кокорин каби олимларнинг фикр мулоҳазалари ушбу қўлланма учун метаматн вазифасини бажарди. Шунинг учун бизга қадар қиёсий адабиётшунослик назарияси ва методологиясини шакллантирган барча олимларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

**1-мавзу:**  
**ФИЛОЛОГИК КОМПАРАТИВИСТИКА:**  
**МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ**

**Режа:**

1.1. Филологик компаративистика ҳақида тушунча

1.2. Адабий компаративистикага хос хусусиятлар

1.3. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида

*Таянч тушунчалар:* компаративистика, қиёсий адабиётшунослик, қиёсий-тарихий метод, Д.Дюришин, А.Н.Веселовский, Н.Конрад, И.Неупокоева, макро ва микрокомпаративистика.

Компаративистика (лот. comparativus – қиёсий) турли хил жараёнларнинг қиёсий ўрганилишига асосланган фан йўналиши бўлиб, бошқа соҳалар қаторида тил ва адабиётни ҳам қамраб олади.

Мазкур термин биринчи марта Францияда («littérature comparée», 1817), кейин Англияда («Comparative literature» 1886), Германияда (журнал номланишида «Zeitschrift für vergleichende Literaturgeschichte» – «Қиёсий адабиёт тарихи» журнали 1887–1910), Россияда (1889 йил А.Н.Веселовский тадқиқотларида) қўлланила бошланган.

Филологик компаративистика тил ва адабиёт соҳасида олиб бориладиган қиёсий тадқиқотлардир. Шу жиҳатдан филологик компаративистика иккита катта гуруҳга ажратилади:

1. Лингвистик компаративистика, яъни қиёсий тилшунослик.

2. Адабий компаративистика – қиёсий адабиётшунослик.

Лингвистик компаративистика, бир-бирига яқин бўлган ва яқин бўлмаган тилларни турли йўналишларда қиёсан ўрганишни мақсад қилади. «Тилларни қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, уларга тарихийлик жиҳатидан ёндашиш кабилар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг майдонга келишига, тилшуносликнинг алоҳида, мустақил фан сифатида қатъий тан олинишига замин яратди»<sup>3</sup>. Адабий компаративистика барча адабий ҳодисаларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини ўрганади ва улар учун умумий бўлган қонуниятларнинг юзага келишига замин яратади.

### Адабий компаративистикага хос хусусиятлар

Адабий компаративистиканинг **объекти** адабий жараёндир. Бадиий адабиётни ўрганиш билан боғлиқ барча масалалар (*мас., асар сюжети ва композицияси, мазмун ва шакл, бадиий асар тили, ёзувчи услуби ва ҳ.к.*) адабий компаративистиканинг предмети ташкил этади. *Синтетизм, менталлик, рецептив эстетика, интертекст(лик), паратекст(уаллик), метатекст, гипертекст, архитекст, имагология, ворислик, семиотика, типология, мотив ва бошқа атамалар* қиёсий адабиётшуносликнинг асосий тушунчалари ҳисобланади.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, асарнинг сюжети ва композицияси, асар тили, мотивлар, таржима, асар поэтикаси, ёзувчи маҳорати, ўзга халқнинг

<sup>3</sup> Батафсил қараңг: Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – Б.78 – 115.

бошқа бир халқ адабиёти ҳақидаги қарашлари, яъни, адабий рецепцияси (ўзга халқ адабиётини қабул қилиш жараёни) қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши мумкин (масалан, «Навоий рус китобхони нигоҳида», «Пушкин ва ўзбек китобхони», «Фитратшунос японлар каби мавзулар»). Шунингдек, айна бадий асарга олимларнинг турлича қарашларини (масалан, «Бобурнома» ҳақида ўзбек, рус, япон, немис олимларининг илмий изланишлари), халқаро адабий алоқалар, ўзаро таъсир, анъанавийлик ва новаторлик, турли хил санъат (*муסיқа, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, кино*) турларининг адабиётга таъсири каби масалаларни ҳам қиёсан ўрганиш мумкин.

Шарқшунос Н.И.Конрад (1891–1970) қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши мумкин бўлган 5 та жиҳатга эътиборни қаратади: 1.Тарихий умумийликка эга бўлган миллат адабиётлари қиёси (мас., форс ва тожик). 2. Турли халқлар адабиётида типологик хусусиятлар қиёси (мас., XIX аср классик реализми). 3. Турли макон ва замондаги халқлар адабиёти қиёси (мас., рус ва ўзбек адабиёти). 4. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда типологик хусусиятларга эга бўлган адабиётлар қиёси (мас., рицарлик романлари ва япон ҳарбий эпопеялари). 5. Халқлараро адабий алоқалар қиёси. Бу ўринда олим адабий таъсир ва адабий алоқаларга алоҳида урғу беради<sup>4</sup>.

В.М.Жирмунскийнинг (1891–1971) таъкидлашича, ёзувчи ижодини унга таъсир ўтказган миллий ва

<sup>4</sup> Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – С.32 – 33.

халқаро адабий анъаналар билан қиёсан ўрганиш ҳам жуда катта методик аҳамиятга эга бўлиб, адибнинг ижодий индивидуаллигини, миллий ва жаҳон адабиёти тараққиётида тутган ўрнини аниқлашга ёрдам беради<sup>5</sup>.

Германияда нашр қилинган монографияда компаративистика фани: шеърийнинг адабий назарияси (Dichtungs Literaturtheorie), адабиёт тарихи компаративистикаси (Die Komparativistik der Literaturgeschichte), компаратив интермедиял тадқиқотлар (komparativistische Intermedialitätsforschung / Comparative Arts), компаратив маданиятшунослик (komparativistische Kulturwissenschaft) каби тўртта гуруҳга ажратилган<sup>6</sup>. Бу ўринда муаллифлар адабиёт билан алоқаси бўлган ҳар бир ҳодисани компаративистика нуқтаи назаридан ўрганиш мумкинлиги назариясини илгари сурган.

Бундан ташқари компаративистика назариясига кўра адабий жараённи икки хил ёндашув орқали қиёслаш мумкин:

1. Адабий жараёнга тарихий генетик ёндашув (*келиб чиқиши жиҳатидан бир хил ёки яқин халқлар адабиёти*);

2. Адабий жараёнга қиёсий типологик ёндашув (*келиб чиқишидан қатъий назар умумий томонларга эга бўлган халқлар адабиёти*).

---

<sup>5</sup> Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литературы // Известия АН. Т. XIX. Вып. 3. – М., 1960. – С.183.

<sup>6</sup> Handbuch Komparatistik: Theorien, Arbeitsfelder, Wissenspraxis / Hrsg. von Zymler R., Höltel A. – Stuttgart: Verlag J.B. Metzler, 2013. – 405 s; Bu haqda qarang: Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Сер. 7 // Литературоведение: Реферативный журнал. – М., 2016. – С.7–21.

Масалан, турли халқлар адабиётидаги абадий мавзулар, анъанавий қаҳрамонлар, жанрлар, адабий йўналишларни ўрганиш масаласи.

Адабиётни қиёсан ўрганиш жиҳатдан компаративистика иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. Макрокомпаративистика – генетик жиҳатдан боғланмаган турли миллат доирасидаги адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (масалан: *Шекспир ва Навоий ижоди*).

2. Микрокомпаративистика – бир миллатга ёки ҳудудга мансуб адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (масалан: *А.Қаҳҳор ва Ў.Ҳошимов, Яссавий ва Махтумқули ижоди сингари*)

Адабиётшунос олимларнинг илмий ишларини қиёсан ўрганиш ҳам макро ёки микрокомпаративистика объекти бўлиши мумкин. Е.Е.Бертельс (1890–1957) ва А.Н.Малехова (1938–2009) бир маконда яшаб ижод этган рус олимларидир. Уларнинг «Лисон ут-тайр» дostonига оид илмий изланишлари микрокомпаративистика объекти ҳисобланади. Ҳар иккала шарқшуноснинг илмий қарашларини қиёсан ўрганиш шундай хулосаларга келиш имконини берди<sup>7</sup>:

1. Е.Е.Бертельс (1928) ва А.Н.Малехова (1978) тадқиқотларида герменевтик таълимот (талқин) мувозанати бузилмаган, матн моҳияти ўткинчи ғоя ва мафкуравий манфаатлар учун қурбон қилинмаган. Аммо XX асрнинг 40-йилларидаги Е.Е.Бертельс тадқиқотлари хусусида бундай дейиш қийин, чунки қатағон

<sup>7</sup> Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Монография. – Тошкент: Муҳаррир, 2018. – Б.133 – 134.

сиёсати олимни давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур қилган; Ҳар иккала шарқшуноснинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуф таълимотига алоқаси, Фоний тахаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранавислиги хусусидаги фикрлари деярли ҳамоҳанг. Масалан, Навоий ва тасаввуф масаласида Е.Е.Бертельс шоирнинг тасаввуф таълимотини чуқур билгани, аммо сўфий амалиётчи бўлмаганини қайд қилса, А.Н.Малехова тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди.

2. Е.Е.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашади. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-маданий контекстда майда унсурларигача таҳлил қилади, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички композицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологияси тадқиқига қаратади.

3. Ҳар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Е.Е.Бертельс ва А.Н.Малехова қарашларидаги фикрлар тадрижи «Лисон ут-тайр» дostonини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини кўрсатади.



## Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида

Фан тарихидан маълумки, қиёсий адабиётшунослик ҳақидаги дастлабки назарий қарашлар адабий жараёнларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини изоҳлаш эҳтиёжи туфайли XIX асрнинг бошларида Европада, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда шаклланган<sup>8</sup>.

Қиёсий тадқиқотлар дастлаб тилшунослик йўналишида олиб борилган ва кейинчалик адабиётшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказган. «Қиёсий-тарихий метод ривожда Франс Бопп, Расмус Раск, Якоб Гримм каби Европа тилшуносларининг алоҳида ҳиссаси бўлиб, улар новатор тилшунослар сифатида майдонга чиқдилар»<sup>9</sup>.

Илк назарий компаративистик қарашлар Германияда шаклланган. Немис тарихчиси И.Г.Гердер (1744-1803) ва буюк адиб И.В.Гёте (1749-1832) тадқиқотлари, айрим асарлари айнан қиёсий йўналишда яратилган. И.Г.Гердер биринчилардан бўлиб эътиборини Европа халқлари маданий ҳаётидаги умумий жиҳатларга қаратади. Унинг ғояларини давом эттирган буюк адиб И.В.Гёте эса фанга «жаҳон адабиёти» тушунчасини олиб киради. Ўзининг «Ғарбу Шарқ девони»да Шарқ ва Ғарб маданиятига хос муштарак жиҳатларни ёритади.

Рус шарқшунослигида қиёсий-тарихий метод рус тарихчиси ва назарийчиси А.Н.Веселовский (1838-1906) номи билан боғлиқ. Олим мазкур атамани биринчи бўлиб фанда муомалага киритган. «Қиёсий-тарихий метод умумжаҳон адабий жараёнини тадқиқ этганда

<sup>8</sup> Батафсил қаранг: Академические школы в литературоведении. – М., 1975.

<sup>9</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – Б.81.

ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларига асосланади. Чунки тарихий жараён ҳар бир географик минтақа доирасида ўзига хос белгиларга эга бўлгани ҳолда, бир қатор умумий қонуниятларга ҳам эгаки, айнан шу қонуниятлардан келиб чиқиб, турли халқлар адабиётларини қиёсий аспектда ўрганиш мумкин»<sup>10</sup> Шунинг учун, дастлабки тадқиқотларидаёқ А.Н.Веселовский масалага тарихийлик принципи асосида ёндашган. Масалан, немис олими Г.Флотонинг «Илоҳий комедия» ҳақидаги мақоласига(1859) тақризида, ёзувчини замондан айри ҳолда тасаввур қилиш қийинлиги, Данте ижодий мероси фақат Дантеники эмас, бунда даврнинг ҳам ролини англаш жоизлиги ҳақида фикр билдириб, Г.Флотонинг айрим қарашларини танқид қилади.<sup>11</sup> Унинг назарида *адабиёт тарихи – ижтимоий фикр, маданият ва фан тарихидир*, шоир шахсиятини эса маълум тарихий шароит шакллантиради. Шоирнинг индивидуаллик, шахсий ташаббус даражасини аниқлаш учун, даставвал унинг ижоди нима билан қуроллангани тарихини кузатиш керак.

А.Н.Веселовский барча фикрларини жамлаб, қиёсий методологияга таянган ҳолда «Тарихий поэтика» асарини яратади.<sup>12</sup> Рус олимаси М.Г.Богаткинанинг фикрича, замонавий компаративистика методологияси матнни ўрганишнинг қиёсий методлари мажмуасидан иб-

<sup>10</sup> Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: Akadem-nashr, 2019. – B.24.

<sup>11</sup> Академические школы в русском литературоведении. – М.: Наука, 1975. – С.211.

<sup>12</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа; – 1989. – С.405.

рат бўлиб, айнан А.Н.Веселовский яратган қиёсий-тарихий мактаб анъаналарига асосланади.<sup>13</sup>

Хуллас, қиёсий тадқиқотлар учун асосий метод ҳисобланган қиёсий-тарихий метод<sup>14</sup> адабий жараён динамикасини, ворисийлик ва анъаналар алмашинувини, бадиий қадриятларни тулиқ англашда ёрдам беради.

А.Н.Веселовскийдан кейин адабий компаравистиканинг методологик жиҳатларини В.М.Жирмунский, А.Дима, Д.Дюришин, Н.И.Конрад, И.Г.Неупокоева, М.Б.Храпченко, А.Кокорин, М.Богаткина, В.Р.Аmineва, Ю.И.Минералов каби олимлар тадқиқ қилган ва дунё адабиётшунослигида бу жараён давом этмоқда.

Бугун қиёсий адабиётшунослик фани кундан кунга ривожланмоқда. Америка олимлари В.Фредерик (компаративистларнинг халқаро, Америка ассоциацияси Президенти) ва Рене Уэллек бошлаб берган анъаналар давом эттирилиб, дунёнинг турли жойларида компаративистика илмий марказлари, мактаблари ташкиллаштирилмоқда. Москва компаративистика мактаби, Британия ва Америка қиёсий адабиётшунослик ассоциациялари<sup>15</sup> шулар жумласидандир.

Ҳозирда қиёсий адабиётшунослик бўйича дунёда бир қанча илмий журналлар нашр қилинади. Россияда чоп этиладиган «Имагология ва компаративистика»,

<sup>13</sup> Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. - Казань, 2004. - С.75.

<sup>14</sup> Қаранг: Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2008. №4. - Б.38-46; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. - Тошкент: Муҳаррир, 2011. - Б.73 - 75.

<sup>15</sup> [www.bcla.org/index.htm](http://www.bcla.org/index.htm); [www.agla.org](http://www.agla.org)

«Тарихий поэтика», Франциядаги «Revue de litterature compare» ана шундай нуфузли журналлардан бўлиб, уларда компаративистикага оид энг нуфузли мақолалар чоп этилади<sup>16</sup>.

### ***Назорат саволлари:***

1. Филологик компаративистика деганда нимани тушунасиз?
2. Лингвистик ва адабий компаративистиканинг бир-биридан фарқини изоҳланг.
3. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида қачон шаклланган?
4. Қиёсий-тарихий метод асосчиларидан кимларни биласиз?
5. А.Н.Веселовскийнинг назарий қарашларига изоҳ беринг?
6. Қиёсий адабиётшунослик фанининг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

---

<sup>16</sup> <http://journals.tsu.ru; www.cairn-int.info/journal-revue-de-litterature-comparee.htm>

## 2-мавзу:

# ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### Режа:

- 2.1. Қиёсий таҳлил объектлари.
- 2.2. Қиёсий таҳлилнинг вазифалари.
- 2.3. Қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичлар.
- 2.4. Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлар.

*Таянч тушунчалар:* объект, табиий, ижтимоий, маънавий, гносеологик, мантиқий, методологик, методик, аксеологик вазифалар, қиёслаш босқичлари, муҳит, ички хусусиятлар, типик вазиятлар

Қиёсий таҳлил оддий таҳлилдан фарқ қилади. Анъанавий таҳлил объектлардан, улар эса ўз ташкил этувчиларидан иборат. Тадқиқотчилар учун шуни билишнинг ўзи кифоя. Қиёсий таҳлил эса айтиб ўтилган ҳаракатлардан ташқари, яна таҳлил объектларининг ташкил этувчиларини ҳам бир-бири билан қиёслашга қаратилади.

Қиёсий таҳлилдан мақсад – қиёсланувчи объектларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, улар орасидаги умумий қонуниятларни юзага чиқаришдан иборат.

Азалдан, «ҳақиқат қиёсда билинади», дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам қиёслаш методологияси одамларнинг ҳаётий фаолиятида кенг тарқалган ва қўлланилмоқда. Бугунги кунда қиёслаш методи барча билиш



ва ҳодисаларни таҳлил этиш жараёнига татбиқ этилган. Фан ва амалиётнинг барча соҳаларида қиёслаш методологиясидан фойдаланилади.

Қиёслаш методологиясининг мазмуни, моҳияти ва вазифаларини янада чуқур англаш учун муайян илмий-амалий асослар мавжуд.

**Қиёсий таҳлил объектлари** табиий, ижтимоий ва маънавий объектларга бўлинади. Ушбу нисбатан мустақил жараёнлар бир-бирига уйғун боғланган. Айнан улар бир бутунликда инсон яшайдиган муҳитни шакллантиради ва бадиий адабиётда образ шаклида ўз ифодасини топади.

Табиат ҳодисаларининг нисбатан мустақиллигига қарамай, улар одамларнинг ижтимоий ҳаётига жалб қилинганидан кейингина қиёслаш объектларига айланади. Бошқача айтганда, табиат ҳодисаларининг қиёсий таҳлили билан одамлар шуғуллангани боис улар ўз манфаати ва қарашларидан келиб чиқиб, унга ўзларининг ижтимоий хусусиятларини сингдирадилар. Бунинг натижасида табиат ҳодисаларининг қиёсий таҳлили маълум даражада ижтимоийлашади. Шундай қилиб, ижтимоий омиллар таъсирсиз табиат ҳодисаларини қиёслаш механизми мавжуд бўла олмайди.

Қиёсий таҳлил объектларининг иккинчи гуруҳини **ижтимоий ҳодисалар** ташкил этади. Уларнинг қиёслаш методи ўз хусусиятларига эга. Бунда таҳлил майдони кенгайди, қиёсий таҳлил кўрсаткичлари сони ортади. Сабаби, бу ўринда ижтимоий тараққиёт қонунлари, ижтимоий муносабатларнинг барча гуруҳлари:

иқтисодий, сиёсий, маънавий-ғоявий, ҳуқуқий, илмий-техник, ахборот, ҳарбий, экология ва бошқа кўплаб муносабатлар эътиборга олинади.

**Маънавий-ғоявий** масалалар қиёсий таҳлил объектларининг учинчи гуруҳини ташкил этади. Бу жараён маънавий-ғоявий соҳа объектларини қиёсий таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Демак, бадиий адабиётда мавжуд табиий, ижтимоий ва маънавий-ғоявий ҳодисалар – қиёсий таҳлил объектларидир. Аммо бу объектлар ўзига хос бўлиб, улар ўзининг бир қатор хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади.

### **Қиёсий таҳлилнинг вазифалари**

■ Илмий адабиётларда изоҳланишича, қиёсий таҳлилнинг гносеологик, мантиқий, методологик, методик, аксеологик каби вазифалари мавжуд<sup>17</sup>. Бошқача айтганда, биз адабий ҳодисаларни қиёслаш жараёнида, албатта, шу босқичлардан ўтамиз.

**Қиёсий таҳлилнинг гносеологик вазифаси.** Унинг моҳияти ва асосий мақсади, қиёслаш объектлари ҳақида янги билим ва кўникмаларга эга бўлишдир. Бу орқали биз қуйидаги натижаларга эришамиз:

*Биринчидан*, қиёсий таҳлил жараёнида, ҳар бир таққосланадиган объект ҳақида янги маълумот оламиз.

*Иккинчидан*, қиёсланаётган адабий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ҳақида янги тушунчаларга эга бўламиз.

---

<sup>17</sup> Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение (Компаративистика). Учебник. – М.: Юрайт, 2018; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение // Изб.тр. – М.: Наука, 1979; Кокорин А.А. Сравнительный анализ: теория, методология, методика. – М.: МГОУ, 2009.

*Учинчидан*, агар объектларни таққослаш жараёни етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлса, унда уларнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида умумий тасаввур ҳосил қиламиз. Шу билан бирга қиёслаш методикаси назариясини бойитамиз.

**Қиёсий таҳлилнинг мантиқий вазифаси** – адабий ҳодисаларни таққослаш жараёнида мантиқий қонун-қоидалар ифодаси. Қиёсий таҳлил жараёнида мантиқ талабларидан узоқлашмаслик учун қуйидагиларга риоя қилиш керак:

1. Турли хил асосга эга адабий ҳодисаларни таққослаш мантиққа тўғри келмайди. Кўпинча адабий ҳодисаларни қиёсий таҳлил этиш учун турли асослар танланади. Бу ҳол юз берганда – қиёслаш жараёни ўзининг аниқлигини йўқотади. У кўп жиҳатдан предметсиз, демек, самарасиз бўлиб қолади. Қиёслаш учун аниқ асос бўлиши керак. Тўғри келган нарсани бошқаси билан қиёслаб бўлмайди. Масалан, сюжетни сюжет билан, асар тилини бошқа бир асар тили билан қиёслаш мантиқан тўғри бўлади;

2. Объектларга алоқаси бўлмаган маълум бир вазиятлар таҳлилдан олиб ташланмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди;

3. Қиёслаш жараёнида зиддиятларга, қарама-қаршиликларга учраш мумкин, бу табиий. Ҳатто, ўта қарама-қарши бўлган персонажларда ҳам албатта, мантиққа зид бўлмаган умумий томонлар топилади.

**Қиёсий таҳлилнинг методологик вазифаси.** Қиёслаш жараёнида биз кўплаб метод ва усуллардан фой-



даланамиз. Бу эса бизнинг нафақат объект ҳақидаги билимларимизни, балки ҳаётдаги айрим муаммоларни ҳал қилишдаги эмперик билимларимизни, яъни тажрибамизни ҳам оширади ва амалий имкониятимизни кенгайтиради.

**Қиёсий таҳлилда дунёқараш вазифаси.** Маълумки, ҳар бир жараён инсонларнинг билими ва дунёқарашига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Қиёсий таҳлилнинг қанчалик кенг қамровли бўлиши, айнан инсон дунёқарашини, билими ва савиясининг қай даражада бўлишига боғлиқ. Демак, дунёқараш бу жараёнда муҳим рол ўйнайди. Субъектларнинг дунёқарашини, омма дунёқарашининг бойишига хизмат қилади.

— **Қиёсий таҳлилнинг баҳоловчи (аксеологик) вазифаси** кўпгина шаклда, кўпгина жиҳатларда намоён бўлади. Биз ниманики қиёсламайлик, албатта, хулосада илмий-назарий фикрларимизга яқун ясаб, у ёки бу адабий ҳодисани баҳолаймиз. Шунинг учун ҳам қиёсий таҳлил моҳиятан аксеологикдир, яъни, унинг мазмунида ўзаро ўхшашлик ва тафовутлари нуқтаи назаридан қиёсланадиган ҳодисаларнинг баҳоси мужассамлашган бўлади. Бу эса нафақат назарий дарғаларни бойитади, балки айрим масалалар ечимида амалий аҳамият ҳам касб этади.

**Қиёсий таҳлилнинг эмперик вазифаси** асосан амалий вазифаларни ҳал этишни таъминлашга йўналтирилган. Бизнинг қаршимизда ҳар куни амалий масалалар силсиласи пайдо бўлади. Қиёсий таҳлил амалиёт-

га хизмат қилса ва инсон ҳаётида аҳамиятга эга бўлса-гина, у чинакамига натижа беради.

### **Қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичлар**

Қиёсий таҳлил кутилган натижани бериши учун тадқиқотчи нима қилиши, қандай босқичлардан ўтиши керак?

Аввало, тадқиқотчи қиёслаш объектларини тўғри танлаб олиши керак. Чунки қиёслаш объектларининг мавжудлик вазияти бу босқичларни юзага келтиради.

**Биринчидан**, ҳодисаларнинг ички хусусиятини, ички параметрларини қиёсламай туриб, уларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларини аниқлашнинг иложи йўқ. Уларнинг асосийлари – қиёсланадиган объектларнинг мазмун, моҳият, сифатларидир. Шунинг учун, ҳодисаларнинг мазмун, моҳият ва сифатлари орасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш қиёслаш жараёнидаги биринчи босқичдир.

**Иккинчидан**, биламизки, ҳодисаларнинг ички хусусиятлари, яъни уларнинг мазмун, моҳият ва сифати муҳитда ўзига хос шаклда намоён бўлади. Демак, қиёслаш объектларининг ички хусусиятларини, муҳитда намоён бўлиш даражасидаги ўхшашлик ва тафовутларни ўрганиш керак. Бу қиёсий таҳлилнинг кейинги босқичидир.

**Учинчидан**, нафақат қиёсланадиган объектлар муҳитга таъсир кўрсатади, балки муҳит ҳам уларга ўз таъсирини ўтказади. Бу ташқи шароитларнинг таҳлил объектларига таъсир этиш хусусиятларини қиёслашни

кўзда тутади. Шу тарзда, табиий равишда ҳодисаларни қиёслаш босқичида учинчи йўналиш белгиланади. Унинг моҳияти – муҳитнинг қиёсий таҳлил объектларига таъсиридаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашдан иборат.

**Тўртинчидан**, ҳар қандай ҳодисанинг, жумладан, адабий ҳодисанинг пайдо бўлиш сабаби, зарурияти мавжуд. Қиёслаш чоғида албатта, уларни ҳам эътиборга олиш зарур. Ҳар бир ҳодисанинг вужудга келиши, мавжудлиги, ривожланиши ва фаолият кўрсатишида кўп-лаб заруриятлар рол ўйнайди ва улар орасида айрим-ларини устувор аҳамиятга эга бўлади. Буни адабиётда кўпинча **мотив** деб атаймиз. Демак, бизга керак нарсанинг қиёсий таҳлилини амалга оширишдан олдин, уни юзага келтирган эҳтиёж ва заруриятларни ҳам таққослаш керак. Бу бизга қиёсланаётган объектларнинг мавжудлиги сабабларида ўхшаш ва хос томонларни очишга ёрдам беради. Бунинг учун биз **зарурият (мотив) – объект – моҳият (натижа)** алгоритми асосида қиёсий таҳлилни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, зарурият (мотив)ларни қиёслаш **объектни** таҳлил қилишнинг муҳим босқичи. Чунки эҳтиёж ва заруриятсиз ҳеч нарса юзага келмайди. Ахир, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида ҳам асл манзилга етиш учун танланган еттита водийнинг биринчиси айнан талаб бўлган<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> <http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy>

## **Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлар**

Баъзида қўлимизда шунча материал бўла туриб, нимани нима билан қиёслашни ёки таққослашни билмаймиз. Маълумки, қиёсий таҳлил жараёнига, унинг натижаларига кўпгина ҳолатлар таъсир қилади. Масалан, қиёслаш объектларининг мазмуни; таҳлилдаги методологик воситалар; қиёсий таҳлилни ўтказиш усуллари ва ҳ.к. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, қиёсланиши мумкин бўлган қуйидаги типик вазиятларни кўрсатиш мумкин:

**Биринчи вазият.** Бир макон ва замонда мавжуд бўлган адабий воқеа ҳодисаларни қиёслаш. Бундай қиёслаш жараёни ўзига хос хусусиятларига эга. Биринчидан, қиёсланаётган объектларнинг маконий бирлиги, муҳит умумийлиги унинг бу хусусиятларга таъсир қилишини ўрганишни кун тартибидан чиқаради. Умумий макон ва замон эса, қиёслаш объектларининг муҳити бир экани ҳақида далолат бериб, бу муҳит уларга асосан бир хил таъсир кўрсатади. Бу эса қиёсий таҳлилнинг бирмунча «содаллашувига», енгиллашувига олиб келади. Иккинчидан, қиёсланувчи феноменларнинг бир макон ва бир замонда мавжудлиги, табиийки, уларнинг тарихий бирлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Масалан, **Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик** ижодини қиёсан ўргансак, бир макон ва замонда яшаб ижод этган ёзувчиларнинг умумий ва хос томонларини аниқлай оламиз.

**Иккинчи вазият.** Бир макон, лекин ҳар хил замондаги адабий ҳодисаларнинг қиёсидан ташкил топади.

Маълум бир шароитда, бир муҳитда, бир маконда, аммо турли вақтда мавжуд, мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлиши мумкин бўлган адабий ҳодисаларни қиёслаш керак бўлганда, иккинчи вазият юзага келади. Шу билан бирга, турли вақтда, аммо жуда ўхшаш вазиятларда мавжуд бўлган ҳодисаларни қиёслаш – қийин вазифа. Одатда, бу ерда муайян муаммолар, қийинчиликлар, жумбоқлар юзага келади.

Кўпинча худди ўша бир макон, масалан, бир мамлакат шароитларида мавжуд бўлган ҳодисаларни вақт омилини инкор этган ҳолда қиёслашга ҳаракат қилишади. Бу нотўғри. Масалан, бир маконда, аммо ҳар хил замонда яшаб ижод қилган шоирлар: Муқимий билан Муҳаммад Юсуфнинг ёшлар ёки ёшлик ҳақидаги қарашларига, албатта, вақт ўз ҳукмини ўтказди. Бошқача айтганда, агар қиёсланувчи объектлар айнан бир муҳитда мавжуд бўлса ҳам, ўз тараққиётининг турли даврларида вақт масаланинг моҳиятига турлича таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш лозим. Ҳатто агар ҳодисалар мавжуд бўлган шароитлар (мамлакат, қандайдир бир макон) тубдан ўзгармаган бўлса-да, бу вақт ичида қиёслаш объектларининг ўзи ўзгарган бўлиши мумкин.

**Учинчи вазият.** Бир замон, лекин ҳар хил маконда мавжуд бўлган объектларни қиёслаш. Масалан, бугунги кунда бир замонда, аммо ҳар хил маконда яшаб ижод қилаётган ўзбекистонлик ёзувчи Носир Зоҳид билан америкалик ёзувчи Викториа Швабнинг бир хил номдаги «Қасос» романи мавжуд. Ҳар иккала романдаги қасос мотивини таққослашда, албатта, муҳитнинг қиёс-

лаш объектларига таъсирини ҳисобга олиш жуда муҳим. Бу жараён тадқиқотчидан алоҳида эътиборни талаб қилади. Чунки қиёсий таҳлил жараёнида шароит ва сабабларнинг қиёсланувчи объектларга таъсирини ҳисобга олиш керак бўлади.

**Тўртинчи вазият.** Ҳар хил макон ва замон адабий ҳодисаларини қиёслаш жараёни. Бунда турли муҳит, макон ва турли замон адабий ҳодисалари таққосланади. Бу вазият қиёсий таҳлил методологияси ва методикаси учун энг мураккаби саналади. Масалан, Шекспир ва Алишер Навоий асарларида маърифат талқини ёки Абдулла Қаҳҳор ва Жек Лондон асарларида бадиий психологизм масаласини ўрганиш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

*Биринчидан*, қиёсланадиган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш лозим. *Иккинчидан*, қиёсий таҳлил объектлари мавжуд бўлган олдинги шароитлар ва муҳитларни ҳам имкон қадар чуқурроқ ўрганиш, уларнинг Шекспир ва Навоий ёки Абдулла Қаҳҳор ва Жек Лондон дунёқарашига таъсирини очиб бериш даркор. Чунки ҳар хил замон ва маконда яшаб ижод этган адибларнинг асарларини машҳурликдан бошқа яна нима бирлаштириб турганини билиш учун кўпгина адабий ҳодисаларни юзага чиқариш лозим.

Қиёслаш объектларининг макон-замон кўрсаткичлари муносабати билан, таҳлил қилувчининг олдида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлади. Аммо қиёсланадиган адабий ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнида вужудга келадиган вазиятларнинг хусусиятлари ҳисоб-

га олинса, уларни ҳал этиш мумкин. Агар қиёсий таҳлил олиб бораётган тадқиқотчилар фарқланувчи, зиддиятли ҳодисаларни қиёслаш методологияси ва методикасига эга бўлса, тадқиқот кутилган натижани беради.

### ***Назорат саволлари:***

1. Табиий, маънавий ва ижтимоий қиёсий таҳлил объектлари бир-биридан қандай фарқ қилади?

2. Қиёсий таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?

3. Қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичларга изоҳ беринг?

4. Қиёсий таҳлил кутилган натижани бериши учун, тадқиқотчи қандай босқичларда иш олиб бориши керак?

5. Зарурият – объект – моҳият алгоритмида қиёсий таҳлилни амалга ошириш механизмини тушунтиринг?

6. Қиёсланиши мумкин бўлган қандай типик вазиятларни биласиз?

7. Нима учун ҳар хил макон ва замон адабий ҳодисаларини қиёслаш жараёни қиёсий таҳлил методологияси ва методикаси учун энг мураккаби саналади?

### 3-мавзу: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ

#### Режа:

3.1. Илмий тадқиқот методлари ва қиёсий таҳлил.

3.2. Қиёсий-тарихий ва чоғиштириш методи хусусида.

3.3. Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари.

3.4. Қиёсий таҳлил натижаларининг холислигини таъминлаш шартлари.

*Таянч тушунчалар:* илмий тадқиқот методи, эмперик ва назарий методлар, қиёсий таҳлил методологияси, қиёсий синтез, қиёсий индукция, қиёсий тарихий ва чоғиштириш методи, баҳолаш мезони, қиёсий таҳлил натижалари.

**Қиёсий таҳлил** – борлиқдаги ҳодисаларни билиш ва ўзгартириш бўйича методология босқичларидан биридир. Қиёслаш методологияси маълум бир макон ва замонда мавжуд турли жараёнларни қиёслаш учун асосларни шакллантиради. Шунинг учун ҳам методологияда қиёсий таҳлилнинг ўрнини аниқлаш зарурияти мавжуд.

Маълумки, методология илмий тадқиқот методлари ҳақидаги таълимотдир. Барча фанларда илмий тадқиқот методлари эмпирик ва назарий методларга бўлинади. Айнан эмпирик ва назарий методлар асосида ҳар бир фан, жумладан, адабиётшунослик ҳам ўз тад-



қиқот усуллари шакллантиради. «Тадқиқот методларисиз бирорта фан ўз мақсадига (стратегиясига), тадқиқот объектининг моҳиятини очишга эриша олмайди. Чунки у ёки бу фаннинг табиат ва жамият ҳодисаларини аниқлаши, уларга хос қонуниятларни топиши, улар ҳақида илмий-фалсафий ғоялар чиқариши, шаклшубҳасиз, муайян методлар орқали амалга оширилади»<sup>19</sup>.

Эмпирик метод кузатиш ва тажриба ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, **режалаштириш, тавсифлаш, статистика** каби босқичлардан иборат.

Назарий методларга эса анализ, синтез, абстракция, индукция, дедукция, аналогия моделлаштириш кабилар мансубдир. Назарий методларнинг барчаси **қиёслаш, умумлаштириш, таснифлаш** (классификация), **баҳолаш** каби босқичлардан ўтади.

Демак, аён бўладики, қиёслаш барча назарий илмий хулосаларнинг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун қиёсий таҳлилни амалга оширишдан олдин илмий тадқиқот методларини яхшилаб ўрганиш, уларнинг қиёслашдаги ролини тушуниб етиш керак.

Назарий методларни қисқагина тушунтирамиз: **Анализ** – таҳлил, **синтез** – хулосалаш, **абстракция** – мавҳумлаштириш, **индукция** – умумийликдан хусусийликка ўтиш, **дедукция** – хусусийликдан умумийликка силжиш, **аналогия** – ўхшаш хусусиятлар таҳлили, **моделлаштириш** – модел яратиш (*прототип яратиш*: мас: оламнинг бадиий модели, дарсликнинг электрон

<sup>19</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – Б.291.

модели). Бу назарий методларнинг ҳар бири қиёслаш босқичидан ўтиши мумкин. Қиёсий таҳлилда анализ, синтез, дедукция ва индукция кабилар зарур унсурлар, уларсиз қиёсий таҳлилни амалга ошириш мумкин эмас. Масалан, дедукция – ҳодисаларни ташкил этувчиларга ажратиш жараёни, қиёсий таҳлил эса ана шу жараён натижаларини ҳам ўз ичига олади.

Демак, қиёсий таҳлил воқелик ҳодисаларини билиш ва ўзгартиришга қаратилган барча назарий методларга ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, илмда қиёсий синтез, қиёсий индукция, қиёсий дедукция каби тушунчалар мавжуд. Масалан, **қиёсий синтез** – ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш жараёнидир. Бунда уларни ташкил этган унсурларида билимларни интеграциялаш натижалари асос қилиб олинади. Моҳиятан, қиёсий синтез «қиёсий таҳлил объектлари ўртасидаги фарқ нимада?» деган саволга жавоб беради. **Қиёсий индукция** – хусусийдан умумий томон ҳаракат, қиёсланадиган адабий ҳодисаларнинг ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш жараёнидир.

#### **Қиёсий-тарихий ва қиёсий-чоғиштириш методи**

Қиёслаш методологиясида қиёсий-тарихий ва чоғиштириш (ёки қиёсий-чоғиштирув) методи энг асосий методлардан ҳисобланади. Бу методлар моҳиятан бир-бирига яқин, аммо фарқ қилади.

**Қиёсий-тарихий метод** адабий ҳодисаларнинг умумий ва хос томонларини тарихий тараққиёт жараёни билан боғлиқликда қиёслаш усулидир. Қиёсий-тарихий метод асосидаги илк назарий фикрлар Арастунинг

«Поэтика» асарида баён қилинган. Файласуф адабиётни эпос, лирика, драма каби уч турга ажратиш жараёнида уларни қиёслайди ва мохиятини тушунтириб беради. Қиёсий-тарихий метод ҳақида илмий адабиётларда жуда кўплаб назарий фикрлар баён қилинган. Жумладан, адабиётшунос Б.Каримов қиёсий-тарихий методдан фойдаланиб, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқот олиб бориш мумкинлигини таъкидлайди:

– дунё адабиёти дурдоналари ёки миллий адабиётнинг гўзал намуналари ўзаро қиёсланади;

– адабий асарлар яратилган даврига кўра таққослаб ўрганилади;

– бир миллий адабиёт вакилларининг қиёс учун асосли асарлари ўрганилади;

– миллий адабиёт намуналари дунё адабиёти контекстида текширилади;

– адабий жараён ёки адабиёт тарихида мавжуд адабий ҳодисаларнинг фарқли ва ўхшаш қирралари тадқиқ қилинади;

– мавзу ёки илмий муаммо нуқтаи назаридан ўзаро яқин бўлган адибларнинг асарлари текширилади;

– адабий-эстетик эволюцияни кузатишда маълум бир адиб томонидан ёзилган асарлар объект қилиб олинади<sup>20</sup>.

Қиёсий-тарихий методнинг назарий асослари А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, А.Дима,

---

<sup>20</sup> Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. - Тошкент: Мухаррир, 2011. - Б.74.

А.Дюришин, В.Р.Аmineва каби олимлар томонидан жуда яхши ёритилган<sup>21</sup>.

**Чоғиштириш методи** – филологик ҳодисаларни тизимли қиёслашга асосланган метод бўлиб, асосан фарқли хусусиятларни очиб беришга қаратилган методдир. Шунинг учун ҳам тилшуносликда бошқача номи контрастив метод деб аталади. Гарчи назарий асослари ишлаб чиқилмаган бўлса-да, антик даврлардан бошлаб турли хил филологик ҳодисаларни чоғиштиришга қаратилган асарлар яратилган. Алишер Навоийнинг форс ва туркий тиллар муҳокамасига қаратилган «Муҳокамату-л-луғатайн» асари чоғиштириш методининг ёрқин намунасидир. Фанда мазкур методнинг назарий асослари тилшунос олим И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан XIX асрда ишлаб чиқилган. Е.Д.Поливанов, Л.В.Шерба, С.И.Бернштейн, А.А.Реформатский, Ш.Балли каби олимлар бу борадаги илмий ишларни давом эттиришган<sup>22</sup>.

Тилшунос олим Р.Расулов илмий хулосаларига кўра, чоғиштириш методи икки ва ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни, тил ҳодисаларини ўзаро қиёлаш усули бўлиб, ушбу хусусиятга кўра фақат қариндош тилларни таққослаб, қиёслаб ўрганадиган қиёсий-тарихий методдан фарқ қилади. Шунингдек, қиёсий-тарихий методдан фарқли равишда, чоғишти-

---

<sup>21</sup> Қаранг: Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №2.

<sup>22</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1933; Реформатский А.А. О сопоставительном методе // Русский язык в национальной школе. 1962. №5; Методы сопоставительного изучения языков. – М., 1988.

рилаётган тилларнинг тарихига, уларнинг келиб чиқишига – генетик жиҳатларига, тараққиётига эътибор бермайди, уларга асосланмайди.<sup>23</sup>

Агар юқоридаги назарий фикрларни адабиётга татбиқ қилсак, таҳлил бир миллат ёки бир ҳудуд адабиёти доирасида олиб борилса, адабий ҳодисаларнинг генетик жиҳатларига эътибор қаратилса, бунда қиёсий-тарихий методдан (мас., ўзбек мумтоз адабиётида рамзлар қиёси), турли миллатга мансуб адабиётлар тадқиқи ва таҳлили асосида (мас., рус ва ўзбек, инглиз ва испан) у ёки бу адабий ҳодисаларнинг специфик хусусиятлари очиб берилса, чоғиштира методдан фойдаланилади.

### **Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари**

Қиёслаш натижаларини баҳолаш юқорида кўриб ўтилган қиёсий таҳлил вазифаларининг қай даражада бажарилганига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Илмий адабиётларда қиёслаш натижаларини ҳолисона баҳолашнинг тарихий, гносеологик, мантиқий, методологик, маънавий-ғоявий ва бошқа мезонлари мавжуд. Уларни аниқроқ тасаввур қилиш учун, баъзиларини кўриб чиқамиз.

**Тарихий мезон** – қиёсий таҳлил натижаларининг тарих фактларига қанчалик мос келишини баҳолашдир.

**Гносеологик мезон** – қиёсий таҳлил натижаларини уларнинг билиш назарияси қонунлари ва тамойилларига мос келиши нуқтаи назаридан баҳо беришдир.

---

<sup>23</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Б.263.

**Мантиқий мезон** – қиёсий таҳлил натижаларининг мантиқ қонунлари талабларига мос келишини баҳолашдир.

**Методологик мезон** – қиёсий таҳлил натижаларининг - қайси методларга тўғри келиши ёки келмаслиги нуқтаи назаридан баҳолашдир.

**Маънавий-ғоявий мезон** – бу қиёсий таҳлил натижаларининг жамият маънавияти, ғоявий мақсадларига қай даражада мос келишини эътиборга олиб, баҳо беришдир.

Хуллас, юқоридаги мезонлар қиёсий таҳлил натижаларини баҳолаш, компаративистик тадқиқотнинг илмий-назарий жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

### **Қиёсий таҳлил натижаларининг холислигини таъминлаш шартлари**

Қиёсий таҳлилда ҳаққоний, холис натижага эришиш учун қуйидагиларга диққатни қаратиш лозим:

**Биринчидан**, қиёсий таҳлилни якунига етказмоқчи бўлган тадқиқотчи қиёсий адабиётшуносликнинг **назарий, методологик ва методик асосларини** билиши керак. Бу борада улар билишнинг назарий ва эмпирик воситалари имкониятларидан унумли фойдалана олиши лозим.

**Иккинчидан**, қиёсий таҳлил объектлари мавжуд бўлган, мавжуд ёки мавжуд бўлиши мумкин бўлган муҳитнинг хусусиятлари ҳисобга олинishi лозим. Бошқача айтганда, илмий изланувчи, қиёсий таҳлил жа-

раёнига таъсир этиши мумкин бўлган барча ҳолатларни таҳлилга тортиши керак.

**Учинчидан**, қиёслаш фақат статистик маълумот йиғиш ва кўрсатишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Қиёслаш объектлари тўхтовсиз ўзгаради, тадқиқотчилар ана шуни ҳисобга олиши керак. Ўрганилаётган объектларнинг статистик манзараси уларнинг динамик хусусиятлари билан тўлдирилиши, тадрижий тақомили кўрсатилиши керак. Акс ҳолда қиёсий ҳақиқат тўлақонли, холис бўла олмайди. Демак, олиб борилган статистика, динамика билан бирга таҳлил ва талқин қилиниши лозим.

**Тўртинчидан**, таҳлилда субъективизмга йўл қўймаслик. Сохта қиёслаш, муайян манфаатларга хизмат қилиши мумкин, лекин фан ривожига хизмат қилмайди. Баъзи тадқиқотчиларнинг бир-бирига умуман тўғри келмайдиган филологик жиҳатларни қиёслаши, ана шундай сохта қиёслашга олиб келади. Натижада, қиёсий таҳлил мазмуни ва натижалари бузиб кўрсатилади, одамларнинг ижтимоий онгида нотўғри тушунча пайдо бўлади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги Отабекнинг ишқий саргузаштларини, Жорж Байроннинг Дон-Жуан образи ишқий саргузаштлари билан қиёслаш қутилган натижани бермайди.

Демак, қиёсий таҳлилнинг асосий қоидалари, талаблари бажарилмаса, адабий ҳодисаларни қиёслаш жараёни қутилган натижани бермайди.

### ***Назорат саволлари:***

1. Методология нима ва қандай илмий тадқиқот методларини биласиз?

2. Қиёсий-тарихий метод чоғиштириш методидан қандай фарқ қилади?

3. Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг қандай мезонлари мавжуд?

4. Қиёсий таҳлил натижаларининг холислигини таъминлаш шартлари нималардан иборат?

5. Қандай ҳолатларда адабий ҳодисаларни қиёслаш жараёни кутилган натижани бермайди?



#### 4-мавзу:

### ТАРЖИМА – ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК ОБЪЕКТИ

#### Режа:

4.1. Таржима назарияси фан сифатида.

4.2. Таржимашуносликка оид муҳим тушунчалар.

4.3. Таржима адабиётлараро коммуникация воситаси.

4.4 Таржима – компаративистика объекти.

*Таянч сўзлар: таржима, дастлабки таржималар, компаративистика, лексик жиҳат, адекватлик, трансформацион модел, семантик модел, ситуатив модел, коммуникатив модел, П.М.Топпер, бадиий таржима, таржимон маҳорати.*

Таржима тарихига назар соладиган бўлсак, унинг илдизлари эрамиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Биринчи бўлиб ёзма таржимани қадимги Рим шоири, драматурги ва таржимони Ливий Андроник (280–205) амалга оширган. У Гомернинг машҳур «Одиссея» асарини юнон тилидан латин тилига ўгирган.

Таржима назарияси ҳақидаги дастлабки фикрларни эрамизгача бўлган биринчи асрда Туллий Цицерон (106-43) асарларида ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, «таржимада шаклни эмас, мазмунни етказиш керак. Сўзма-сўз таржима таржимоннинг ожизлигидан дарак беради»<sup>24</sup>.

<sup>24</sup> <http://linguisticus.com/ru>

Ўрта асрлардаги таржималар диний асарларни таржима қилиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Уйғониш даврида (XIII аср охири, XIV аср боши Европада) нафақат диний ва яна бадий асарлар таржима қилинган.

XX асрларга келиб таржима назарияси фан сифатида тўлиқ шаклланади ва бир қанча назарий асарлар яратилади. Ғ.Саломовнинг «Таржима назарияси асослари» илмий асари ўзбек адабиётшунослигида таржима назариясига оид энг яхши асарлардан биридир<sup>25</sup>. Ушбу китобда маданий илмий ҳамкорлик ва таржима, адабий алоқа ва бадий таржима, таржима тарихи сабоқлари, бадий таржимада услуб, миллий колоритни ифодалашнинг мазмун ва мундарижаси, миллий мослаштириш принциплари (ўзга халқнинг ижодий маҳсулини ўз халқининг характерига мослаштириш, масалан, *Навоийнинг русча таржимадаги шеърлари рус халқининг мулкига айланиши*) шеърый таржимада вазн трансформацияси каби масалалар ёритилган.

Б.Илясовнинг илмий асарлари шеърый таржима асослари, таржимон маҳоратига бағишланади<sup>26</sup>.

Замонавий таржима назариясига оид илмий асарларда кўпроқ таржима усуллари, таржима танқиди, таржиманинг маданиятлараро мулоқот ва қиёсий адабиётшуносликнинг объекти сифатидаги ўрнига аҳамият қаратилган<sup>27</sup>.

<sup>25</sup> Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

<sup>26</sup> Илясов Б. Свободный стих и перевод. – Термез: Джайхун, 1995; Авторская концепция оригинала и мастерство переводчика. – Ташкент, 1995; Замысел автора и переводческие плеоназмы // Зунделовические чтения: Материалы международной конференции. – Самарканд, 2000. – С.102 – 105; Искусство поэтического перевода. – Ташкент: Фан, 2007. – 124 с.

<sup>27</sup> Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. – М., 2000; Белик Е.В. Перевод как разновидность межкультурной коммуникации //

## **Таржима назариясига оид муҳим тушунчалар:**

Таржима назарияси умумий ва алоҳида назарияга ажратилиб ўрганилади. Умумий таржима назарияси тил учун умумий бўлган қонуниятларни ўрганади ва барча таржима турларини қамраб олади. Алоҳида таржима назарияси эса бир тилдан иккинчи тилга бўлган таржиманинг фақат лингвистик аспектларини ўрганади.

Таржима коммуникатив жараён ҳисобланади ва шу жиҳатдан икки хил хусусиятга эга:

1. Тил ичидаги жиҳатлар – матннинг услуби, матн билан боғлиқ лингвистик хусусиятлар.

2. Тилдан ташқари жиҳатлар – лингвомаданий хусусиятлар ва маданий анъаналарнинг оригинал ва таржимада акс этиш даражаси.

Маълумки, тилдан ташқари жиҳатларни яхши билмаслик (ўзга халқ маданиятини яхши англамаслик) таржимага путур етказиши мумкин.

Таржима жараёнида **қонуний мувофиқлик назарияси (теория закономерных соответствий)** мавжуд. Бу назариянинг асосий моҳияти келиб чиқиши жиҳатидан мувофиқ ва мувофиқ бўлмаган тиллар орасидаги таржима билан боғлиқ.

Таржима назариясида трансформацион, семантик-семиотик, ситуатив ва коммуникатив моделлар мавжуд.

Таржиманинг трансформацион модели – бошқа тилга таржима қилинганда тилнинг ўз ҳолатини қандай сақлаб қолиш даражасидир.

Таржиманинг семантик (маъно) – семиотик (белгилар системаси) модели – оригинал асар семантикасининг таржимада сақланиш даражаси билан белгиланади.

Таржиманинг ситуатив модели – таржимада айрим вазиятларни (масалан, миллий-маданий) ҳисобга олиб, таржима қилинишини назарда тутлади.

Таржиманинг коммуникатив модели таржимада ўша халқнинг маданиятини ҳисобга олиш ва ўзга тилга адаптацияси масаласидир.

**Таржиманинг тўртта лингвистик жиҳати мавжуд:**

1. Лексик-семантик.
2. Фразеологик.
3. Грамматик.
4. Стилистик.

Лексик-семантик жиҳат – таржимада мумкин қадар оригиналнинг маъновий мазмунини, лингвистик структурасини сақлаб қолинишидир.

Фразеологик жиҳат – таржимада фразеологизмларнинг эквивалентини топиш масаласи. Ушбу йўналишдаги муҳим муаммо маданий-миллий колоритни таржимада бера олиш малакаси билан боғлиқ.

Грамматик жиҳат оригиналнинг ва таржиманинг грамматик қонуниятлари, гап қурилишига мос келиш ва келмаслиги билан боғлиқ.

Таржимада стилистик жиҳат эмоционал бўёқдорликни, ёзувчи услубининг қай даражада сақланиши ва берилиши билан боғлиқ. Масалан, Умар Ҳайём рубоий-

лари таржимасида Шоислом Шомуҳаммедов стилистик жиҳатни максимал даражада сақлаган.

**Таржима жараёнида адекватликка эришиш воситалари:**

Адекватлик барча талабларни сақлаган ҳолда, жумладан, коммуникатив мулоқотни ҳам ҳисобга олиб қилинган таржимадир.

Таржима жараёнида адекватликка эришиш воситаларига қуйидагилар мансубдир:

**1.Референциал воситалар** бу белгилар, маълум рамзлар ва бошқа воситалардир. Референциал воситалар асосан илмий адабиётлар ёки тарихий асарларда бўлади, уларни таржима қилиш жараёни нисбатан осон кечади.

**2. Прагматик воситалар** бу сўзлашиш жараёнидаги стилистик ва эмоционал воситалар. Бу воситалар коммуникатив жараённинг етакчиси ҳисобланади. Масалан, диалоглар, айтишувлар, ички нутқ ва ҳ.к.

**3. Грамматик воситалар.** Ҳар бир таржимонга ўз тилининг грамматик қонуниятлари асосида таржима қилишга ёрдам берувчи воситалар.

Таржима имкон қадар оригинал асарга яқин ва тўғри бўлиши керак. Шеърӣ асарлар таржимасида эквиритмияга ҳам эътибор қилиш даркор. Эквиритмия (лотинча «тўғри ритм») – ритм (оҳанг)ни сақлаган ҳолатда таржима қилиш демакдир.

Нотўғри таржима нотўғри талқинни юзага келтиради. Албатта, таржима «қурбонларсиз» бўлмайди, аммо юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олмаслик, таржимани оригиналдан анча узоқлаштиради.

Таржима назариясига оид илмий китобларда кўпинча ИЯ, ПЯ каби абривеатураларга дуч келамиз: ИЯ – исходный язык (оригинал тили), ПЯ – переводный язык (таржима тили) демакдир.

Таржима нафақат тилшунослик, балки адабиётшунослик, жумладан – қиёсий адабиётшунослик объектидир. Чунки асарнинг ўзи ва таржимаси қиёслаш учун асос вазифасини бажаради. Таржимани қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганаётган тадқиқотчи, албатта, бу борадаги назарий адабиётлар билан танишиши, оригинал асар ва таржимада айнан нимани қиёслаш кераклигини англаб етиши керак.

Адабиётшунос М.Топпернинг «Таржима қиёсий адабиётшунослик тизимида» номли илмий асарида таржиманинг компаративистика объекти сифатидаги хусусиятлари жуда яхши очиб берилган<sup>28</sup>.

Бизга маълумки, таржима моҳиятан коммуникация (ўзаро мулоқот) ва рецепция (таржиманинг қабул қилиниши) каби жараёнлардан иборат. Худди шу жараёнлар қиёсий адабиётшунослик учун ҳам хос бўлиб, иккита ҳар хил миллатга мансуб адабий асарни таққослаш жараёнида, албатта, бу жараёнлар таҳлил қилинади. Масалан, Носир Зоҳид ва америкалик ёзувчи Виктория Швабнинг турлича номдаги «Қасос» романларини ўзбек ва хориж китобхони бир хил қабул қилади, бу – рецепция жараёни. Ҳар иккала романни таққослашга киришиш – икки миллат, икки маданият, икки ёзувчи ўртасидаги коммуникация. Демак, биргина

---

<sup>28</sup> Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. – М., 2000.

коммуникация ва рецепция тушунчаларининг мавжудли таржимани қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида ўрганишга тўла асос беради. М.Топпернинг фикрича, қиёсий адабиётшунослик методологияси жаҳон адабиётидаги турли хил миллий адабиёт намуналарини қиёслаш имконини беради, бу эса таржимашуносликка бўлган эътиборни оширади<sup>29</sup>.

Бадий асар таржимаси билан шуғулланмоқчи бўлган тадқиқотчи асосан қуйидаги жиҳатларни қиёсан ўрганиши мумкин:

1. Оригинал асар ва таржиманинг мувофиқлиги.
2. Ёзувчи ва таржимоннинг ижодий индивидуаллиги.
3. Адабий алоқа ва таржима.
4. Асар ва унинг рецепцияси (қандай эди, қандай қабул қилинди?).
5. Таржима ва адабий таъсир масаласи.
6. Жанрлараро таржима: лирик, эпик, драматик тур жанрлари таржималарида ўхшашлик ва фарқлар.
7. Таржима ва маданиятлараро коммуникация .
8. Бадий таржимада лисоний оламнинг қайта яралиши муаммоси.
9. Ёзувчи ва таржимон маҳорати ва ҳ.к. масалалар.

Юқорида тилга олинган жиҳатларнинг барчасида қиёсий методдан ва методологиянинг анализ, синтез, индукция, дедукция, моделлаштириш ва бошқа назарий методларидан фойдаланилади.

---

<sup>29</sup> Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. – М., 2000. – С.19.

Таржима қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида ўрганилганда, ушбу тадқиқот худди бошқа компаративистик тадқиқотларда бўлгани каби тарихий, гносеологик, мантиқий, методологик, маънавий-ғоявий мезонлар орқали баҳоланади.

Хуллас, «аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс эттирадиган таржима матнини яратиш учун таржимон ҳам талантли бадий сўз устаси, ҳам истеъдодли таржимашунос олим бўлиши керак»<sup>30</sup>

### ***Назорат саволлари:***

1. Таржима тарихига оид нималарни биласиз?
2. Таржима назариясига оид муҳим тушунчаларни изоҳланг?
3. Таржиманинг лингвистик жиҳатлари нималардан иборат?
4. Таржима жараёнида адекватликка эришиш воситаларини тушунтиринг?
5. Таржима муваффақиятини белгиловчи жиҳатлар?
6. Нима учун таржима қиёсий адабиётшунослик объекти ҳисобланади?
7. Бадий асар таржимаси билан шуғулланган тадқиқотчи асосан қайси жиҳатларни қиёсан ўрганиши мумкин?

---

<sup>30</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. - Тошкент: Фан, 2005. - Б.334.



**5-мавзу:**  
**ПОЭТИКА ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ**

**Режа:**

- 5.1. Поэтика ҳақида тушунча.
- 5.2. Поэтиканинг таснифи.
- 5.3. Бадиийлик ва бадиий маҳорат.
- 5.4. Поэтикага оид замонавий тадқиқотлар.

***Таянч сўзлар:** поэтика, умумий поэтика, тавсифий, норматив, назарий ва тарихий поэтика, поэтик маҳорат, бадиийлик, бадиий олам, мезон.*

Қиёсий адабиётшунослик бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг аксарияти поэтика тушунчаси билан боғлиқ. Поэтиканинг асосий мақсади асар яралишига хизмат қилувчи барча бадиий унсурларни юзага чиқариш, баҳолаш ва ёзувчининг маҳоратини кўрсатиб беришдан иборат. Муайян ёзувчи ёки шоирнинг бадиий асарига хос хусусиятларни талаб даражасида таҳлил этиш учун аввало поэтика назариясини чуқур ўрганиб чиқиш керак.

**Поэтика** атамасини биринчи марта Арасту асарида қўллаган<sup>31</sup>. Файласуф адабиётни эпос, лирика, драма каби уч турга ажратиш баробарида уларнинг бадиий хусусиятларига хос жиҳатларни ҳам таҳлилга тортади. Шундан сўнг Шарқ ва Ғарбда поэтика билан боғлиқ кўплаб илмий асарлар юзага келади.

<sup>31</sup> Аристотель. Поэтика. Об искусстве поэзии. – М., 1961.

Рус олими А.А.Потебня (1835–1891) фан тарихида биринчилардан бўлиб, поэтиканинг назарий асослари ҳақида илмий асарлар ёзган.<sup>32</sup> У ўзининг «Назарий поэтика» номли китобида назм ва наср, бадиий тасвир воситалари, поэтик ва мифологик тафаккур, стилистик фигуралар ҳақида илмий-назарий хулосаларини беради. Унинг адабиётшуносликка доир айрим изланишларини<sup>33</sup> кейинчалик рус олими М.Бахтин давом эттирган<sup>34</sup>. У.Жўрақуловнинг таъкидлашича, йирик назарий олим М.М.Бахтин асарларининг бирортаси ҳам тарихий ва назарий поэтика синтезисиз амалга оширилмаган<sup>35</sup>.

«Поэтика» – юнончадан олинган бўлиб, «санъат, яратувчанлик, маҳорат» деган маъноларни билдиради. Рус олими В.М.Жирмунскийнинг фикрича, **поэтика поэзияни санъат даражасида ўрганадиган фандир.** Шу жиҳатдан олимнинг «адабиёт ҳақидаги фан поэтика белгиси остида ривожланади»<sup>36</sup> деган фикри ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Замонавий адабиётшуносликда поэтиканинг умумий, тавсифий норматив, назарий ва тарихий поэтика каби 5 та асосий тури ажратиб кўрсатилган<sup>37</sup>:

---

<sup>32</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976; Теоретическая поэтика. – М., 1990.

<sup>33</sup> Потебня А.А. Из записок по теории словесности. – Харьков, 1905.

<sup>34</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979.

<sup>35</sup> Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар / Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Тошкент, 2015.

<sup>36</sup> Жирмунский В.М. Задачи поэтики / Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л., 1977. – С.15; Историческая поэтика: Итоги и перспективы изучения. – М., 1986. – С.12.

<sup>37</sup> Темирболат А.Б. Поэтика литературы. Учебное пособие. – Алмааты, 2011.

**1. Умумий поэтика** – барча адабиётлар учун хос бўлган бадийят мезонларини ўрганади. (Масалан: ижодий принциплар, муаллиф позицияси ва ҳ.к.)

**2. Тавсифий (хусусий) поэтика** – конкрет асарларнинг яратилиш жараёнини ва ёзувчининг бадий оламини ўрганади. (Масалан: Ҳ.Олимжоннинг бадий оламини, Чўлпон насри поэтикаси ҳ.к.)

**3. Норматив поэтика** – «бадий асар аслида қандай ёзилиш керак?» деган масалага ойдинлик киритади. Норматив поэтика адабий асарларни баҳолайди ва адабий танқид объекти ҳисобланади. У.Тўйчиевнинг «Ўзбек адабиётида бадийлик мезонлари ва уларнинг маромлари», Б.Саримсоқовнинг «Бадийлик асослари ва мезонлари», А.Расуловнинг «Бадийлик мезонлари» асарлари норматив поэтикага оид илмий асарлар ҳисобланади<sup>38</sup>.

**4. Назарий поэтика** – бевосита адабиёт назарияси билан боғлиқ бўлиб, ҳар битта кўриб чиқиладиган адабий ҳодисанинг назарий томонини ёритиб беради. (Масалан, Ойбек романларида психологизм, Пушкин шеъриятида шакл ва мазмун) У.Жўрақуловнинг назарий поэтика масалаларига бағишланган асарида поэтиканинг муаллиф, жанр, хронотоп каби қирралари очиб берилган<sup>39</sup>.

**5. Тарихий поэтика** – бунда асар яратилишига хизмат қиладиган барча бадий унсурларнинг генезиси

---

<sup>38</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент, 2011; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007.

<sup>39</sup> Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2015.

ўрганилади. Ижодкорнинг бадий олами ва маҳорати тарихий-адабий жараёнга ва давр руҳига боғлаб очиб берилади. Тарихий поэтика ривожда А.Веселовский, М.Жирмунский, Н.Конрад, И.Г.Неупокоева, М.М.Бахтин каби олимларнинг илмий асарлари алоҳида аҳамият касб этади<sup>40</sup>.

И.В.Стеблева, А.Б.Куделин, Б.Шидфар, Е.Е.Бертельс, В.И.Брагинский, Р.Мусулмонкулов, Ш.М.Шукуровларнинг илмий изланишлари шарқшуносликдаги тарихий поэтика масалаларига бағишланган<sup>41</sup>.

**Поэтик ёки бадий маҳорат** ёзувчининг ўзига хос бадий олами, бадий асарни яратишдаги санъаткорлигидир. Ижодкорнинг бадий маҳорати асар тилининг моҳирона берилишида, образ яратишида, бадий тасвир воситаларидан ўз ўрнида, моҳирона фойдаланишида, асар композициясини тўғри ва тизимли шакллантиришда ва ҳ.к.ларда яққол намоён бўлади.

Булардан ташқари бадийликнинг қуйидаги 10 та мезони<sup>42</sup> ёзувчининг бадий маҳоратини аниқлашга ёрдам беради:

1. Гуманизм (инсонпарварлик).
2. Эстетик туйғуни шакллантира олиш.

<sup>40</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М., 1989; Жирмунский В.М. Историческая поэтика А.Н.Веселовского и ее источники // Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1939. Вып. №3. – С.3 – 19; Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Восточная литература, 1966; Михайлов А.В. Проблемы исторической поэтики в истории немецкой культуры: Очерки из истории филологической науки. – М., 1989; Храпченко М. Историческая поэтика: основные направления исследований // Вопросы литературы. 1982. №9. – С.73 – 79; Историческая поэтика: Итоги и перспективы изучения. – М., 1986.

<sup>41</sup> Проблемы исторической поэтики литератур Востока. Коллективная монография. – М.: Наука, 1988.

<sup>42</sup> Темирболат А.Б. Поэтика литературы. Учебное пособие. – Алматы, 2011.

3. Ҳаётий ҳақиқатга содиқлик.
4. Чуқур мушоҳода.
5. Муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги.
6. Умумлаштириш ва типиклаштириш қобилияти.
7. Бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсидир ғояга хизмат қилиши.
8. Сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳорат.

9. Қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши.

10. Асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги.

Бадиий асар композициясига хизмат қиладиган ҳар бир унсурнинг поэтикасини ўрганиш ва шу асосда илмий тадқиқот олиб бориш мумкин. Масалан, рус олимларидан Д.С.Лихачев қадим рус адабиётининг поэтикасини, И.В.Силантьев мотивларнинг, В.В.Виноградов сюжет ва услубнинг, Н.Е.Фаликова хронотопнинг, Н.Бандурина ва З.Суванов образларнинг, Й.Солижонов бадиий нутқнинг, К.Ҳамраев композициянинг поэтикасини тадқиқ қилишган ва муҳим илмий-назарий хулосаларни чиқаришган<sup>43</sup>. Айниқса, асар сюжети ва жанрлар типологияси билан шуғулланмоқчи бўлган

<sup>43</sup> Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М.-Л., 1967; Силантьев И.В. Поэтика мотива. – М., 2004; Виноградов В.В. Сюжет и стиль – М., 1963; Фаликова Н.Э. Хронотоп как категория исторической поэтики // Проблемы исторической поэтики. – Петрозаводск, 1992. №2 // <http://poetica.pro>; Бандурина Н. Поэтика образа в литературном творчестве В.Г.Шершеневича. – М., 2012; Суванов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. – Тошкент, 2019; Солижонов Й. XX асрнинг 80 – 90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2002; Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси. Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

олимларга **О.М.Фрейденбернинг** фундаментал монографияси жуда катта назарий материал беради<sup>44</sup>.

Адабиётшунос олимларнинг тафаккур тарзи ва тадқиқотчилик маҳоратини ҳам поэтика нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин. Масалан, рус олими О.Пресняков назарий олим А.А.Потебня илмий ижодининг поэтикасини ўрганган<sup>45</sup>.

Поэтикага оид замонавий тадқиқотлар асосан назарий ва тарихий поэтика масалаларига бағишланади. Тарихий поэтикага оид махсус журнал ҳам мавжуд бўлиб, унда жаҳон адабиёти бўйича рус, инглиз, италян ва испан тилларида энг яхши мақолалар чоп этилади<sup>46</sup>.

### ***Назорат саволлари:***

1. Поэтика деганда нимани тушунасиз?
2. Поэтиканинг қандай турларини биласиз?
3. Бадиийлик ва бадиий маҳорат тушунчаларини изоҳланг?
4. Ёзувчининг бадиий маҳорати нималарда намоён бўлади?
5. Илмий асарлар поэтикасини ўрганиш мумкинми?
6. Поэтикага оид қандай замонавий тадқиқотларни биласиз?

---

<sup>44</sup> Фрейденбер О.М. Поэтика сюжета и жанра. – М.: Лабиринт, 1997. – 448 с.

<sup>45</sup> Пресняков О.П. Поэтика познания и творчества: Теория словесности А.А. Потебни. – М., 1980.

<sup>46</sup> Проблемы исторической поэтики // <http://poetica.pro>

## 6-мавзу:

### АДАБИЁТЛАРАРО ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ

#### Режа:

- 6.1. Миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти.
- 6.2. Адабиётлараро алоқалар.
- 6.3. Типология ва типологик муштараклик.
- 6.4. Адабиётшуносликда мультикультурализм.

*Таянч тушунчалар:* миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти, адабий алоқалар, Алишер Навоий, мультикультурализм, А.Ҳайитметов, Н.Конрад, М.Жирмунский, Ш.Ризаев.

Миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти доимо ўзаро алоқада ривожланади ва бир-бирини бойитади. Жаҳонда бирор адабиёт фақат ўз қобиғида, ўз адабий анъаналари доирасида ривожланмайди, балки бошқа адабиётларнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда ўз тараққиётини белгилайди.

Миллий адабиёт – ҳар бир халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисми, муайян миллатнинг, масалан ўзбек, рус, япон халқининг адабий мероси, назмий ва насрий дурдоналари, ўлмас асарларидир. Рус компаративист олими Б.Г.Резовнинг фикрига кўра, миллий адабиёт кўплаб адабий ва маданий кучларнинг, тенденция ва имкониятларнинг бирлашувидир<sup>47</sup>.

---

<sup>47</sup> Данилина Г.И. Сравнительное литературоведение. Хрестоматия. – Тюмень, 2011. – С.134.

Миллий адабиётнинг асосий кўрсаткичларидан бири унда бирор халқ менталитетига хос анъаналарнинг, урф-одатларнинг, миллат руҳиятининг акс этишидир.

Регионал адабиёт географик жиҳатдан маълум чегараланишга эга бўлган ҳудудий адабиётдир. Масалан, Марказий Осиё халқлари адабиёти, Европа адабиёти, Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти ва ҳ.к. Уларни тарихий тараққиёт босқичлари, анъаналар ва маълум бир ҳудуд бирлаштириб туради. Бундай тасниф генетик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ёки тарихий тақдир бирлаштирган халқлар адабиётига хос умумий жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, «ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва қорақалпоқ халқлари нафақат географик жиҳатдан ўхшаш минтақада ёки ижтимоий-тарихий шароити умумий хусусиятга эга ҳудудда яшайди, балки уларнинг тили, адабиёти, тарихи ва урф-одатларида ҳам муштараклик оз эмас. Уларнинг халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёти тарихида ўхшашликлар кўплигига мисоллар етарли. Бу омиллар Марказий Осиё адабиётларини ўзаро яқинлаштиришни, улар ўртасида адабий алоқалар ва таъсирларнинг юзага келиши ва муваффақиятли ривожланишини таъминлайди»<sup>48</sup>.

«Жаҳон адабиёти» деганда, у ёки бу мамлакатда яратилиб, ўзининг эстетик даражаси бўйича бутун дунёда талаб қилинган асарлар тушунилган»<sup>49</sup>.

<sup>48</sup> Курамбоев К. Адабий алоқалар - миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири // [http://uzadab.ndpi.uz/adabiy\\_aloqalar.html](http://uzadab.ndpi.uz/adabiy_aloqalar.html)

<sup>49</sup> Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. - Toshkent: Akademnashr, 2019. - B.35.



Қайси машҳур асарни олмайлик, у аввало, маълум бир миллат вакилининг ижодий мероси, у ёки бу халқнинг маънавий бойлигидир. Масалан, Алишер Навоий асарлари туркий халқларнинг маънавий мероси бўлиши билан бирга, бутун дунё халқларининг интеллектуал бойлигидир. Чунки шоирнинг асарларида ифодаланган инсонпарварлик, мардлик, дўстлик каби умумбашарий ғоялар барча халқлар учун бирдек қадрли ва аҳамиятлидир.

Ҳар бир миллат адабиёти дунё бадиий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Жаҳон халқларининг қизиқиши ва ўқиши бадиий адабиёт аҳамиятини белгиловчи асосий мезонлардандир. У ёки бу халқнинг жаҳонда танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинishiга боғлиқдир.

**Адабиётлараро алоқалар** ҳар бир миллатнинг маънавий-маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Адабий алоқаларнинг қиёсий адабиётшунослик объекти сифатидаги ўрни, унинг моҳияти ҳақида жуда кўплаб илмий асарлар битилган. А.Дима, И.Неупокоева, Н.Конрад, М.Жирмунский, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Каримов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида адабий алоқалар ва уларнинг адабиётшуносликдаги аҳамияти борасида муҳим илмий-назарий хулосалар баён қилинган.

Т.Т.Хамидова, М.Е.Расули, С.Маткаримова,  
Т.Султанов ва бошқа олимларнинг илмий изланишлари

бевосита адабий алоқаларга бағишланган<sup>50</sup>. И.Г.Неупокоева халқлараро адабий алоқаларни типологик ва генетик турларга бўлиб ўрганишни, бунда ижтимоий омилларни ҳисобга олиш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, олима адабий алоқалар тарихий эҳтиёж, тажриба алмашиш майдони эканини алоҳида таъкидлайди («...готовых творчески х решений ни одна из литератур другой дать не может, но и ни одна литература не может пройти мимо того инонационального, художественного опыта, который ей исторически нужен»)<sup>51</sup>.

Н.И.Конрад адабий алоқаларни бир халқ адабиётининг бошқа бир халқ адабиёти оламига кириб бориши деб таърифлайди ва адабиётлараро алоқаларнинг 5 та асосий турини ажратиб кўрсатади:

1. Бадиий асарлар билан оригиналда танишиш, ўрганиш ва ўз халқи орасида оммалаштириш. Масалан, Европа ёки рус шарқшунослари Алишер Навоий асарларини таржимада эмас, оригиналда ўқий олишган.

2. Таржималар бир халқ адабиётининг бошқа бир халқ адабиёти оламига кириб боришидаги яна бир адабий алоқа шаклидир. Бунда таржимон адабий воситачи (литературный посредник) вазифасини бажаради;

<sup>50</sup> Хамидова Т. Русско-узбекские литературные связи в годы Великой отечественной войны. – Ташкент, 1973; Расули М.Е. К проблеме взаимовлияния и взаимообогащения русской и узбекской литератур. – Ташкент: Фан, 1978; Маткаримова С. Анъана, янгиллик ва бадиий маҳорат (Хоразм шоирлари ижодида Навоий анъаналари мисолида). – Тошкент, 2019; Султанов Т. Алишер Навоий ва Озарбайжон адабиёти: тарихий илдишлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содикий асарлари мисолида). – Тошкент, 2019.

<sup>51</sup> Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М.: Наука, 1976. – С.85.

3. Айнан бир хил мавзунинг турли халқлар адабиётида ёритилиши ҳам адабиётлараро алоқанинг бир шакли. Масалан, Низомий, Деҳлавий, Навоийнинг «Хамса» асари айнан адабий алоқаларнинг самарали натижасидир.

4. Жаҳон адабий алоқалари тарихи бир халқ адабиётининг бошқа бир халқ адабиёти оламига кириб боришидаги яна бир шакл. Адабий алоқаларнинг бу турини Н.И.Конрад «миллий адаптация» деб изоҳлайди. Масалан, «Отоги боко» (1666) гаройиб воқеалар ҳақидаги ҳикоялар тўплами. Асардаги воқеалар кўп жиҳатдан «Цзяньден синхуа» номли хитой ҳикояларига муштарак. Лекин хитой ҳикояларидан таъсирланиб ёзилган япон ҳикоялари, япон одамига мўлжалланиб, уларнинг тафаккур тарзига мос равишда битилган.

5. Ҳамма халқларда мавжуд маноқиб қиссалар (повесть жите) ва уларнинг ўзаро адабий алоқаси. Масалан, хотамтойликда тенгсиз Будда, чирой тимсоли Юсуф, Александр Невский ҳақидаги ҳикоятлар<sup>52</sup>. Бу каби ҳикоялар бугун нарратив проза деб аталади. Шунингдек, бадий асар ёзишда нарратив усулдан (қизиқарли ҳикоя қилиш санъати) ҳам унумли фойдаланилмоқда<sup>53</sup>.

М.Жирмунскийнинг фикрича, адабий алоқалар ва адабий таъсир масаласи тарихий категория бўлиб, конкрет тарихий шароитларда турли хил интенсивлик

---

<sup>52</sup> Батафсил қаранг: Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях // Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – Б.49 – 59.

<sup>53</sup> Қаранг: О нарративных техниках // [http:// litmasters.ru/pisateliskoe-masterstvo/o-narrativnyx-technikax.html](http://litmasters.ru/pisateliskoe-masterstvo/o-narrativnyx-technikax.html)

даражасида ва ҳар хил шаклда намоён бўлади (Литературные связи и взаимодействия представляют категорию историческую и в различных конкретных исторически х условиях имеют разную степень интенсивности и принимают разные формы)<sup>54</sup>.

Адабиётшунос К.Қурамбоев таъкидлаганидек, адабий алоқалар ва таъсирлар масаласи миллий адабиётлар тараққиётини кафолатлайдиган омиллардан бири экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган. Жаҳонда бирор адабиёт йўқки, фақат ўз қобиғида, ўз адабиёти анъаналари доирасида бошқа миллий адабиётларнинг илғор тажрибаларига таянмаган ҳолда ривожланиб, ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилган бўлсин<sup>55</sup>. Сўнгги йилларда миллий адабиётимизни ривожлантириш, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда тарғиб қилиш, бу жараёнда дунё халқларининг, жумладан, қардош элларнинг адабиёти билан яқиндан танишиш, уларнинг энг сара адабий асарларини аслиятидан ўзбек тилига таржима қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ш.Ризаев адабий алоқа ҳар қандай адабиётнинг ривожини учун ниҳоятда зарур омиллардан бири эканини таъкидларкан, **адабий маҳдудлик** ва бадиий тафаккурнинг биқик холга тушиб қолиши, аввало, бошқа адабиётларни ўрганмаслик, ўз адабиётига танқидий назар билан қарай билмаслик, қиёслаш, солиштириш имко-

<sup>54</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л., 1979. – С.77.

<sup>55</sup> Курамбоев К. Адабий алоқалар – миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири // <[http://uzadab.ndpi.uz/adabiy\\_aloqalar.html](http://uzadab.ndpi.uz/adabiy_aloqalar.html)>

ниятидан маҳрумлик ҳисобига рўй бериши, шу маънода узоқ ва яқин хориждаги барча адабий ҳодисаларни ўрганиб бориш, бадиий янгиликлардан бохабарлик, мутолаа ва ижодий алоқаларга киришиш муайян халққа мансуб ҳар қандай адабий жараёни профессионал жиҳатдан озиқлантириши ҳақидаги муҳим фикрни билдиради<sup>56</sup>.

**Типология** – генетик жиҳатдан ўзаро боғланмаган, тили, тарихи, маданияти тамомила фарқ қиладиган халқлар адабиётида муштарак жиҳатларни аниқлашга ёрдам берадиган компаративистик тушунча ҳисобланади. Адабий ҳодисаларни типологик жиҳатдан ўрганиш, жаҳон адабиётида кечадиган умумий жараёнларни англаб етишда, адабиётлараро алоқаларни юзага чиқаришда муҳим рол ўйнайди.

**Қиёслаш типологияси** деганда биз умумий хусусиятларига (жанри, этник хусусиятларига ва ҳ.к.) кўра у ёки бу адабиёт намуналарининг қиёсланишини тушунамиз. Типология натижасида айрим адабиётларга хос бўлган умумий қонуниятлар шаклланади.

**Д.Дюришин** адабиётни типологик ўрганиш йўналишининг жаҳондаги энг йирик мутахассиси, машҳур словак олимидир. У ўз изланишларида типологик таҳлилни адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири сифатида эътироф этади ва унинг вазифаси адабий

---

<sup>56</sup> Адабий алоқалар ижодий жараён кўзгуси (давра суҳбати, 2014) // <https://ziyouz.uz>

таъсирнинг моҳиятини аниқлаш, ички қонуниятларини очишдан иборатлигини таъкидлайди<sup>57</sup>.

Д.Дюришин типологик ўхшашликларни уч турга ажратиб ўрганишни тавсия қилади:

**1. Ижтимоий-типологик ўхшашликлар.** Бунда ижтимоий шарт-шароитларнинг асарнинг ғоявий-фалсафий мазмунида акс этиши назарда тутилади. Ижтимоий ва ғоявий омиллар бадий асар таркибига сингдирилган бўлиб, айниқса, ғоявий мазмуни, муаллифнинг давр, ижтимоий тузумга нисбатан фалсафий қарашларини ифодалашда яққол намоён бўлади. Бунда адабиётда ўз аксини топган илм-фан, санъат соҳалари ва ҳуқуқий онг ривожига туртки берувчи ижтимоий-сиёсий, ғоявий қарашлар, ахлоққа оид муаммолар билан боғлиқ воқеа-қодисалар доираси назарда тутилади.

**2. Адабий-типологик ўхшашликлар.** Мазкур турдаги ўхшашликлар соф адабий ҳодисага асосланади. Адабиётнинг бу соҳаси қиёсий-типологик тадқиқотнинг объекти бўлиб, айнан шу ерда у адабиёт назарияси билан бирлашади. Бадий асардаги умумий ва фарқли жиҳатларни нафақат адабий йўналиш, жанрлар нуқтаи назаридан, балки ғоявий-психологик ёндашув, қаҳрамонлар тавсифи, композиция, сюжет, мотивлар, образлар тизими, тасвирий воситалар, шеър тузилиши унсурлари сингари бадийликни таъминловчи компонентлар нуқтаи назаридан ўрганиш адабиётшунослик учун муҳим натижалар беради. Адабиётшунос олим Ш.Сирожиддиновнинг Алишер Навоий манбаларининг

<sup>57</sup> Батафсил қаранг: Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М., 1979.

қиёсий-типологик текстологик таҳлилга бағишланган монографияси адабий-типологик ўхшашликлар таҳлил қилинган илмий асарлардан ҳисобланади<sup>58</sup>.

**3. Психологик-типологик ўхшашликлар.** Замонавий адабиётшунослиқда бадий асарнинг адабий жараёндаги ўрнини белгилаш мақсадида ижодкор шахсининг маълум бир асарни яратишдаги индивидуал психологик мойиллиги эътиборга олинади. Компаративистлар кўп ҳолларда бу жараёни қиёсланаётган муаллифларнинг табиатидаги руҳий яқинлик билан изоҳлайдилар. Агар эътибор қаратилса, «Кичкина шаҳзода» ва «Оқ кема» қиссаси ўртасидаги ўхшашликнинг сабаби бош қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларида намоён бўлади»<sup>59</sup>.

Н.Тоирова, А.Қосимов, Б.Холиқов, З.Қобилова, Т.Прохорова, О.Похоленков каби олимларнинг тадқиқотлари типологик таҳлилга асосланган илмий ишлар ҳисобланади<sup>60</sup>. Жаҳон адабиётшунослигида адабий жанрлар типологиясига оид илмий изланишлар ҳам

<sup>58</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларининг қиёсий-типологик текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011.

<sup>59</sup> Batafsil qarang: Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: Akademnashr, 2019.

<sup>60</sup> Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (Аде Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида). – Тошкент, 2007; Тоирова Н. Бадий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғонвий-эстетик вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари асосида). – Тошкент, 2018; Холиқов Б.А. Детектив романларда воқеликнинг бадий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг «The Godfather» ва Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарлари мисолида). – Тошкент, 2018; Қобилова Н.С. Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида бадий психологизм. – Тошкент, 2019; Прохорова Т. Неожиданные сходжения: о типологической близости поэтики Л.Петрушевской и А.Ахматовой // Проблемы филологии, культурологи и искусствоведения. – М., 2008. №1; Похаленков О. Концепт «враг» в творчестве Эриха Марии Ремарка и советской «лейтенантской прозе» 1950 – 60-х гг.: контактные связи и типологические сходжения. – Смоленск, 2011.

мавжуд<sup>61</sup>. Бу каби тадқиқотлар генетик жиҳатдан бир-бирига алоқаси бўлмаган халқлар адабиётидаги муштарак томонларни очиб бериши билан бирга, халқаро адабий алоқалар ривожига ҳам катта ҳисса қўша олади.

Адабиётлараро алоқалар тизимида **мультикультурализм** (кўпмиллатли маданият) ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мультикультурализмнинг ғоявий мазмуни кўп миллатли давлатларда турли халқларнинг ўзаро келишиб яшашига, дўстона муносабатда бўлиб, бир-бирларининг маданияти, тарихи ва адабиётини ҳурмат қилишга йўналтирилган. XX асрнинг охириги чорагида АҚШда шаклланган сиёсатдир<sup>62</sup>. Мультикультурализм ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини, жумладан, адабиётни ҳам қамраб олади.

Мультикультурализм қиёсий адабиётшуносликда, айниқса, адабиётлараро жараёнлар моҳиятини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосини **европацентризмдан** (*европа халқлари маданияти, адабиёти, тарихи ва бошқа хусусиятларини бошқа халқлардан устун қўйиш*) воз кечиш, бир халқни бошқасидан устун қўймаслик, маданият ва адабиётнинг ягона моделини яратиш ғояси ташкил қилади. Шу жиҳатдан мультикультурализм намояндалари инсоният цивилизациясини, жумладан, жаҳон адабиётини улкан «мозаикага» ўхшатишади. Уларнинг фикрича, қотиб қолган догмалар,

---

<sup>61</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества // К исторической типологии романа. - М., 1979; Эсалнек А.Я. Типология романа (теоретический и историко-литературный аспекты): монография. - М., 1991; Жирмунский В.М. Типология восточной поэмы // Советская тюркология. - М., 1973. №4. - С.35 - 48.

<sup>62</sup> Гасанова Н. К определению концепта «мультикультурализм» // <https://cyberleninka.ru/article/v/k-opredeleniyu-kontsepta-multikulturalizm>



марказлаштириш мантиқи билан у ёки бу адабий ҳодисаларга баҳо бериб бўлмайди. Бадий адабиётдаги мультикультурализм барча адабий ҳодисаларни тенг кўриб, бирини иккинчидан камситмаган ҳолда ўрганади.

Рус адабиётшунослигида мультикультурализм га хос илк назарий фикрлар XX аср бошида битилган илмий мақолаларда учрайди. Рус олими **С.А.Венгеровнинг** таъкидлашича (1919), ҳақиқий адабиётшунослик фақат машхур намояналаргагина эмас, адабий жараённинг бошқа вакилларига ҳам қаратмоғи керак. Чунки баъзан айнан улар у ёки бу даврга хос хусусиятларни яққолроқ ифодалашга қодирдирлар (*...я считаю совершенно ненаучным изучать литературу только в её крупных представителях. Бывает даже так, что мелкий писатель, сплош да рядом ярче характеризует ту или другую эпоху, чем писатель крупный*)<sup>63</sup>.

Баъзи илмий мақолаларда айнан бир масалага турлича қарашни кузатиш мумкин. В.М.Жирмунский (1891–1971) ва Н.И.Конрад (1891–1970) бир макон ва бир замонда яшаб ижод қилган, қиёсий адабиётшунослик методологияси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли олимлардир. Уларнинг «Алишер Навоий ва Ренессанс» масаласига бағишланган мақолаларида Н.И.Конрад мультикультурализм ғояларига<sup>64</sup>,

<sup>63</sup> Академические школы в русском литературоведении. – М.: Наука, 1975. – С.179.

<sup>64</sup> Конрад Н.И. Средневосточное возрождение и Алишер Навои // Иностранная литература. №2. – М., 1966. – С.212 – 220.

В.М.Жирмунский европацентризм ақидаларига<sup>65</sup> таянади.

Н.И.Конрад «Лайли ва Мажнун» асаридаги эпизодларни Ғарб адабиётидаги Тристан ва Изолда, Уста ва Маргарита билан қиёсласа, В.М.Жирмунский Навоий қарашларини Данте, Леонардо да Винчи, Петрарка қарашлари билан таққослайди. Н.И.Конрад Навоий ижодидаги универсалликка эътибор қаратиб, Навоий барча халқлар шоири, деган хулосага келади. В.М.Жирмунский эса Навоий «уйғониш даври Ғарб титанлари» билан ҳамфикр экани, уларнинг ғоялари шоир асарларида акс этгани ҳақидаги фикрни илгари суради.

Ҳар иккала мақолада ҳам Ренессанс умумий майдон сифатида кўрсатилган, аммо В.М.Жирмунский ғарбнинг маданият, маънавият, илм-фан жабҳасидаги ютуқлари шарқниқидан устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Н.И.Конрад эса Шарқ маънавияти ва маданияти ўзининг қадим сарчашмаларига эга бўлгани, бу борада Ғарбга эҳтиёж сезмаганини қайд қилади. Олим мультикультурализм даги халқлараро тенгликка асосланган концепция асосида ҳеч бир халқ ўзини бошқасидан устун қўйиши керак эмаслиги ҳақидаги ғояни қўллаб қувватлайди (*...ни у кого нет право считает себя народом особым, превосходящим всех других, мания величия у нации столь же ложна, вредна и просто смешна, как и мания величия у отдельного человека*)<sup>66</sup>.

<sup>65</sup> Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в восточных литературах // Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1961. Вып. №59. – С.86 – 97.

<sup>66</sup> Конрад Н.И. Средневосточное возрождение. – С.220.

Хуллас, миллий, ҳудудий, жаҳон адабиёти, адабий алоқалар, мультикультурализм ва бошқалар адабиётлараро жараёнларнинг шакллари ҳисобланади.

***Назорат саволлари:***

1. Миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти тушунчаларини изоҳланг.

2. Ҳудудий ва жаҳон адабиёти намуналарига мисол келтиринг.

3. Нима учун адабиётлараро алоқалар компаративистика объекти ҳисобланади?

4. Типология ва типологик муштараклик тушунчаларига изоҳ беринг

5. Адабиётшуносликдаги мультикультурализм тушунчасини изоҳланг ?

7-мавзу:  
**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ҚИЁСИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР**

*Таянч тушунчалар:* қиёсий тадқиқотлар, ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти, Н.Каримов, А.Ҳайитметов, Э.Рустамов, М.Хажиева, Н.Тоирова, биографик роман, Абдулла Қаҳҳор, Жек Лондон.

Ўзбек адабиётшунослигида қиёсий йўналишдаги илмий ишлар олиб бориш жараёни асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Н.Владимированинг рус тилидан ўзбек тилига таржималарнинг назарий асосларига, А.Мирзоевнинг Фоний ва Ҳофиз шеъриятига бағишланган илмий ишлари бу борадаги илк тадқиқотлар ҳисобланади<sup>67</sup>.

Бугунги кунга келиб, компаративистик тадқиқотлар сони ва салмоғи ошиб бормоқда. Ўз даврида таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов, «Хамса» Алишер Навоий ижодининг энг катта ютуғи бўлиши билан бирга, унинг юзага келиши фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, жаҳон адабиёти тарихида буюк воқеа эканини, Навоий ва жаҳон адабиёти мавзуси нисбатан янги соҳа бўлиб, бугунгача санокли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаган эди<sup>68</sup>.

---

<sup>67</sup> Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского языка на узбекский язык. Автореф. дисс... к.ф.н. – Ташкент, 1957; Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.53 - 62.

<sup>68</sup> Ҳайитметов А. Тимурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.68.

Илмий-адабий алоқалар натижасида чинакам асарлар бошқа халқларнинг адабиёт оламига тез кириб боради ва қайсидир даражада уларнинг ҳам маънавий мулкига айланади. Демак, Навоий, Бобур, Шекспир, Данте ва бошқа кўплаб шоир ҳамда ёзувчилар ижоди жаҳон халқларининг ҳам умумий интеллектуал мулкидир. Бу жараёнда қиёсий йўналишдаги илмий ишлар алоҳида рол ўйнайди.

Ўзбек адабиётшунослигида Х.К.Ҳамраев Ойбек ва Қаҳҳор асарларини, С.Р.Бабаева Гафур Ғулум, Г.Халлиева Навоий ва Бобур, З.Мирзаева Абдулла Қодирий ва бошқа жадид адиблари, Б.Холиқов Тоҳир Малик, Н.Тоирова Омон Мухтор, Ф.Ҳажиева Мақсуд Қориев, Н.Қобилова Абдулла Қаҳҳор асарларини жаҳон адабий контекстида ўрганиб, қиёсий адабиётшунослик ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Адабий алоқалар доирасида бажарилган илмий ишларга М.Холбеков, Ш.Шамусаров, А.Қосимов, М.Бакаева, С.Камилова, Т.Султанов, С.Маткаримова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

О.Рустамовнинг «XX аср француз шеърляти ўзбек тилида (таржимада мазмун ва шакл бирлиги масаласи) мавзусидаги илмий иши, М.Тожиҳўжаевнинг «Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида» номли монографияси, Ф.Сапаеванинг Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари қиёсий таҳлилига бағишланган тадқиқоти, Р.Ширинованинг олам миллий манзарасининг бадиий таржимада

қайта яратилиши хусусидаги докторлик диссертацияси таржимашунослик йўналишидаги илмий ишларга мисол бўла олади.

Хуллас, халқлараро маданий-адабий алоқалар кундан кунга ривожланиб бораётган бугунги кунда қиёсий тадқиқотлар адабиётшунослигимизда келажаги порлоқ, истиқболли йўналишлардан биридир. Халқаро адабий алоқалар доирасида компаративистик тадқиқотлар олиб бориш жараёнида, камида икки халқ, икки адабиётнинг, айниқса, ўзимизнинг маънавий қадриятларимиз, назмий ва насрий дурдоналаримизнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Қиёсий тадқиқот олиб боришда методологик ёрдам ва намуна сифатида бу ўринда айрим илмий ишлардан мисоллар келтиришни лозим топдик.

### **ОЙБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ<sup>69</sup>**

XIX асрнинг 50–60-йилларида Чор Россиясининг Ўрта Осиёни забт этиши билан юртимизда мустамлакачилик даври бошланди. Шу даврда масжид ва мадрасалар ёпилиб, араб ва форс тилларининг маънавий-маданий тараққиёт воситаларидан бири сифатидаги мақоми пасайтирилди. Бунинг ўрнига рус тили ва рус адабиёти шиддат билан кириб келди. Бу ҳол, бир томондан, миллий тарихни ўрганишга, миллий тил ва адабиётнинг ривожланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек халқининг охир-оқибатда рус тили ва адабиёти орқали Европа,

<sup>69</sup> Каримов Н. Ойбек ва жаҳон адабиёти // <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/paim-karimov-oybek-va-jahon-adabiyoti>.

шунингдек, Америка халқлари адабиётларини – янги адабий-маданий оламини кашф этишига имкон берди. Ўзбек ёзувчилари жаҳон адабиёти эришган бадий ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш асосида миллий адабиётимизга янги адабий шакл ва жанрларни, янги бадий-услубий воситаларни олиб кира бошладилар.

Ана шу жараёнда Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов нафақат баркамол шоир ёки ёзувчи, балки забардаст таржимон сифатида ҳам ҳавас қилишга арзирли ишларни бажарди. Ўзбек халқининг жаҳон адабиёти намуналари билан танишиши, уларни Навоий ёки Қодирий асарларини ўқигандек севиб ўқишида бадий таржима олтин кўприк вазифасини ўтади.

Лекин бу иш осон бўлмади. XIX асрнинг 70-йилларигача асосан форс ва араб тилларидаги бадий адабиёт намуналарини туркий (эски ўзбек) тилига таржима қилган таржимонлар учун Европа халқлари тиллари, жумладан, рус тили ҳам мутлақо бегона тил эди. Шунинг учун ҳам 1870 йилда Тошкентда ўзбек тилида чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газети» ўз олдига муҳим ва хайрли вазифани қўйиб, И.А.Крилов, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, Н.А.Некрасовнинг болаларга бағишланган кичик-кичик асарларини ўзбек тилига таржима қилишни бошлаб берди. Бунга газета муҳаррири Н.А.Остроумовдан ташқари, Шоҳимардон Иброҳимов, Чанишев, Айдаров, Сатторхон, Мулла

Олимлар жалб этилди. Рус адабиётининг дастлабки таржимонлари томонидан эски ўзбек тилига ўгирилган айрим асарлар Саидрасул Азизий, Али Асқар Калинин, Абдулла Авлонийнинг дарсликларига ҳам киритилиб, рус-тузем ва жаид мактаблари ўқувчилари эътиборига ҳавола этилди. Болаларбоп бадий шакл ва ибратли-дидактик мазмун билан йўғрилган бу асарлар жаид болалар адабиётининг майдонга келишида мумтоз ўзбек адабиёти ва фольклори анъаналари билан бирга катта аҳамиятга эга бўлди.

Аммо бу таржималарга бугунги адабий-бадий мезонлар асосида ёндашганда уларнинг тил ва услуб жиҳатидан мураккаб экани кўзга яққол ташланади. Бунинг асосий сабаби таржимонларнинг бадий таржима амалиётидан узоқ бўлганлигида кўринади. Ўзбек адабий тилининг кейинги ривожидида биринчи навбатда, Чўлпон ва Қодирийнинг ҳам ёзувчи, ҳам жаҳон адабиёти намуналарининг таржимони сифатидаги хизматлари беқиёс. Улар билан изма-из ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишига ва ўзбек халқини жаҳон адабиёти билан таништириш ишига катта ҳисса қўшган сўз сەҳргарларидан бири Ойбекдир.

Ойбек умрининг, Навоий таърифи билан айтганда, илм махзанини йиғиш фасли икки тарихий давр тўқнашган йилларга тўғри келди. У ҳаётининг илк даврида, оз фурсат бўлса-да, мадрасада ўқиб, араб ва форс тиллари билан ошно бўлди, инқилобий бўронлар билан бошланган янги даврда эса эътиборини кўпроқ шу даврнинг муҳим ижтимоий масалаларига қаратди.



Бу қандай давр эди? Бу, Ойбекнинг устози Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг маслакдошлари учун 1917 йил февралдан кейин миллий мустақиллик умиди пайдо бўлган, 1918 йил февралида Туркистон мухторияти тугатилганидан кейин ўша умид гуллари хазон бўлган, лекин «ноумид – шайтон» ҳикматига амал қилган устозлар мустақиллик учун курашнинг янги йўллари излаётган йиллар эди. Улар келган фикр-хулосага кўра, давлат идораларини бошқара оладиган, таълим, фан, маданият ва халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича юқори малакали миллий кадрларни тайёрламасдан туриб, мустақиллик учун курашиш самарасиз эди. Шунинг учун ҳам 1922 йилда Бухоро Халқ шўро жумҳуриятининг маблағи ва маърифат фидойиларининг дуойи саломлари билан 70 нафар ёш Германияга ўқишга юборилди. Улар ишлаб чиққан режага кўра, ҳар йили тахминан шунчадан ёшлар нафақат Германия, балки бошқа давлатларга, хусусан, Россиянинг Москва ва Ленинград шаҳарларидаги олий ўқув юртларига ҳам юборилиши ва миллий кадрлар муаммоси беш-ўн йил мобайнида ҳал қилиниши лозим эди.

«Финансы поют романсы» шу тарихий даврнинг шиорларидан бири эди. Мунавварқори таъсирида улғайиб бораётган Ойбек ҳам талабалик пайтларида иқтисодчи бўлишни кўнглига тугди. Аммо у фақат иқтисодга доир адабиётнигина эмас, балки Теннинг «Санъат бўйича мутолаа», Фриченинг «Санъат тарихи», Белинскийнинг «Адабий орзулар», Луначарскийнинг «Позитив (ижобий) эстетика ҳақида» сингари асарларини қунт билан мутолаа қилди.

Ойбекнинг рус шеърляти классиклари билан танишишида рус тили ва адабиёти муаллими Горяновнинг хизматлари катта. «Сўзларининг, қўлларининг имошораси билан тахтага чиза-чиза рус тилини ўргатишга уринган» Горянов туфайли у Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок шеърляти жозибасини илк бор кашф этди. Айниқса, Пушкин шеърляти уни мафтун этди. «Мен Пушкин шеърляти билан яшай бошладим, деб ёзган эди Ойбек олис 20-йилларни эслаб. – Янги бир дунёга кирдим, янги ҳаёт, янги илҳом кашф этдим».

Ўрта Осиё давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида таҳсил ола бошлаган Ойбек чуқурроқ билим олиш мақсадида ўқишни Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтига кўчиради. У «Шимолий Венеция»да иқтисодий тангликда, ярим очуопун яшаганига қарамай, юқори малакали иқтисодчи бўлиш ва айна пайтда шеърлятга бўлган руҳий эҳтиёжини қондириш учун тинмай ўқийди.

Ойбекнинг болалик даври ўртоқларидан бири Ҳомил Ёкубов адиб билан Ленинградда илк бор учрашган кунларни бундай хотирлаган эди: «...1927 йилнинг куз фаслида Ойбек Ленинградга келиб қолди... Одатий салом-алиқдан сўнг биз тезроқ Ўзбекистондаги аҳволни билишга қизиқдик. Ойбекнинг ҳикоя қилишича, Ўзбекистонда мафкура майдонида кэски н кураш бошланибди. Адабиёт соҳасидаги ёт мафкурага қарши кураш масаласи матбуот саҳифаларида кўтарилган баҳсларда Ойбек ҳам қатнашибди. Бу ҳақда у шу қадар куюниб-ёниб сўзлардики, биз адабиёт аллақачон ҳаёти-

нинг ажралмас қисмига айланганини сезиб турардик. Унинг фикрича, ижодкор, аввало ғоявий барқарор ва ўта билимдон бўлмоғи шарт. «Ўзи тўғри йўлда турмаган ёзувчи ўзгаларни ҳам асло Ҳақ йўлига бошлай олмайди», деганди у. Шундан сўнг суҳбат инсон умрининг мазмуни ҳақида кетди...».

Хотиранависнинг ёзишича, Ойбек: «...Энди ҳамма имкониятлардан яхши фойдаланиб, фақат ихтисос(лик) фанларини ўзлаштириш билан қаноатланмасдан, мустақил мутолаа йўли билан адабий-назарий маълумотини чуқурлаштириш, рус ва Ғарбий Европа бадий ижод хазиналари билан яқиндан танишини ниятида эканини ҳаяжонланиб сўзла»ган; «ижтимоий, иқтисодий ва фалсафий фанларга қизиқиши тобора кучайиб», «иқтисод факультети программаси юзасидан системали равишда фалсафа тарихи, қадимги ва янги дунё фалсафасини чуқур ўрганган». «Бадий асарларни айтмайсизми? – деб давом этган хотиранавис. – Улар (Ойбекнинг ётоқхонасида – Н.К.) қалашиб ётарди. Ойбек буларнинг кўпларини ўқишга улгурар, ўқиганда ҳам синчковлик билан ғоявий-бадий мағзини чақиб ўқирди. У, хусусан, поэзияни ёқтирарди. Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок, Маяковский, Есенин шеърларининг баъзиларини бизга ёддан ўқиб берарди. Биз эътибор бериб тинглардик...».

Ойбек Тошкент ва Ленинграддаги талабалик йилларида номлари юқорида тилга олинган шоирлар ижоди мисолида рус лирикасидаги ҳис-туйғу ва лирик кечинмаларнинг порлоқлигидан, бадий тасвир усулла-

рининг ранг-баранглигидан баҳра олган. Аммо рус шеъриятига ром бўлмасдан аввал у Туркияда таҳсил олган устози эсон афанди ва Чўлпон таъсирида янги турк шеъриятига ихлос қўйган эди. Ойбек «Адабиёт, тарих, замонавийлик» (1966) деб номланган суҳбатида шу жараён ҳақида илк бор сўзлаб, бундай деган эди: «Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Ўша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳомид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман, илк марта таъсирланганимни кўз олдимга келтирдим. Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан. Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас... энг муҳими, кундалик ҳаёт предметлари, одатий нутқ поэтик оламнинг бутун дабдабаси ва жозибасини йўққа чиқариб қўядиган кўринарди».

Ойбек 20-йилларда Тошкентдаги «Турон» кутубхонаси фондидаги турк шоирларининг мажмуалари ва «Сарвати фунун» журналида босилган асарларини мутолаа қилиш жараёнида содда услуби ва ёниқ туйғулари билан анъанавий ўзбек шеъриятидан кэски н фарқ қилган турк шеъриятига меҳр қўйди. У ҳатто, Зиё Кўкалп таъсирида машҳур «Ўзбекистон» шеърини ёзди.

Совет мафкурачилари таъбири билан айтганда, пан-туркизм ғоялари билан суғорилган бу шеърнинг бадий шакли Ойбекка ўзбек лирикасининг гўзал намуналаридан бирини яратиш севинчини бағишлади. Агар Зиё Кўкалп ўз шеърида турк тилини шарафлаган бўлса, Ойбек ўз шеърида она Ватани – Ўзбекистонни кўкларга кўтарди.

Ойбек турк шеърятига қизиқа бошлашидан аввал, «мактабдалик йилларида Шарқ классикаси билан танишиб», «ҳиротлик буюк Навоий ва ажойиб лирик, озарбойжон адабиётининг буюк сиймоларидан бўлган Фузулийга бениҳоя меҳр қўйган» эди. Бу меҳр унинг ҳаёти, қалби ва ижодини бутун умри бўйи ёритиб, қуёш ҳароратини бағишлаб турди.

Ойбек 1926 йилда жаҳон адабиётига илк бор мурожаат этиб, Анатол Франсининг «Башарият тарихи» ҳикоясини таржима қилади. «Башарият тарихи», аслида, мустақил ҳикоя бўлмай, француз адибининг «Жером Куняр афандининг фикр ва мулоҳазалари» деган китобидан олинган. Бу китоб дастлаб «Эчо де Парис» газетасининг 1893 йил 15 март – 19 июль сонларида фелетонлар туркуми тарзида босилган. Асар нақл шаклида баён қилинган диалоглар силсиласидан иборат бўлиб, уларда қаҳрамоннинг давлат тузилиши, армия, уруш, ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган. Бу ҳикоя таржимасини ўқир экансиз, бир савол туғилади: «Ойбек шу асарни тўла ҳолда ўқиганми ёки Анатол Франс асарининг бирор журнал ё газетада эълон қилинган парчасиними?» Бизнингча, Ойбек даст-

лаб шу ҳикоя билан танишган бўлса ҳам, бу ибратли Шарқ афсонасини таржима қилганидан сўнг, «Жером Куняр»ни, албатта, ўқиб чиққан.

Анатол Франснинг Ойбек таржимасида эълон қилинган ҳикояси, гарчанд Шарқ афсоналарига асосланган бўлса-да, китобхонларда катта таассурот қолдирди. Балки Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги: «Мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар», деган сўзлари билан ҳикоядаги: «Менинг донишманд отам мозийдан хабардор бўлиб иш қилсалар, кўп хато қилмаслар эди, деб айтган эдилар», деган сўзлари ўртасидаги муштараклик тасодифий эмасдир.

Ҳар ҳолда Ойбек бу ҳикояни таржима қилибгина қолмай, ундан ўзи учун керакли хулосаларни чиқариб олди. Биринчи ва энг муҳим хулоса, бизнингча, шу эди: ҳар бир инсон, айниқса, ижодкор фақат ўз халқининг тарихи ва маданиятини эмас, башарият (яъни жаҳон халқлари) тарихи ва маданиятини ҳам билиши лозим. Ойбек шу асосий хулосага асосланган ҳолда жаҳон халқлари тарихи ва маданияти (жумладан, адабиёти)ни ўзи ўрганибгина қолмай, ёш авлоднинг ҳам шундай билимга эга бўлиши учун кўмаклашишга аҳд қилди.

Ойбек 1930 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ижтимоий фанлар факультети ни тугатганида, нафақат иқтисод фани асосларини эгаллаган дипломли мутахассис, балки бир неча шеърый китоби чоп этилиб, шеърят мухлислари эътиборини қозонган истеъдодли шоир ҳам эди. 1935 йилга келиб, Германияда, шу-

нингдек, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда ўқиб келган ёшлар ҳисобига республикада кадрлар масаласи озми-кўпми ҳал бўлган эди. Шунинг учун Ойбек икки соҳадан бирини танлашга мажбур бўлди ва у «севдиги» адабиётни танлади.

30-йилларнинг ўрталарида адабиёт бўйича мактаблар учун ўқув дастурлари қайта кўрилиб, дарслик ҳамда мажмуаларга ўзбек ва рус ёзувчиларидан ташқари, жаҳон адабиёти классикларини ҳам киритиш лозим деб топилди. Маориф халқ комиссарлигининг шу ҳақдаги қарори Ойбек учун айти муддао эди. У 1935 йили ўрта мактабларнинг 9-синфи ўқувчиларига аталган «Адабиёт хрестоматияси» учун буюк олмон шоири Ҳайнрих Ҳайненинг «Силезия тўқувчилари» ва «Қуллар кемаси» шеърларини таржима қилди. 1937 йилнинг Ойбекни ҳам Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан учуриб юборган бўрон тингач, у 1938 йил охири 1939 йил бошларида проф. Н.Ф.Дератани томонидан тузилган «Антик адабиёт хрестоматияси»нинг Рим адабиётига бағишланган 1-жилдини ўзбек тилига таржима қилишга муваффақ бўлди.

Гарчанд мазкур хрестоматия эрамиздан аввалги III–I асрлар Рим адабиётининг Плавт, Теренсий, Катулл сингари намояндаларидан тортиб, императорлик даври (милодий I–II асрлар) адабиётининг Петроний, Апулей сингари романнависларининг ижодини қамраб олган бўлса-да, унда шу шоир ва ёзувчиларнинг айрим асарлари ёки катта ҳажмдаги асарларидан парчаларгина берилган эди. Шунга қарамай, бу мажмуанинг нашр

этилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Китобхонлар Ойбек таржималари туфайли антик Рим адабиёти ва унинг буюк намояндалари ҳақида илк бор тасаввур ҳосил қилдилар. Бу Ойбекнинг жаҳон адабиётини ўрганиш ва таржима қилиш соҳасида олиб борган ижодий ишларининг ўзига хос чўққиси бўлди. Агар антик давр юнон ва Рим адабиётлари жаҳон адабиётининг бешиги бўлганини эътиборга олсак, Ойбек жаҳон адабиёти ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштириш ишларидан бири бўлди.

Юқорида баён қилинган сўзлардан шу нарса аён бўладики, ўтган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда рус адабиёти билан бирга жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам ўзбек тилига таржима қилишга ва ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда ривожлантиришга катта эътибор берилган. Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир сингари шоирлар шу имкониятдан фойдаланиб, Ш.Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», В.Шекспирнинг «Ҳамлет», А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Борис Годунов», «Боғчасарой фонтани», «Кавказ асири», «Сув париси», «Мис чавандоз», М.Ю.Лермонтовнинг «Демон» сингари ўнлаб асарларини ўзбек наволарида янградиб юборишди. Ойбек 30-йилларда шиддат билан бошланган шу ижодий ишни 40-йилларда ҳам давом эттириб, жаҳон комедия санъати қиролларидан бири Жан Батист Молернинг «Тартюф» комедиясини ўзбек тилига ўгирди. Аммо адиб бу асарни ҳозирги Ўзбек Мил-



лий драма театри буюртмаси асосида шошиб таржима қилгани, шунингдек, суронли даврнинг бошқа муҳимроқ масалалари билан бандлиги сабабли унга сайқал бериш имконига эга бўлмаган. Шунга қарамай, бу таржима билан танишган китобхон Ойбекнинг асар ғояси, қаҳрамонларнинг сажиялари ва ўзаро муносабатларини чуқур ҳис қилгани ҳамда буни таржимада беришга интилганини, албатта, сезади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, совет давридаги адабий-маданий сиёсат заминида собиқ иттифоқ ҳудудларида яшаган халқларни нафақат коммунистик партия ва совет давлати ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, балки интернационализм ниқоби остида руслаштириш мақсади ҳам ётган. Совет даврида рус мумтоз ва замонавий адабиёти намояндаларининг жуда кўп асарлари миллий тилларга, жумладан, ўзбек тилига шу мақсадда таржима қилинган. Аммо 20-йилларда А.Серафимовичнинг «Темир оқим», М.Шагиняннинг «Гидроцентрал» сингари даврнинг долзарб мавзуларидаги асарлар таржима қилинган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, рус ва қардош халқлар адабиётининг дурдона асарларини таржима қилишга эҳтиёж туғилди. А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан улуғ рус шоири дурдоналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши худди шу даврга тўғри келди. Ойбек «рус ҳаётининг қомуси» (В.Г.Белинский) деб баҳоланган «Евгений Онегин» шеърий романини ўгириш жараёнида Пушкинни жаҳон шеъриятининг буюк арбобларидан бири сифатида кашф этди. У бу асарни таржима қилиш

ва пушкинона поэтик маҳорат «сир»ларини ўрганиш жараёнида ўз ижодида ҳам, қолаверса, ўзбек шеъриятида ҳам юксалиш рўй бериши мумкинлигини сезди. Ана шу сезги ва Пушкин асарининг бадиий латофати «Евгений Онегин»ни катта илҳом ва муваффақият билан таржима қилишига сабаб бўлди. Ойбек нафақат ўзининг, балки қаламкаш дўстларининг ҳам Пушкин ижоди дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилганидан ғоят мамнун бўлиб бундай ёзди: «Бу йил ўзбек адабиёти учун жуда бахтли йил бўлди: Пушкиннинг кўп шеър ва поэмалари, ҳикоя ва қиссалари таржима этилди. «Муфтах ул-жинон»ларни ўқиб, «охират азоблари» ваҳимасидан кўзларга ёш олиб ухлайдиган замонлар кўпдан йўқолган. Энди ўзбек китобхонлари Пушкин шеърларининг фикрларига, мусиқасига берилиб, гўзалликни туядилар».

Ойбекнинг Пушкин ижодига бўлган қизиқиши «Евгений-Онегин»ни таржима қилиш билангина якунланмади. У В.Г.Белинскийнинг Пушкин ижодига бағишланган мақолаларини қунт билан ўрганди, унинг «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» мақоласини ва шу мақоладан ўрин олган улуғ шоирнинг «Қишлоқ», «Тун нури соҳир...», «Булут» сингари шеърларини таржима қилди. Унинг назарида, кетмон, трактор, гудок, фабрика, завод ҳақидаги «шеърлар» бўғзига келган китобхонлар Пушкиннинг бу ва бошқа асарларида тараннум этилган фикрлар, туйғулар, мусиқанинг гўзаллигини туйиб яйрашлари, шоирлар эса Пушкиндан поэтик маҳорат «сир»ларини ўрганишлари мумкин эди.

«Пушкин асарларини халққа етказиш каби шарафли ишни бажариш билан бир қаторда, – деб давом этди у, – ўзбек шоири ва ёзувчилари ҳам Пушкин ижодининг бой хазинасини атрофлича текшириш, ўрганиш вазифасини қўйишлари лозим. Йилдан-йил ўсаётган ўзбек адабиётининг гуллашига Пушкин ижоди катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир».

Ойбекнинг ўзи нафақат Пушкин, балки Лермонтов, Тютчев, Толстой, Чехов, Горкий, Блок «ижодларининг бой хазинаси»ни ҳам атрофлича текшириб, ўрганиб, улардан сабоқ олишга уринди. Зеро, жаҳон адабиётининг муҳим бир қисми бўлган рус адабиёти ютуқларини ўрганиш унинг ўз маҳоратининг ошиши, ижодининг янги, юксалиш босқичига кўтарилиши учун зарур жараён эди. «Рус тили ва адабиётини ўрганиш билан, – деб ёзди у бир мақоласида, – киши бутун жаҳон маданияти ва бутун жаҳон адабиёти билан-да танишишга имконият топади. Чунки жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари рус тилига мўл-кўл таржима этилган ва ҳозир ҳам таржима этилмакдадир».

Биз Ойбекнинг бу сўзларини ўқир эканмиз, Пушкиндек буюк даҳонинг туғилишида буюк инглиз шоири Байроннинг роли оз эмаслиги ёдимизга келади. Бошқа рус шоир ва ёзувчиларининг шаклланишида ҳам инглиз, немис, француз, италян адабиётлари буюк намояндалари ижодининг таъсири оз бўлмаган. Умуман, адабий таъсир, адабий алоқа бадий ижодни ҳаракатга келтирувчи, янгилаб турувчи, бойитувчи муҳим воситадир. Ойбек 30–50 йилларда қайси шоир ёки ёзувчи

асарини таржима қилган, ижодини ўрганган бўлмасин, шу шоир ёки ёзувчига жаҳон адабиётининг вакили сифатида ёндашиб, унинг ижодий ютуқларидан, тажрибасидан баҳраманд бўлишга, шу асосда ижодий ўсишга интилди.

Ойбек жуда кўп истеъдодли шоир ва ёзувчининг асарини таржима қилган. И.А.Крилов (масаллар), М.Ю.Лермонтов («Маскарад»), М.Горкий («Макар Чудра», «Лочин қўшиғи»), Анна Ахматова («Мардлик», «Боғда ғалати чуқур...»), А.Твардовский («Гармон») шулар жумласидан. Уларнинг орасида фалакнинг гардиши билан уруш йилларида Тошкентга келиб қолган чех шоири, лах адабий тилининг асосчиси Ондра Лисаковский ҳам бўлган. Унинг «Самарқанд кузи», «Бомбардимон вақтида», «Кончи партизанлар қўшиғи», «Мен шоир» деган шеърлари 1943 йилда «Қилич ва қалам» тўпламида Ойбек таржимасида дунё юзини кўрган.

О.Лисаковский гарчанд чех адабиётининг кўзга кўринган вакили бўлса-да, биз уни жаҳон адабиёти намояндаси сифатида алқаш ниятида эмасмиз. Зеро, жаҳон адабиёти миллий адабиётларнинг шоҳ асарларидан, йиллар ва замонлар ўтса ҳамки, бадиий латофатини йўқотмайдиган асарлардан иборат хазинадир, олтин фонддир. Шубҳасиз, О.Лисаковский сингари ижодкорларнинг ҳам адабиётнинг бепоён оламида ўз ўрни, ўлан-тўшаги бор.

Ойбек жаҳон адабиётининг нафақат инглиз, немис, француз, балки форс, ҳинд, озарбойжон, ўзбек ва рус

миллатларига мансуб намояндаларининг ўлмас асарларини ҳам ўқиб-ўрганди ёки таржима қилди. Ҳар икки ҳолда ҳам улардан эстетик завқ олиш билан бирга уларга бадий маҳорат мактабининг устозлари сифатида муносабатда бўлди.

Ўйлаймизки, ўзи ҳам «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари ва гўзал, дилбар, умрбоқий лирикаси билан жаҳон адабиёти хазинасининг бойишига ҳисса қўшди.

### ИШҚ, ДАРД ВА ИСЁН ШОИРИ<sup>70</sup>

Замонамизнинг машҳур шоирларидан бири «истеъдоднинг табиати – исён», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, чинакам ҳар бир истеъдод соҳиби ер юзидаги зулм ва бедодликка қарши кураш ва исён учун дунёга келади. Ҳаёт ва жамият ҳақиқий талант нигоҳи билан ўзига боқиб, сўз ва ифодаларидаги ғам-ғусса, кулфат ва мусибатларни тан олгандагина бир қадар енгил тортиб мазлум-у бечора, ғариб-у ғураболарни тушкунлик ва умидсизликлардан ҳар қалай муҳофаза этади. Ҳеч ким буни фаҳмамаса ҳам, шоир фаҳмлайди, халқ-у халойиқ шафқатсиз ва бераҳм воқелик қаршисида кўрқиб-қалтираб ожиз қолганда ҳам шоир ҳаётга суянади. Зеро, ҳаётга елкадош ва маслакдош ижодкорнинг умри боқий бўлади. Қадим Хоразмнинг истеъдодли, демакки, исёнкор фарзанди Аваз Ўтар ана шундай беназир шоирдир. Аваз шеърияти анъанавий адабиёт билан янги ўзбек шеърияти орасида мустаҳкам бир кўприк вазифасини ўтаган, деса хато бўлмайди.

<sup>70</sup> Ҳаққулов И. Ишқ, дард ва исён шоири// <http://kh-davron.uz>

Аваз ўзигача яшаб ижод этган туркий ва форсий адабиётдаги салафлари ижод мактабидан илҳомланиб сабоқ олган. Аммо наинки ошиқона, балки орифона шеърларида ҳам у Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Фузулий, Огаҳий, Бедил каби буюк шарқ шоирларининг вориси ва муносиб издоши қиёфасида ўзини кўрсата билган. Чунки у руҳ, маъни, гўзаллик ва ҳақиқат файзига етишишнинг асл маънавий манбаларига таянган.

*Истагил дарвешлардин файзи маъни истасанг  
Ким, хароби кўҳналарда бўлғуси махсури ганж.*

Аваз Ўтарнинг фикр ҳаёти, ахлоқий-маънавий қисмати, изтироб кўлами ва руҳий юксалишлари бошқа бир шоирниқига айтарли ўхшамайди. Шоирлигида шеъриятда кўп такрорланган ғам-ғусса, ҳасрат ва андуҳдан қувватли ҳамда фожероқ бир туйғу – яратувчан эҳтирос мавжуд. Ана шу эҳтирос бош кўтарганда у ўзини гоҳ унутса, гоҳ ўзидан қочиб фано ҳолидан нажот истайди

Дунёда забун халқ ва фоже Ватан ишқи билан оғриган қалбчалик тўғри йўл кўрсатадиган улуғ раҳнамо бўлмайди. Аммо калтабин ва онги заиф кимсалар буни фаҳмламайдилар. Чунки улар эзгулик ва тараққиёт душманлари, «риёзат била бермаин нафса ранж», иши «хўрд-у хоб» бўлган қорин бандалари. Бундайлар «дамбадам бедод-у жабр-у зўрликлар» қилиб «зулм ила» миллатни хароб этгувчилар. Авазнинг худбин амалдорларига бўлган нафрат акс этган шеърлари кўпайган

сари унга нисбатан душманлик хуружлари ҳам кучайган. Бироқ бор-йўғи ўттиз беш йилгина умр кечирган, шу қисқа ҳаётнинг кейинги йиллари ҳам кулфат ва оғир азобларга тўла бўлишига қарамай, Аваз катта ижодий мерос яратиб қолдира олди.

Поэтик сўз ҳеч пайт вазият, мақсад, шоирнинг ички руҳий хусусиятларидан ажралган ҳолда пайдо бўлмайди. Бас шундай экан, шоирлик маҳоратини ҳам ижодкорнинг ҳаётга қизғин аралашув ҳислари, умрнинг ҳал қилувчи фурсатлардаги ҳаётий қарашлари, ғоявий туғёнлардан узилган масалага туширилмаслиги керак.

Аваз – умид шоири, замонаси тан олмаган, турфа хил ишончсизликлар ичида қаддини тиклай борган тиллақлар куйчиси. У ҳаммадан ортиқ ҳаётдаги ўзгаришларга, куллик ва нодонлик кишанлари парчаланишига умид боғлар ҳамда ишонарди. Аваз кўп ижодий фурсатларини ғазал ёзишга бағишлаган шоирлардан. Ғазал – инсон қалбининг армонли оҳанглари, дардли руҳнинг алоҳида ва яхлит манзараси. Ғазалнавислик – руҳ ҳақиқатларини акс эттиришдир. Бу маънолар хоҳ ишқий мавзуда бўлсин, хоҳ фалсафий ёки ахлоқий йўналишларда бўлсин бунинг аҳамияти йўқ, ҳамма гап тириклик ёки ўлим моҳиятида баҳсга киришган Руҳнинг ҳурриятида. Чунки руҳий кўтарилиш бўлмаган юракда ақлий баландлик бўлиши мушкул.

Анъана истеъдодни тарбиялайди. Дид, савия имкониятларнинг очилиши ва кенгайишига таъсир кўрса тади. Бироқ у юракка ўт ёқмайди. Аваз тасвиридаги ошиқнинг тушунчасида олам ва одамдаги мавжуд барча

ёмонлик ҳамда ноқисликларнинг ўзак-негизи «аҳли олам»нинг муҳаббатсизлигида. Унинг-ча, ҳақиқий бахт ҳам, тахт ҳам, поклик ҳам муҳаббатда:

*То муҳаббатни қулоҳин киймасам ушшоқ аро,  
Емди Искандар масаллик тожи Дорони нетай?*

Аваз – мазлумсенар шоир. Эзилган эл ва юрт қайғулари унинг руҳида. Шунинг учун бўлса керак, унда эл тилидан гапириш, «миллати мазлума аҳволин паршон» этганлар билан халқ номидан поэтик мубоҳасалар яратиш маҳорати ёрқин. Унинг бу йўналишдаги шеърларида сўз садолари оғзаки нутққа яқинлашади, халқнинг асрий дардлари, турмуши ва тақдирига оид саволлар қўйилиб, поэтик таъкидлар қилинади:

*Бизни айлаб хор-у зор-у нотавон этмоқ учун,  
Бермайин осори ҳурлик банди зиндон этдингиз.  
Бу фалокатлар учун масъул ўлурсиз оқибат,  
Зулми истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.*

Аваз ўзидаги уйғониш ва фикрий ўсувни замондан деб баҳолайди, онги уйғонаётган кишиларни ўзига ўхшатади.

Бадий ижодда баъзан шундай шеърлар дунёга келадики, улар алоҳида шоирларнигина эмас, давр ва замон шеърятининг нафасини белгилашга хизмат қилади. Бундай шеърлар ўқилганда «Шоир ким ва маҳоратининг кучи нимада?» деган саволга киши жавоб топгандай бўлади:



*Йўқ жаҳон мулкида биздек ожиз-у бечора халқ,  
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.*

Шоирнинг вазифаси – эзилган одамнинг дилини эзиш, аҳволнинг беҳад оғирлигини писанда қилиб, руҳни жонсарак этишдан иборат эмас. Балки ҳар қандай қийноқ ва ночорликнинг сабабларини ёритиш, уларга қарши кэски н норозилик уйғотиб, курашга чорлашдан иборат. «Халқ» шеърида Аваз ҳам шу позитсияда туриб қалам юритган.

«Адабиёт ўз олдиға қўйган мақсад борасида муваффақият қозониш учун метафоралардан, аллегориялардан, поэтик вазнлардан, имо-ишоралардан фойдаланади», – дейди Рабиндранат Тҳокур. Шеъриятда тадбиқ қилинадиган поэтик тасвир усул ва воситалардан ҳам бош муддао шу: ҳис-туйғуга асосланган фикрни жозибадор, инсон қалбига теран ва узоқ таъсир кўрсата оладиган услубларда тасвирлашда муваффақият қозониш. Шоир буни мукамал даражаларда эпласа, демак у маҳоратли. Унинг қаламида сир бор – ўқувчини ҳаяжонлантириш сири.

Аваз шеърияти гоё ва туйғулари билан эмас, бадий воситалари, сержило ташбиҳлари образлар оламининг оригиналлиги билан ҳам таҳсинга лойиқ. Бу томондан ҳам, унинг ўз сўзлари билан таърифлаганда, «Аваз назмиға ҳар абёт-у девон ўхшамас»дир.

*Мени ҳолим ашъорим ичрадурур,  
Баён-у, баён-у, баён-у баён,*

дейди Аваз. Бу – ҳақиқат! Аваз ўзининг сеvimли қаҳрамони – ошиқ кечинмалари, орзу, дард ва фикрларини акс эттирганида ўз юрак ҳолати ва изтироблари манзараларини ҳам уларга уйғунлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, Аваз ғазалларини унинг шахсияти, шахсиятидаги порлоқ фазилатлар безаб туради.

Аваз Ўтарнинг фикр ҳаёти, маънавий толейи, қалб изтироби ва руҳий исёни бошқа бир шоирниқига ўхшамайди. Унинг шоирлигида ўзгалар томонидан кўп такрорланган ғам-андух ва ҳасратдан қувватли ҳамда кўламлироқ бир туйғу мавжуд.

Аваз ҳам дили эзгин, «яралари очиқ» (Асқад Мухтор) шоирлардан. Унинг нола-ю надомат, ғусса-ю ҳасратларини кўнгилдан ўтказиб, руҳан идрок айлай билган шеърхон тасаввурида Аваз ўзбекнинг энг буюк жафокаш шоирларидан бири сифатида сувратланиб қолиши шубҳасиздир. Хато ва камчиликларидан қатъи назар ўнлаб олимларнинг хизматлари туфайли юртимизда авазшунослик, деган фан тармоғи шаклланган. Давр ва замон талабларини тўла инобатга олиб, билимдонлик билан уни ривожлантириш лозим. Шунда Аваз Ўтар бизга, биз эса унинг ҳасраткаш шахсияти ва шеъриятига ҳар қалай яқинлашган бўламиз.

### **«ХАМСА» ОБРАЗЛАР ТИЗИМИДА «ОШИҚ», «МАЪШУҚА», «РАҚИБ» УЧЛИГИ<sup>71</sup>**

Ҳар бир асарни у майдонга келган маънавий-маърифий, тарихий-бадий, ижодий-индивидуал контекст-

<sup>71</sup> Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Монография. – Тошкент: Турон-иқбол, 2017.

да, айни пайтда, умумбашарий тафаккур доирасида муқоясавий планда кузатадиган бўлсак, биз ушбу боб марказига қўймоқчи бўлаётган образ ва тизим тушунчаларининг бир қадар шартли экани маълум бўлади. Яъни, бу ўринда антик юнон адабиёти асосида шаклланган поэтика илми, унинг изчил давоми сифатида яшаб келаётган Европа адабий-назарий тафаккури майдонга олиб чиққан ва бугун жаҳон халқлари учун ягона қоидага айланиб бўлаётган жанр, композиция, сюжет, образ сингари поэтик бирликлар канонларини бошқа бир адабий-тарихий майдонларда шаклланган, мустақил эстетик ҳодисаларга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаш қанчалик ўзини оқлайди, деган методологик саволга дуч келамиз.

Гарчи, бугун биз таянадиган адабиёт назарияси фани, барча замон-маконларга хос адабий манбаларга нисбатан ягона мезон мавжуд деган тушунчани илгари сурса-да, ҳар бир бадиий ҳодисага нисбий мустақил феномен сифатида қараш зарурати, ушбу тушунчанинг тўла маънода ўзини оқламаслигини кўрсатади. Масалан, хитойлардаги дао, ҳиндлардаги дхарма, японлардаги тсиогун асосида шаклланган поэтик канонлар, уларнинг негизида талқин этиладиган жанр, композиция, сюжет, образ тушунчалари Европа назарий поэтика илмидаги бадиий канонлардан маълум даражада фарқ қилади. Ҳатто Европа адабиётининг бир давридаги (масалан, Антик давр) назарий канонлар бошқа бир даврдаги (масалан, ўрта асрлар ёки Уйғониш) назарий канонлар билан айниятда эмаслиги кузати-

лади<sup>72</sup>. Бизнингча, бунинг ижтимоий-тарихий давр, тузум, адабий муҳит, поэтик канонлар, миллий ва ижодий индивидуаллик сингари қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Аммо буларнинг ичида энг муҳими, уч замон ва уч макон воқелигини поэтик идроклаш усули – дунёқараш, эътиқод масаласидир. Назарий-поэтик канонлар хилма-хиллигининг энг муҳим сабаби айнан шу, бошқа барча сабаблар биринчиликка даъво қила олмайди.

«Хамса» таркибини ташкил этувчи беш дoston алоҳида жанр, сюжет, композиция, ритм (вазн) хусусиятларини намоён этиши, фабула тизими, образларнинг тарихий, ривой, халқона асослари турли замон ва маконларга тегишли бўлса ҳам, токи ягона хронотоп майдони доирасида қаралмас экан, Навоий илгари сурмоқчи бўлган бадий концепциянинг туб моҳиятини англаш мумкин эмас. Тўғри, «Хамса»даги Фарҳод чин, Ширин арман, Мажнун ва Лайли араб, Баҳром ва Равшанак форс, Дилором хитой, Искандар рум, Меҳрнос ҳинд миллатига мансуб. Улар орасидаги замон муносабатларини ҳам аниқ белгилаш мумкин эмас. Чунки уларнинг баъзиларида тарихийлик (хусусан, Искандар ва Баҳром) хусусияти етакчи бўлса, бошқаларида ривойлик, афсонавийлик (Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли ва ҳ.к.) хос.

---

<sup>72</sup> Чунки ягона географик худуд, ягона менталитет доирасидаги миллатлар ҳаётида Антик давр политеистик (кўпхудолик), ўрта асрлар ва Уйғониш даврларида монотеистик (яккахудолик) қраш етакчилик қилганки, бу уларнинг бадий тафаккури, адабий манбаларида бевосита ўз аксини топган (У.Ж.).

Хўш, шундай экан, «Хамса» образларини ягона тизим остида уйғунлаштирувчи, бир бутун бадий хронотоп тармоқлари сифатида намоён этувчи асос концепция нимада? Биз қайси назарий критерийга кўра, «Хамса»да образлар тизими, деган муаммони қўя оламиз? Агар бу тизим мавжуд бўлса, қандай поэтик структурага эга ва унинг асосида нима турибди? Ушбу бўлимнинг бош вазифаси айти саволларга жавоб беришдан иборат. Шунда биз Шарқ-ислом адабиётига хос поэтик критерийларнинг ўзига хослиги, хусусан, «Хамса» образлари тизими, унга хос хронотоп поэтикаси ҳақида муайян хулосаларга эга бўлишимиз мумкин.

Биз томонимиздан ушбу бўлим марказига олиб чиқилган «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» образлари адабиёт тарихида «Хамса»дан олдин ҳам мавжуд эди. Қадим (яъни хамсачиликкача) эпос, роман, достон ва қатор лирик жанрлар (масалан, элегия, қасида, ғазал, сонет, ода, рубоий ва ҳ.к.) таркибида анъанавий образлар гуруҳи ўлароқ яшаб келди. Эпос, роман, қисса сингари соф эпик жанрлар бадий структурасида кенг эпик пландаги поэтик вазифасини аниқ-тиниқ намоён этди. Муайян тизим сифатида шаклланди. Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, айти тизим Шарқ мумтоз достончилиги, хусусан, «Хамса» образлари билан тўғридан-тўғри генетик муносабатга эга. Шу нуқтаи назардан, мазкур тизимнинг пайдо бўлиши, тарихий шаклланиш босқичлари, поэтик вазифаларини тўғри белгилаш учун «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб»дан иборат учлик образлар генезиси хусусида мухтасар тўхталиш зарурати бор.

«Ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлигининг «Хамса» хронотопи томон поэтик ҳамда хронологик ҳаракат траекторияси тақрибан шундай: илоҳий китоблар – миф – эпос – роман – қисса – дoston – «Хамса». Аини образ тизими семантик-структурал хоссасига кўра «Хамса»га қадар қуйидаги синкретизм, дифференсиация ва синтетизм босқичларини босиб ўтган:

а) илоҳий китоблар («Забур», «Таврот», «Инжил», «Қуръони Карим»)да. Бунда башарият учун зарур, унинг келажак фаолиятига қаратилган муҳим ахборот сифатида нозил этилди<sup>73</sup>. Илоҳий ахборотларда баён этилишича, ер юзига қадам қўйган одам зоти борки, охир бир кун ўз Яратгувчисига қайтади. Бошқача айтганда, ер юзида ҳаёт кечиритдан асл мақсад Яратган амрига мувофиқ яшаш. Шундагина инсон мангу саодат (Унинг висоли)га эришади. Аммо бу йўлда жиддий тўсиқлар бор. Бу тўсиқ Иблис бўлиб, унинг вазифаси инсонни асл мақсад – Яратган буюрган йўлдан чалғи-

<sup>73</sup> Аини ахборот Одам Ато, Момо Ҳавво ва Иблис ўртасида кечган воқеа тафсилоти сифатида ўзининг аниқ баён структураси билан илоҳий китоблар, қусу-сан, Қуръони Карим саҳифаларида нозил бўлди. Реал далиллар, рад этиб бўлмас тарихий асос, юксак бадиний шаклда (иъжоз мақомида) ҳикоя қилинди. Шунга кўра, бу воқеа оят, илоҳий кўрсатма, шарият йўли, ибрат, насихат, яхшиликка чақириқ (амри маъруф), ёмонликдан қайтарув (наҳйи мункар) бўлиши билан бир қаторда ижодкор инсон таяниши, улги олиши, тақлид қилиши мумкин бўлган ҳикоя (бадиният шакли) ҳамдир. Ҳақиқатан, адабиётнинг илк намуналари мана шу асл мизба негизда шаклланди. Йўлдан бор қилиш қудратидан маҳрум одамзот, барча ишларда бўлгани каби, ўз адабиётини кашф этишда ҳам ҳар нарсага қодир Зот (Оллоҳ)нинг китобларига тақлид қилди. Мана шу далилга таянган ҳолда «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлиги иштирок этадиган мазкур илоҳий воқеа тафсилоти баён этилган матнни шартли равишда «илк сюжет» деб атадик. Бу ҳақдаги дастлабки илмий тадқиқотлар сифатида қаранг: Драма жанри (ёзилиш санаси 2011 йил) // Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.49 – 53; Биринчи ўзбек романи – «Уткан кунлар» (ёзилиш санаси 2014 йил) // Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.151 – 193; Ишқ қисмати шу азал-абад // Тафаккур. 2014. №3. – Б.54 – 61 (U.J.).

тиш, жамолига восил бўлиш саодатидан маҳрум этиш. Бу улкан жараёнда Иблиснинг ёрдамчилари жуда кўп: шайтон, жинлар, инсон нафси, нафс йўлига кирган одамлар (шайтанат), турли-туман дунё неъматлари (бойлик, мартаба, айш-ишрат) ва ҳ.к. Демак, илоҳий китобларда Ҳақ жамоли (жаннат, ажр-мукофот)га талабгор инсон – ошиқ, инсонни бу неъматлардан баҳраманд этувчи Яратган (Оллоҳ) – маъшуқа (ёки маъшук), ошиқ ва маъшуқа ўртасига тўсиқ бўлишга интилувчи куч (Иблис) – рақиб тарзида намоён бўлади. Бу тизим илоҳий китобларда қандай баён этилган бўлса, замон охир бўлгунга қадар шу ҳолатда қолади. Мутлоқ ҳақиқат сифатида ўзгармайди (бу тизим башариятнинг диний-маърифий, маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини ифодалайди);

б) миф – бунда сюжет ва образлар тартиби ўзгарди. Баъзан маъшуқа ўрнини рақиб эгаллаган бўлса, баъзида ошиқ назари тамомила бошқа объектларга қаратилди, бунда рақиб гоҳ ҳо-мий, гоҳ дўст сифатида талқин қилинди. Кэски н ўзгариш шундаки, ошиқ ўзининг асл мақсадидан чалғиди. Унинг ҳаракатлари хаотик тус олди. Ҳар учала образ индивидуал сифатларини йўқотди, умумлашди (бунда башариятнинг нафсоний, жисмоний ва психологик интилишлари акс этди);

д) эпосда. Эпос учлиги қисман илоҳий китоблар, қисман миф таъсирида шаклланди. Замонлар ўзгариши (бу ўринда миф ҳукмрон бўлган – жоҳилия даврлари ва илоҳий ақидалар ҳукм сурган маърифат даврлари назарда тутиляпти)га қараб, айна учлик моҳияти, шу-

нингдек, эпос сюжет тизими ҳам турли ўзгаришларга учради. Образлар ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик жиҳатдан миллийлашди. Ошиқ – миллий қаҳрамонга, маъшуқа – миллат онасига, рақиб – миллат рақибига айланди (бунда инсониятга хос ижтимоий-миллий мақсадлар ифодаланади);

г) роман, қисса, дoston жанрларида. Бу жанрлар доирасида «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлигини бирлаштириб турадиган ягона жиҳат айна тизимнинг умумийликдан хусусийликка, умуминсонийлик ёки миллийликдан индивидуалликка томон оғишидир. Шарқ ва Ғарб адабиётида улкан замон ва макон кўламини ишғол этадиган бу жанрлар илоҳий, умуминсоний, миллий муаммо (мақсад, дard, интилиш)ларни том маънода хослаштирди. Бу жанрлар доирасига кирган ошиқ – ўз жуфти талабидаги инсонни, маъшуқа – айна жуфтнинг ўзини, рақиб – жуфтлик орасига тушган бошқа бир талабгорни билдиради. Бунга мисол тариқасида «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Баҳром ва Гуландом» типидagi дostonларни, «Сиёвуш ва Судоба», «Юсуф ва Зулайҳо» сингари қиссаларни, «Левкиппа ва Клитафонт», «Армений ва Тусенилда», «Тристан ва Изольда» типидagi романларни кўрсатиш мумкин (бунда одамнинг маиший, моддий, жисмоний эҳтиёжлари юзага чиқади). Бу ўринда истисно ўлароқ ўз черкови ордени ва Яратган амри учун курашни байроқ қилиб олган Европа ритсар романлари, Худо йўлида хизмат қилувчи руҳонийлар ҳақидаги диний-мистик қиссалар, драмалар (мистериялар)ни қайд этиш жоиз. Би-



роқ Шарқ - ислом адабий муҳтида майдонга келган «Исмоил алайҳиссалом», «Зуфнун», «Каъб ул-ахбор», «Иброҳим Адҳам», «Шоҳ Машраб» қиссалари, ислом шариати ва тариқати руҳида ижод этилган дostonлар бу қаторга кирмайди. Айни пайтда, бу тип асарлар «Хамса» бадий концепцияси, образлар тизимининг шаклланишида муҳим ўрин тутганини яна бир бор таъкидлаш зарурати бор;

д) хамса жанрида: 1) универсал бадий матн қамровини эгаллади (беш дoston ягона контекстда умумлашди); 2) эпик тасвир кўлами кенгайди (макон-замон жиҳатидан бутун сайёрани қамраб олди); 3) концептуал нуқтаи назардан илоҳий миқёсга қайтди (аброр-одамининг ошиқлик йўли Куръони Карим асосида шакллантирилди); 4) ошиқ – маъшуқа – рақиб ҳақидаги илоҳий ахборот бадий планда талқин этилди, асар поэтик доирасига асос қилиб олинди; 5) учлик образ тизимини уч мақомда, босқичма-босқич бадий акс эттирди: авом ишқи, хавосс ишқи, сиддиқ ишқи ёки ҳайвоний (шаҳвоний) ишқ, мажозий ишқ, ҳақиқий ишқ.

Ошиқ – маъшуқа – рақиб образлар тизими ўзак-моҳиятида ишқнинг уч босқичи туриши адабиёт тарихида илк бор «Хамса» жанри мисолида универсал кўламда ўртага қўйилди. Шу нуқтаи назардан «Хамса»даги образ тушунчаси, образлар тизими моҳиятини белгиловчи асос ишқ феномени ҳисобланади. Бир ёки бир неча образ табиати, ички семантикаси, мақоми (даражаси), хусусан, хронотопик шакли ва кўламини бевосита ишқ белгилайди.

Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиёти, ислом тасаввуфий тимсоллар назариясига оид манбаларда ошиқ ишқнинг, ишқ эса ошиқнинг феноменал манбаси, қувват заҳираси экани қайд этилади. Ошиқнинг моҳияти у ҳосил этган ишқ мақоми билан белгиланади. Ошиқ атрофидаги барча шахс, нарса ва ҳодисалар у эришган мақом хронотопи доирасида мавжуд бўлади. Шунга кўра ошиқнинг маъшуқа томон йўли ҳар доим ундаги ишқ даражаси, ҳолати ва мезонлари билан ўлчанади. Аммо ошиқ ҳаракати маъшуқа ҳаракати, ошиқ хоҳиши маъшуқа хоҳиши, ошиқ ҳолати маъшуқа ҳолатидан келиб чиқади. Шу маънода ошиқ маъшуқа суратининг акси, соясига ўхшайди.

Айни пайтда ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги учун синов майдони, ишқ ва ўзликни англаш жараёни илк учрашув, айрилиқ, висол хронотопларида содир бўлади. Одатда ушбу хронотоп шакллари сюжет қурилишини ташкилловчи поэтик компонент (мотив)лар ҳисобланади. Аммо уларнинг асл моҳияти сюжетдан кўра образ табиатини ёритишда ёрқинроқ кўринади. Аниқроғи, бадий асар таркибидаги ҳар қандай образнинг «ҳаёт йўли» шу хронотоплар оралаб ўтади. Бу хронотоп майдонларида синаладиган қаҳрамон ўзининг ким экани, қандай вазифа билан дунёга келгани, нималарга қодирлиги ва нималарга лойиқлигини исботлайди. Умуман, «илк учрашув», «айрилиқ», «висол» хронотоплари уйғун ҳолатда фақат ошиқ-маъшуқа-рақиб ёки бош қаҳрамонни эмас, асардаги бир бутун образлар тизимини уйғун таҳлил этиш имконини беради. Ҳатто бадий

асардаги сюжет, образ, характер, портрет, детал, услуб сингари бошқа муҳим компонентлар ҳам фақат учрашув (контакт) жараёнида (зидлаш, қиёслаш, мулоқот кўринишида) ўзини тўла намоён эта олади.

...“Хамса”даги ошиқ – маъшуқа – рақиб тизими ва бу тизимнинг бир бутун жанр хронотопида универсаллашуви айнан «Маҳбуб ул-қулуб» таснифидан келиб чиқади. Ҳатто муаллифнинг ўзи хавосс ишқи таърифида бевосита «Хамса» қаҳрамонларига ҳавола қиладики, бу бизни ошиқ – маъшуқа – рақиб учлигининг бир бутун «Хамса» жанри доирасида ички семантик-структурал муносабатга эга экани, ишқ босқичларининг тадрижий йўсини ўлароқ бир-бирини тўлдириши, универсал бадий концепцияни ифодалаши хусусида хулоса чиқаришга олиб келади. Хусусан, Навоий ёзади: «Иноди олинда тенг ҳам подшоҳ, ҳам гадо. Бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо. Ошиқ кўнглига маъшуқ ҳавосин солғучи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳавосин олғувчи ҳам ул. Ва ошиқ мундоқ балонинг гирифтори ва мундоқ офатнинг беихтиёри...

Ишқ кўҳистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳоддур ва саҳройи жунун забунларидин бири Мажнундур...»<sup>74</sup>.

Шуларга асосан «Хамса» образлар тизимидаги ошиқ – маъшуқа – рақиб учлигини «Маҳбуб ул-қулуб» таснифига кўра ўрганиш, аввало, Шарқ-ислом адабиётининг поэтик ўзига хослигини кўрсатса, иккинчидан, «Хамса» образлар тизими моҳиятини тўғри белгилашга олиб келади деган тезисни илгари суриш мумкин.

<sup>74</sup> Аляшер Навоий Кўрсатилган асар. – Б.66.

«Маҳбуб ул-қулуб» таснифига кўра ишқнинг иккинчи мақоми бўлиб хавосс (хослар) ишқи келади. Ишқнинг ўрта мақомига мансуб ва асосида хавос ишқи турувчи ошиқ образини эса «Хамса»даги иккинчи, учинчи дostonларда кузатамиз. – Уларнинг ошиқлиги, ишқ йўлида кўрган-кечирётганлари «Маҳбуб ул-қулуб»даги таърифга тўла мос келади. Юқорида қайд этганимиздек, «Маҳбуб ул-қулуб»да бу икки қаҳрамонга очиқ ишоралар бўлгани сингари, айна қаҳрамонлар табиати, маишати тасвир этилган кўп ўринларда «Маҳбуб ул-қулуб» таърифига айнан мос тушадиган ўринларни учратамиз.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»даги ишқ концепциясига «аҳли намоз» (яъни Иброҳим Адҳам) йўлини асос қилиб олган. Асардаги ошиқ – маъшуқа – рақиб учлигини ҳам айна мақом асосига қурган. Фарҳодни маъшуқа томон олиб борувчи йўл меҳнат-машаққатлар оралаб ўтади. У ҳам, худди Иброҳим Адҳамга ўхшаб, муайян харита бўйлаб ҳаракатланади. – Унинг фаолиятида таваккул асосий ўрин тутмайди. Унинг таваккули аввалдан тузилган режа доирасидан чиқмайди (дейлик, тилсим ёзувига кўра Аҳриманни енгган Фарҳод таваккули ҳам олдиндан белгилаб қўйилади). Шунингдек, Фарҳод биографияси (туғилишидан тортиб, ўлимига қадар) муайян динамикадан келиб чиқади. Дастлаб у оддий одамлар эгаллаган бўлган барча илмларни эгаллайди: ўқиш, ёзиш, ҳунар, ҳарбий илм каби. Сўнгра ўз номига қилинган тилсим бўйича ҳаракатланади. Фарҳод эришадиган ҳар битта босқич муайян илм,

риёзат ва меҳнатни талаб этади (ғор, сув хронотопларида амалга оширган ишларини эсланг).

Фарҳод мана шундай машаққатли синов йўлини босиб ўтгандан кейингина ёр жамолини кўришга эришади. Аммо бу йўлда унга рақиб тўсқинлик қилади. Бу вазифани асарда Хусрав бажаради. Хусрав худди халқ эртаклари, дoston ва қиссаларидаги рақиблар сингари ўз вазифасини мукамал бажаради. Турли йўллар билан ошиқнинг висол саодатига эришувига тўсқинлик қилади: Ширинга совчи қўяди, Фарҳодни асир олади, одам ёллаб, ўлимига сабаб бўлади. Аммо Хусрав фақат зоҳирий рақиб, холос. Моҳиятга кўра қаралганда унинг чин маънодаги рақиб эмас, ошиқнинг асл мақсадига етишуви учун бир восита экани маълум бўлади.

Фарҳоднинг асл рақиби ҳаётнинг ўзи. Унинг чин маъшуқа, яъни Оллоҳ висолига етишувида ўз ҳаёти тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Хусрав эса унга мана шу тўсиқдан қутилишига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан бу учлик тизимидаги Шириннинг ўрни ҳам иккинчи даражага тушади. У ҳам худди Хусрав каби воситага айланади. Натижада Фарҳод ўлими бир бутун асар контекстида фожиа эмас, ечим вазифасини бажаради. Бошқачароқ айтганда, Иброҳим Адҳам сингари сўнгсиз машаққатлар билан манзилга етиб келган Фарҳод Каъба ни топмайди. Муродига ета олмайди. Сафарнинг иккинчи босқичи (Ширин юртида – кечган воқелик назарда тутиляпти) Фарҳод учун азалий дарднинг кулминацион нуқтаси бўлиб келади. Фақат ўлим уни асл мақсадига – Ёр висолига етказди.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини «хавосс ишқи» концепциясига кўра талқин этилганда мана шундай оддий, айна пайтда ўта мураккаб талқин майдонга келади. Аслида хавосс ишқи нисбий стихияга асосланади. Шунинг учун бу йўлда чалкаш, мураккаб, тушуниб бўлмайдиган жиҳатлар кўп. Негаки, бу йўлда инсон табиатидаги олий ва тубан сифатлар синовдан ўтади. Бу эса образ талқинида айрим мураккабликларни юзага келтиради. Бундаги ошиқ – маъшуқа – рақиб тизими ҳам, айна сабабдан, икки қатламли ҳаракат траекториясига эга.

Мана шу концепциядан келиб чиққанимизда, «Садди Искандарий»да тасвир этилган йўл сиддиқ йўли, ундаги бадиий талқин «сиддиқ ишқи» талқинига қаратилгани маълум бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Фарҳод ва Мажнун образларидан фарқли ўлароқ Искандар сиддиқ ишқини талқин этади. Негаки, муаллиф Фарҳод ва Мажнун образларини тасвирлашда анъанада мавжуд халқ афсоналарини восита қилиб олган бўлса, Искандар ҳақидаги асарнинг майдонга келтиришда бевосита Қуръони Карим ҳақиқатига таянади. «Қуръони карим» талқинига кўра Искандар, аввало, тарихда яшаб ўтган реал одам. Иккинчидан ва, энг муҳими, том маънода сиддиқ. Яъни Оллоҳ буюрган вазифани ҳеч иккиланмасдан, Яратгувчига чексиз муҳаббат билан бажарган Ҳақ ошиғи.

Бироқ Искандар ҳам, айнан рақиб масаласида Фарҳод ва Мажнун билан қисматдош (зотан, дунёни Оллоҳ висолига етиш учун бир восита деб биладиган ҳар бир эътиқод эгаси, ҳар қандай мўмин учун дунё рақибдан бошқа нарса эмас). Аммо бу шундай рақибки,

уни ўрганиш, маҳв этиш йўлида маъшуқа кўрсатмаларига садоқат билан амал қилган инсонни мангу саодатга етказди. Шу боис Искандар йўли қандайдир тилсим харитаси ёки ишқ жазбасидан келиб чиқадиган хаотик сўқмоқлар оралаб ўтмайди. Унинг йўли аниқ ва ишончли йўл – Куръони Карим «харитаси»га асосланади. Бу харитани Искандар ҳеч қачон қўлидан қўймайди. Харитада белгиланган йўлдан сира чекинмайди. Қалбидаги илоҳий ишқ уни шу қадар қатъият ва садоқатга олиб келади. Шунинг учун ҳам биз Искандарни том маънода сиддиқ, унинг ишқини эса сиддиқ ишқи дейишга ҳақлимиз.

Юқоридаги икки асардан фарқли ўлароқ «Садди Искандарий»да «аруси даҳр» хронотопидаги турлитуман рақибларга ўта кам эътибор қаратилади: жаҳонгирлик шуҳрати, ҳисобсиз бойлик, дунёнинг энг гўзал аёллари (Равшанак, Меҳрноз, Чин гўзали) у қадар ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Искандар қатъият ва сўнгсиз шижоат билан ўз вазифасини бажаради, холос. Шу сабаб Оллоҳ марҳаматига эришади. Дунё ҳаётида валийлик, набийлик мақомига эришадик, на Фарҳод, на Мажнуннинг ишқ салтанатида эгаллаган мақоми бунга тенг кела олади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг ХІІХ бобида Искандар ҳақидаги машҳур бир ривоят келтирилади. Айни ривоят «Садди Искандарий» сюжети финишида ҳам айнан такрорланади. Ривоят дунёнинг бевафолиги, ундан ҳеч ким, ҳеч нарса олиб кета олмаслиги ҳақида. Бу ривоятда сидқ аҳлининг дунё ҳақидаги хулосаси акс этган. Умуман, ушбу хулоса «Хамса»даги концептуал синтезни,

айни пайтда, дунё ҳақида муаллиф тўхтамини ҳам ифодалайди. Қарилик ёки ўлим арафаси (ўлим ёш-қарини танламаслиги ҳам улкан бир хулоса), охирзамон ёки қиёмат универсал маънода дунё ҳаётининг интиҳосидир. Бу универсал воқелик Шарқ адабиётида, асосан, қиш тимсолида тасвир этилади. Етти иқлимни ўз билими ва ҳукми остига жамлаган Искандар оламшумул сафарлари сўнгида, қиш фаслида устози Арасту билан инсон умрининг интиҳоси хусусида сўзлашади. Моҳиятан олганда, «Хамса»даги «бўш қўл» концепциясининг назарий асослари шу суҳбатда ўз ифодасини топган.

Зотан, «Хамса»нинг қаерда таназзул, кексайиш, интиҳога оид воқеалар тасвир этилса, албатта, қиш фаслига боғланади. Искандар сюжетида ҳам айна мавзу «бўш қўл» концепцияси олдидан келади. Гўё муаллиф бу билан ўз қаҳрамонини дунё ва унинг моҳияти ҳақидаги улкан бир хулосага тайёрлайди. Айна хулоса муаллиф тилидан шундай баён этилади:

*Навоий, жаҳондин вафо истама,  
Тутуб бенаволиғ, наво истама!*

*Бировга жаҳондин етишмас ано  
Ким, ул тутса ойини фақр-у фано...*

(«С.И.», 533-бет.)

Бу хулоса «Хамса»даги бошқа қаҳрмонлар хулосаси билан айнан мос келиши баробарида муаллиф бадиий концепциясининг Шарқ-ислом адабиёти, хусусан, эпик поэзияси контекстидаги улкан мулоқот (глобал дисс-



курс)нинг салмоқли ва муҳим қисми эканини кўрсатади.

Бундан чиқариладиган хулоса шуки, Шарқ-ислом тафаккуридаги ўлим у қадар катта фожиа деб қаралмайди. «Қутадғу билиг» муаллифи айтмоқчи, тирик одам борки, албатта ўлади (аслида бу Қуръони Карим оятидан иқтибос: «Ҳар бир тирик жон ўлим шаробини тотгувчидир». 3:185). Муҳими ўлим томон қай ҳолатда боришда. Бошқача айтганда, дунё майдонини қандай хулоса билан тарк этишда.

## **БАҲРЛАР ВА УЛАРДАН ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ВАЗНЛАР ҚИЁСИ<sup>75</sup>**

Аруз тизимида рукнлар бирлашиб, баҳрларни ҳосил қилади. «Баҳр» сўзи араб тилида «денгиз» деган маънони билдиради. Манбаларда баҳрнинг денгиз билан алоқадорлиги хусусида деярли маълумот келтирилмаган, фақат Сайфий ушбу сўзни истилоҳ билан боғлиқ ҳолда қўйидагича талқин қилади: «Баҳр «денгиз» деган маънони билдиради; аммо форсий тилдаги атамаларда у шеърятдаги бир қанча турларни ичига олган вазнли ўлчовларнинг тўплам ёки синфларининг бири маъносини англатади. У денгизга солиштирилади, чунки денгиз нарсаларнинг турларини, маржонлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқаларни ўз ичига олади, шунингдек, шеърлар ҳам изоҳланаётганидек, турли баҳрларда яратилган бўлади. Баъзилар бундаги ўхшашликни жойлашувда деб айтадилар, киши сув тубига йиқилганда

<sup>75</sup> Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. – Тошкент: Ta'lim-media, 2019.

гангийди ва чалкашади, шеърият денгизига йиқилганда ҳам вазнларнинг кўплаб ўзгарган шаклларига дуч келади»<sup>76</sup>. Кўринадики, Сайфий «бахр» сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари орасидаги боғлиқликка эътибор қаратар экан, аруз тизимидаги ҳеч бир атама тасодифий бўлмасдан, муайян асосга эга эканлигини таъкидламоқчи бўлади.

«Навоий ҳам, Бобур ҳам ўз рисолаларида зиҳоф ва рукндан кейин турувчи асосий масала вазн эмас, балки баҳр эканини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу ҳолат ўзбек арузшунослигига араб ва форс арузшунослигидан анъана сифатида ўтган»<sup>77</sup>. Дарҳақиқат, темурийлар давригача яратилган барча рисолалар, жумладан бу давр арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбаларда ҳам аслий рукнлар ва зиҳофлар масаласидан сўнг баҳрлар тавсифига ўтилган.

**Рамал** (ар. "бўйра тўқиш"; "туянинг лўкиллаши") – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Ундаги *ватади мажмуълар* (В-) ва *сабаби хафифълар* бир-бирининг орасида жойлашгани ва бу худди бўйрани арқон билан тўқишни эслатгани учун шундай аталган. Баъзи арузшуносларнинг фикрига кўра, бу сўз туянинг лўкиллаб чопишини англатувчи *рамалон* калимасидан олинган, чунки уни ўқишдан келиб чиқадиган оҳанг туянинг лўкиллашини эслатади<sup>78</sup>.

<sup>76</sup> Сайфий Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С.15.

<sup>77</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.74.

<sup>78</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозирку нандаи чоп У.Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.65. Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С.47 (форс тилида); Муҳаммад Ғиёсуддин. Меърож ул-аруз.

Шунингдек, баъзи ривоятларда айтилишича, рамал қўшиқ номларидан бири бўлиб, у мазкур вазнда ёзилгани учун шу ном билан аталган. *Рамал баҳри фоилотун* (- V - - ) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларни ўз ичига олади. «Фунун ул-балоға»да *Рамал баҳрининг* 8 та мусамман рукнли, 3 та мусаддас рукнли, битта мураббаъ рукнли ва битта мутатаввал (жами 13 та) вазнлари келтирилган. Эътибор қаратилса, *Рамал баҳри* асарда ҳазаж баҳри сингари батафсил эмаслигини сезиш мумкин. Буни олим қуйидагича изоҳлайди: «Билгилким, биз юқори айтиб эрдукким, уч баҳрни шарҳ этоли деб. Эмди бу баҳр (*Рамал баҳрининг* - Д.Ю.)-нинг музоҳифотининг таркибин ва тартибин ҳазаж баҳриндин қиёс қилсоқ, маълум бўлурким, ҳар баҳрға не миқдор шуъба лозим бўлур. Агар барчасин битир бўлсоқ, бу китоб анинг эҳтимолин қила олмас...»<sup>79</sup>. Шу тариқа муаллиф энди *Рамал баҳрининг* фақат «матбуи машҳур ва муътабар» вазнларига тўхталиб ўтади.

Алишер Навоий «Мезон ул-авзон»да ушбу баҳрнинг еттита мусамман рукнли вазнларини, тўртта мусаддас рукнли вазнларини ва иккита мураббаъ ва битта *мутатаввал* рукнли (жами 14 та) вазнларини санаб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Рамал баҳрига* мансуб 59 та вазни келтириб, улардан 38 таси мусамман, 13 таси мусаддас, 6 таси мураббаъ ва 2 та мутатаввал рукнли эканини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 31 таси мустаъмал, 28 таси мухтараъ, 12 таси мустаъмали матбуъ

<sup>79</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. *Фунун ул-балоға* (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). - Б.115а.

вазнлардир<sup>80</sup>. Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи аруз» асарида *Рамал* бахрининг жами 14 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 7 таси мусамман, 5 таси мусаддас ва 2 таси мураббаъ вазнлардир. Мазкур бахр вазнларини келтириш жиҳатидан Навоий ва Жомий рисоласида ўзаро яқинлик бор. Атоуллоҳ Хусайний *Рамал* бахри аслида арабларда мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари олти марта фоилотундан иборат эканини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда бахрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. «Арузи Сайфий»да эса ушбу бахрининг 19 вазни келтирилган, уларнинг 12 таси мусамман, 7 таси мусаддас рукнли вазнлардир. *Рамал* бахрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Бахрнинг келтирилган ўрни	Бахр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Мутағайгал вазнлар	Жами
«Фунун ул балоға»	3		8	3	1	1	13
«Мезон ул-авзон»	3	Муъталифа	7	4	2	1	14
«Арузи Сайфий»	3	Мужталиба	12	7	-	-	19
«Рисолаи аруз»	3	Муъталифа	7	5	2	-	14
«Аруз рисоласи»	5	Мужталиба	38	13	6	2	59
«Бадое ус-саное»	8	Мужталиба	-	-	-	-	

<sup>80</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи». – Тошкент: Фан, 1981. – Б.77.

Биз теурийлар даврида яратилган арузга доир рисо­лаларда бахрлар масаласини қиёсий жиҳатдан ўрга­ниш асносида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та бахр (*Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил, Ҳазаж, Ражас, Рамал, Сариф, Мунсариф, Музориъ, Хафиф, Муқтазаб, Мужтасс* ва *Мутақориб*) мавжуд эди, кейинчалик унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу бахрлар қато­рига яна бир бахр (*Мутадорик*)ни қўшиб, араб бахрлари сонини 16 тага етказди. Бу кўрсаткич араб тилида ун­дан кейин яратилган манбалар: Маҳмуд Замахшарий­нинг «Ал-қистос», Абу Зикриё Хатиб Табризийнинг «Ал­кафи фил аруз вал қавофий», Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг «Арузи Андалусий» ва бошқа асарларда айнан такрорланди.

2. Форсигўй арузшунослар Халил ибн Аҳмад таъли­мотини мукаммалаштириб, бахрлар сонини кўпайтир­дилар. Баҳром Сарахсий, Бузургмеҳр Қосимийлар аруз­нинг янги бахрларини кашф этдилар. Бизгача етиб кел­ган арузга доир илк форсий асар «Ал-мўжам»да мавжуд 16 та бахрга яна учта бахр (*Ғариб, Қариб, Мушокил*) қў­шилиб, 19 та бахр таҳлилга тортилгани ҳолда, рисолада арузшунослар кашф қилган 21 мустаҳдас (янги) бахр­лар ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

3. Насириддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» аса­рида 18 бахр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисола­да тилга олинмаган *Мақлуби тавил* бахрининг берили­ши ҳамда *Мушокил* ва *Ғариб* бахрларининг тушиб қол­дирилиши муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан айри муносабатда бўлганини кўрсатади.

4. Темурийлар даври арузшунослигида баҳрлар миқдорини келтиришда ҳар хилликлар бор. Шайх Аҳмад Тарозий ўз рисоласида баҳрлар сонини 40 та деб кўрсатса, Абдурахмон Жомий, Атоуллоҳ Хусайний, Алишер Навоий ва Сайфий Бухорийлар уларнинг миқдорини умумий маънода 19 та деб белгилайдилар. Улар орасида Абдурахмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, «Рисолайи аруз»да 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган *Тавил*, *Комил*, *Басит*, *Мадид*, *Вофир* баҳрларига кенг тўхталиб ўтирмайди. Бобурнинг «Аруз рисоласи»да эса ушбу баҳрларга қўшимча равишда яна икки баҳр (*Ариз* ва *Амиқ*) тадқиқ қилинган. Ушбу рисоалардан фақат «Арузи Сайфий»да баҳрларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтиладики, бу бевосита рисоланинг қўлланма характерида эга экани билан боғлиқ.

5. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» аса-рида номи келтирилган 40 та баҳрдан 20 таси арузшуносликка доир бошқа форсий ва арабий манбаларда учрамайди. Бу ҳолат ушбу баҳрларнинг мумтоз арузшунослик учун ҳам янги эканлигини ва уларнинг аксариятини муаллифнинг ўзи кашф этганлигини кўрсатади.

6. Шайх Аҳмад Тарозий баҳрларни икки катта гуруҳ: муттафиқ ул-аркон ҳамда мухталиф ул-арконга ажратишда ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-қистос» аса-ридаги таснифга суянади. Бу тасниф кейинчалик Бобур рисоласида ҳам истифода этилган.

7. «Фунун ул-балоға»да мухталиф ул-арконга кирувчи баҳрни ҳосил қилишда жуфтлаштириш (ухти) тамо-

йилига амал қилиш лозимлиги таъкидланади, унга кўра янги баҳр ҳосил қилинганда ушбу баҳр рукнлари ўзидан аввалги баҳр рукнларининг аксини такрорлаши лозим, агар бу шарт адо этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди. Бу тамойил темурийлар давридаги бошқа рисолаларда кузатилмайди.

8. Арузшунослик тарихида *мафъувлоту* аслий рукни баҳр ясамайди деган қатъий қараш мавжуд эди. Шайх Аҳмад Тарозий ушбу аслий рукндан *Сақил* баҳри ҳосил бўлишини асослаб, ўз рисоласида ушбу баҳрнинг икки вазнини келтирди ва *Сақил* баҳрини аруз назариясига олиб кирди.

9. Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида 19 баҳр, 160 та вазн келтирилган. Навоий ўз рисоласида таянч манба сифатида Абдурахмон Жомийнинг «Рисолайи аруз» асаридан фойдалангани учун арузшуносликда мавжуд анъанавий 19 баҳргагина тўхталиб ўтади.

10. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи»да анъанавий 19 баҳрга қўшимча тарзда яна икки баҳр (*Ариз* ва *Амиқ*), жами 21 баҳр келтирилган. Шунга биноан унинг асарида 9 доира, 537 вазн таҳлил қилинган.

11. Шайх Аҳмад Тарозий асарида келтирилган *Жавил* баҳри Заҳириддин Муҳаммад Бобур келтирган *Ариз* баҳри билан, *Жадид* баҳри *Амиқ* баҳри билан таркибан бир хил бўлиб, улар манбаларда турли номлар билан аталган.

12. Аруз тизими урғу билан боғлиқ шеърий ўлчов бўлиб, унда сўз урғуси эмас, балки рукн урғуси етакчи-

лик қилади ва бундай урғу ритм яратишга хизмат қилганлиги учун ритмик урғу деб аталади. Мумтоз арузшуносликда гарчи урғу алоҳида ҳодиса сифатида таъкидланмаган бўлса ҳам, муталаввун ҳодисасининг темурийлар давридаги рисолаларда қайд этилиши ритмик урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканини ва мумтоз арузшуносларимизнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилганини кўрсатади.

Умуман олганда, ижодкорларнинг аруз илмига доир рисолаларини баҳрлар ва вазнлар мисолида қиёсий ўрганиш натижалари туркий арузшунослик темурийлар даврида ўзининг тадрижий такомилга етганлигини кўрсатади.

## **БИОГРАФИК РОМАНДА ҒОЯ ВА КОМПОЗИЦИЯНИНГ ҚИЁСИЙ ТАЛҚИНИ<sup>81</sup>**

Қиёсий адабиётшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотларда турли адабий ҳодисалар муқояса қилинган. Бир ёки бир неча адабий ҳодисани типологик қиёс марказига қўйиш орқали бадиий асарларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари топилади. Кенг қамровли таҳлил амалга оширилади. Бугунги кунда қиёсий адабиётшунослик соҳасига ўз ҳиссасини қўшаётган рус танқидчиси Ю.И.Минералов адабий қиёснинг қўлланилиш миқёси ниҳоятда кенглигини, бир миллий адабиётни худди тилшуносликда турли тиллар муқояса қилинадигандек бошқа адабиёт билан, у ёки бу ёзувчиларнинг ижодини, ёки бўлмаса, уларнинг асарларини

<sup>81</sup> Хажиева Ф.М. Биографик роман жанри хусусиятлари (И.Стоун, М Қориев ва Н.Норматов асарлари асосида). – Тошкент, 2018.



сюжет-композицияси, услуби, ғоявий мазмуни жиҳатидан ва ҳоказо кўринишларда ўзаро муқояса қилиш мумкинлигини, адабиётни санъатнинг бир тури сифатида муסיқа, рассомчилик ва бошқа лисоний бўлмаган санъат турлари билан ҳам қиёслаш кераклигини таъкидлайди<sup>82</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида кенг миқёсли типологик тадқиқотга мисол сифатида А.Қосимовнинг «Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари» докторлик диссертациясини қайд этиш мумкин<sup>83</sup>. Ишнинг асосий мақсади А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижодидаги анъана, новаторлик масаласи, ижодкорларнинг ўзбек тилига қилинган таржима вариантларини таҳлил қилиш, А.Камюнинг замонавий ўзбек насрига таъсири муаммоларини ўрганишдан иборат бўлиб, вазифалар қаторига ғоя талқини, анъана, новаторлик, жанр ва қаҳрамонлар ўртасидаги типологик ўхшашликларни аниқлаш, А.Камю маҳорати қирраларини белгилаш ва ҳ.к.дан иборат. Демак, типологик қиёс нафақат бир адабий ҳодисани ўрганишни, балки бир неча типологик ўхшашликларни таҳлил қилишни ҳам тақозо этиши мумкин. Шундай экан, ишда биографик роман хусусиятларини кўрсатиш учун жанр намуналари имкон қадар ҳар томонлама таҳлил қилиниши талаб этилади. Роман жанрига хос бўлган жиҳатлардан бири роман поэтикаси масаласи ҳисобланади.

<sup>82</sup> Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение. – М.: Высшая школа, 2010. – С.3.

<sup>83</sup> Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Фил.фан.докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б.45.

Биографик романда сюжет ва композиция, мавзу ва ғоя, мактуб, диалог, портрет, пейзаж, туш, галлютсинация, бадий детал, бадий тафсилот каби адабий тушунчалар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Сюжет прототип ҳаётини акс эттиради. Асардаги мавзу ва ғоялар прототип фаолияти, ҳаётини фалсафасига боғланади.

Ўзбек адиблари томонидан яратилган «Ибн Сино», «Рўзи Чориевнинг сўнги васияти» ҳамда америкалик ёзувчи Ирвинг Стоун қаламига мансуб «Изтироблар ва қувончлар», «Ҳаёт иштиёқи» романларининг ҳар бирида мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция ўзига хос тарзда намоён бўлади.

«Ибн Сино» ҳамда «Изтироблар ва қувончлар» романларига диққат қаратадиган бўлсак, уларда турли давр воқеалари бадий ифода топган бўлса-да, сюжети-нинг шакллантирилишида **муштараклик** бор. Иккала асар ҳам реалистик услубда ёзилгани учун воқеалар динамика тарзда, сабаб-оқибат занжирида ривож-ланиб боради. Романлар сюжети бевосита биографияси баён этилаётган шахслар ҳаёт йўлларини тасвирловчи ва уларнинг вафотлари билан тугайдиган чизиқдан иборат. Ҳар иккала асар сюжети анъанавий биографиядан фарқ қилади. Романлар қаҳрамонларнинг дунёга келиш воқеаси билан бошланмайди. Бири – ўн уч ёшли ўспириннинг ҳаётда ўз йўлини белгилайдиган лаҳзасидан, яъни Микеланжело санъат оламига кириб келишидан; иккинчиси – ўн саккиз ёшли йигит Ибн Синонинг ҳали ёш бўлишига қарамасдан элга танилган, билим олишининг энг юқори палласига кўтарилган давридан бошла-

нади. Қаҳрамонларнинг болалик йиллари, ота-оналари тўғрисида маълумот ретроспекцияда берилади. Бу билан биографик роман муаллифлари китобхонни баён билан зериктирмай, сюжет тугуни сифатида ўз қаҳрамонлари ҳаётининг зиддиятлар, конфликтлар, бўронли ижодий ҳаёт, бошқача айтганда, изтироблар ва қувончлар бошланадиган драматик моментини белгилайдилар. Ўқувчини воқеалар гирдобига тўғридан-тўғри жалб қилиб, қизиқтириб қўядилар. «Изтироблар ва қувончлар»нинг дастлабки саҳифаларида фреска чизиш бўйича биринчи устози Гирландаё билан дастлабки учрашувга отланиши арафасида ҳаяжондан кечаси ухлолмай чиққан Микеланжелонинг ички ҳиссиётлари тасвирланган. Ундан сўнг Микеланжело туғилган Флоренсиянинг кўҳна кўчалари, арка ва гумбазли бинолари, мрамрдан ўймакорлик йўли билан яратилган фасадлар, ҳайкаллар, бозорларни экспозитсия сифатида бадиий тасвирлайди.

«Ибн Сино»да муаллиф асарни Бухоройи шарифнинг гумбазли бинолари, тор кўчалари, бозор-у дўконлари тасвиридан бошлайди, сўнг аллома Ибн Синонинг китоб дўконидан Форобийнинг «Илоҳиёт» рисоласини сотиб олиб, кечаси билан ухламасдан «закий муаллим»и билан гаплашиб чиққани воқеасини баён этади. Асарнинг дастлабки қисмларида ора-орада ҳар икки алломанинг ота-оналари, оила аъзолари ҳақида маълумот бериб борилади. Бу маълумотлар қаторига Микеланжелонинг укалари, туққан онаси ва туғилиш воқеаси, ўғай онаси, унинг пазандалиги, италянча ов-

қатлар, одатлар; Ибн Синонинг ота-онаси ва уларнинг тўнғичларига меҳр-ихлослари, алломанинг ягона укаси, – Афшонадаги дала ҳовлилари, болалик хотиралари киради.

Иккала асар **сюжети орасида ҳам фарқ** мавжуд. Жумладан, Ирвинг Стоун асарида сюжет Микеланжело ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бир чизиқдан (бу кўпроқ биографик жанрга хос) иборат бўлса, «Ибн Сино»да у бир неча тармоқдан ташкил топган. Шу ўринда айтиш жоизки, Мақсуд Қориев оташпарастлар динига мансуб Санам билан боғлиқ сюжет чизиғини яратган. Унда Ибн Синонинг ушалмаган муҳаббати, ўша замондаги оддий халқ вакилларининг ҳаётини кўрсатиш ва, асосийси, халқ орасида Ибн Сино ҳақида ёйилган афсоналардан фойдаланиш мақсади назарда тутилган. Ибн Сино тарафидан ўлимга қарши яратилган дори, унинг шогирд кўлидан бехосдан тушиб кетиши оқибатида инсонни ўлимдан асраб қолишдан иборат оламшумул кашфиётнинг амалга ошмай, ора йўлда қолгани, шундан сўнг алломанинг вафот этгани тўғрисидаги ривоят ва шу кабилар Санам билан боғлиқ сюжет чизиғидан жой топган. Асар бошида туташ ҳолда турган сюжетнинг бу икки чизиғи воқеалар ривожини давомида алоҳида-алоҳида кўринишда шакллантирилган.

Ҳар икки асарни инсон буюклиги ва у қолдирган мероснинг абадийлиги ҳақидаги **мавзу бирлаштириб туради**. «Изтироблар ва қувончлар»да ҳам, «Ибн Сино»да ҳам икки буюк шахснинг ҳаёти, фаолияти ва қолдирган ўлмас асарлари бадийий тусда ҳикоя қилинади. Ўқувчи

сюжетнинг ана шу воқеалари силсиласида тафаккури, мақсад ва интилишлари, хаёллари билан ўз замонасидан анча илгарилаб кетган, ўз тафаккури мевалари билан ҳамма замонларга хизмат қила оладиган улуг мутафаккирга рўбарў келади.

«Изтироблар ва қувончлар» ҳамда «Ибн Сино» романларининг бош қаҳрамонлари мутафаккир шахслар бўлишига қарамасдан, турли соҳа вакиллари. Шундай бўлса-да, бу асарларда типологик ўхшашликлар бўлгани сингари мавзу ва ғоя, сюжетни шакллантириш ва композицияни тузиш жиҳатдан муштарак жиҳатлар бор; шунингдек, ҳар бир асар ўзига хос, сўз санъатининг бетакрор намуналаридир.

Ирвинг Стоуннинг «Ҳаёт иштиёқи» ва Нодир Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» биографик романлари мавзу ва ғояси, сюжет ва композициясида ҳам **муштарак** жиҳатларни кузатиш мумкин.

«Ҳаёт иштиёқи»да бош қаҳрамон сифатида голланд рассоми Винсент Ван Гогнинг бадиий образи яратилган бўлиб, унинг ҳаёт йўли ва ижодий яратмалари тарихи сюжетнинг асосини ташкил қилади.

Нодир Норматов асарида, юқорида айтилганидек, ўзбек рассоми Рўзи Чориев ҳаёти ва ижоди ёритилган. Таниқли адиб эркин Аъзамов асар яратилиши тўғрисида шундай дейди: «Бу китобни ёзиш Н.Норматовнинг бурчи эди. Рўзи Чориев худди шундай ажойиб асарга қаҳрамон бўлишга арзийдиган инсон эди. Нодир бу рассомни яқиндан биларди. Ушбу асари ёзувчи дўстимнинг улуг рассомга чин эҳтироми рамзи бўлибди».<sup>84</sup>

<sup>84</sup> Улугов А. Улуг рассом ҳақида роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. №27.

Рассомнинг болалик чоғларидан тортиб, вафотига қадар – машаққатли, аммо сермазмун ва сермаҳсул ҳаётини акс эттирган бу асарнинг яратилиш сабабини муаллиф романнинг бошидаёқ қайд этади. Рассомнинг «*Биргалашиб бир китоб ёзсаг-у, шу китоб уларнинг (ихлосмандларнинг) саволларига (Қандай қилиб рассом бўлдингиз?) жавоб бўлса...*»<sup>85</sup>, деган таклифи биографик романнинг яратилишига туртки бўлган.

Ҳар икки асарнинг композициясига эътибор берадиган бўлсак, улар бир-биридан **фарқ** қилади. Бири («Ҳаёт иштиёқи»)нинг композиционқурилиши анъанавий, спиралсимон, яъни воқеалар хронологик тарзда ривожланувчи ягона сюжет чизигига эга. Асар Ван Гог билан боғлиқ бир сюжет чизигидан иборат бўлиб, унда буюк импрессионист рассом Ван Гог ҳаёти, ижодий камолоти, руҳий кечинмалари, ижодга бўлган бетиним иштиёқи тасвирланади. Анъанавий биографиядан фарқли равишда И.Стоун яратган «Ҳаёт иштиёқи»да сюжет чизиги Ван Гог туғилиши тарихи билан бошланмайди. Ван Гог романга ўз ҳаёт йўлини топиши арафасида турган, картиналар галереясида сотувчи бўлиб ишлаб, кун кечираётган йигирма бир ёшли йигит сифатида кириб келади. Урсула исмли қизни севиб қолган Ван Гог саргузаштлари – сюжетнинг асосий воқеалари унинг муҳаббати рад этилгандан сўнг бошланади. Руҳан синган йигит нима қиларини билмай, руҳонийликни қабул қилиб, ўз ҳаётини бечораларга ёрдам беришга бахшида қилмоқчи бўлади, аммо шахтёрлар

---

<sup>85</sup> Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. – Тошкент, 2008. – Б.4.

орасида юрганида бекорчиликдан кўмир билан уларнинг суратларини чиза бошлайди. Чизилган суратларда шахтёрлар ташқи кўринишидан ҳам кўра, уларнинг характери, касбий қиёфаси намоён бўлади. Буни йигитнинг ўзи ҳам ҳис этади. Шундан сўнг Винсентда рассом бўлиш истаги пайдо бўлади. Муқаддима (пролог) ва саккиз қисмдан иборат асосий сюжет Ван Гог яшаб, ижод қилган шаҳарларнинг номлари билан (Лондон, Бориная, эттен, Гаага, Ньюенен, Париж, Арл, Сен-Реми, Овер каби) аталган. Ҳар бир жой билан боғлиқ воқеаларда, тарихий шахслар жонли иштирок этади. Ван Гог ҳаёти ва ижоди сюжетни ривожлантиради. Шу билан бир қаторда, муаллиф асарда Европанинг турли қишлоқ ва шаҳарларидаги санъат аҳли ва санъат даргоҳлари, рассомчилик мактаблари тўғрисида ҳам сўз юртади. Ван Гог чизаётган расмлар воситасида ўқувчини камбағал деҳқонлар, оддий халқ вакилларининг ҳаёти, уларнинг уйи, иши, оиласи кабилар билан таништиради. Шу тариқа рассом яшаган ижтимоий-тарихий давр манзараси ҳосил қилинади. Бу эса бадиий роман сюжетининг асосий хусусиятларидан биридир. Ана шу тарихий-ижтимоий шароит фониде рассом яратган картиналарнинг тарихи билан танишиб борилади.

Ўзбек ёзувчиси Нодир Норматов яратган «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти»да рассомнинг бадиий биографияси ноанъанавий усулда яратилган. Роман уч қисмга ажратилган ва қисмлар бир-биридан баён техникаси билан тубдан фарқланади. Адибнинг сюжет ва характер яратиш техникасини ўзбек адиби И.Ғафуров

қуйидагича таърифлайди: «У табиий ҳодисаларни табиий мақомини топиб чизади. Шу холос. «Чизиш» сўзи Нодир Норматовнинг бадиий усулига ғоятда мос, бу усулни росмана характерлайди. У батафсил узоқ тасвирдан кўра чизишни яхши кўради, зеро, чизишда ҳам чизиш бор – Нодир характер қирраларини кесма пункт билан чизади. Воқеалардан воқеалар шундай кесма пунктларда туғилиб бир-бирига ғулув билан уланиб боради. Бунда табиийки, баёнда парокандалик хавфи ҳам туғилади, воқеанинг боши, давоми ва охирига боғланмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо ёзувчи қандайдир ўзига маълум ҳикоя қилиш заҳираларини бизга билинтирмайгина қўллаб, сюжет ва композицияда яхлитлик, бутунликка эришади. Кесма пункт воситасида ҳикоя тарзида эришилган бутунлик – Нодирнинг ёзувчилик маҳорати ва бадиий услубининг ўзига хос, уни бошқалардан ажралиб турадиган кўзга кўринарли қиррасидир»<sup>86</sup>.

Қиёсланаётган мазкур икки асар архитектуроникасида тубдан фарқ бўлса-да, ҳар икки асарда ҳам хроникал сюжетдан фойдаланилган; бундан ташқари, уларда ёритилган мавзу ва ғоя бир-бирига муштарак.

Ҳар икки асарда бош қаҳрамон рассом бўлганлигидан бу асарларда санъат ва унинг сирли олами мавзу кенг ва атрофлича ёритиб берилган. Уларда буюк мусаввирлар, санъат мактаблари, рассомчиликнинг ўзига хос қонун-қоидалари тўғрисида баён этилган. И.Стоун XX аср бошларида Ғарбий Европада яшаб ижод этган

<sup>86</sup> Гафуров И. Нодирнинг Ойтоши ёки Сурхон руҳи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010. №52 (4087).



кўплаб рассомлар ҳақида маълумот бериб, жумладан, импрессионизмнинг моҳияти ва унинг бошқа оқимлардан фарқини – унинг моҳияти рассомчиликнинг умумий қонунларига бўйсунмасдан, воқеликни таассуротлар призмаси орқали чизиш, рассом нигоҳида қай тарзда гавдаланган бўлса, шундайлигича полотнога туширишда эканини Ван Гог ижоди мисолида, жонли воқеаларда кўрсатган.

«Ҳаёт иштиёқи» ва «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» романларида яна бир **муштарак жиҳат** бор – бу уларда ифодаланган инсонпарварлик ва санъатга фидойи бўлиш ғоясидир. Бу муштараклик адабий таъсир натижасида туғилмай, ҳар икки бош қаҳрамоннинг ҳаёти ва фаолияти мазмунидан, роман муаллифларининг бадиий мақсадидан келиб чиқади.

И.Стоун яратган Ван Гог – телбаларча ижодга берилган шахс. Китобхон унинг ўта фидоийлигидан хайратга тушади, чунки у санъатни ўз шахсий ҳаётидан устун кўяди. Умри давомида ягона картинасини сота билган рассом ҳар қандай муваффақиятсизликка қарамай, ўз ижодий йўналишига содиқ қолади. Оммага маъқул тушадиган, аммо ҳаётий ҳақиқатдан йироқ картиналарни чизишдан бош тортади. Ўзининг ишларига Ван Гог қуйидагича таъриф беради: *«Mine are better... Mine are truer, deeper. I'll take my life of reality and hardship. That is not the road on which one perishes»*.<sup>87</sup> («Менинг картиналарим яхшироқ... Меники ҳаққоний-

<sup>87</sup> Stone Irving. *Lust for Life*. – New York: Pocket books, 1945. – P.181 – 182.

роқ ва фалсафийроқ. Ҳақиқат ва қийинчилик йўлини танлайман. Биров ҳалок бўладиган йўл эмас бу»).

Ван Гог импрессионизм оқимиға мансуб рассом бўлган. Янги шаклланган импрессионизм ва унинг вакилларини Европа, бошқа ҳар қандай янгилик ва ҳамма жойда бўлгани сингари дарҳол ҳазм қила олмайди, чунки улар «ўз асарларида хунуклик ва ахлоқсизликни тасвирлашади» ва шу орқали «аччиқ ҳақиқат томон, ундан эса чин гўзалликни» кўрсатишга интилишади. Дастлабки қарашда парадоксал бу ибора аслида роман моҳиятини, мағзини, ғоявий мазмунини ифодалайди.

Асарда кучли пафос ва бўрттириш усули етакчилик қилади. Ван Гог характериға хос хусусиятлар шунчаки санаб ўтилмай, воқеалар воситасида очиб борилади. Асарда доим пулга муҳтож, оч ва телбаларча юридиган Ван Гог умри паст табақа вакиллари: кончилар, фоҳишалар, камбағал деҳқонлар орасида кечади. Улар билан бирга аччиқ ҳаёт кечиради. Кўлидан келганча меҳроқибатли бўлиб, улардан ёрдамини аямайди. Кончиларнинг оғир аҳволини кўриб ачинганидан охирги кийимигача бўлиб беради. «*The suit of clothes he left with the old man who had fragile written across his back. The underwear and shirts he left for the children, to be cut and made into little garments. The socks were distributed among the consumptives who had to descend Marcasse. The warm coat he gave to a pregnant woman whose husband had been killed a few days before by a cave-in, and who had to take his place in the mine to support her two babies*»<sup>88</sup>. («У эгни-

<sup>88</sup> Stone Irving. Lust for Life. – New York: Pocket books, 1945. – P.69.

бошини ортига мўрт ёзув битилган қарияга қолдирди. Ички кийим ва кўйлагини ёш болаларга кўйлакча қилиб бичиш, тикиш учун ҳадя қилди. Пайпоқларини Маркасс шахтасига тушиб, силга чалинганларга бўлиб берди. Иссиқ палтосини бир неча кун олдин шахтада рўй берган бахтсиз ҳодисада ҳалок бўлган эркакнинг ҳомиладор бевасига берди; Чунки аёл икки гўдагини боқиш учун – эрининг ўрнини эгаллашга мажбур бўлганди»).

Кўриниб турибдики, Винсент табиати унинг ҳагти-ҳаракатларида кўрсатилган. Муаллиф бундай батафсил тасвир орқали Винсентда фидойилик ва юксак шафқат билан характерланидиган инсонпарварлик ҳисси ҳамма нарсадан устун туришини кўрсатади. Кейинги боблардаги воқеалар ҳам муаллифнинг бош қаҳрамонга хос айнан ана шу хусусиятга айрича эътибор қаратганини кўрсатади.

Асарда Ван Гог тимсолида инсонпарварлик ва фидойилик улуғланади. Бош ғоя ҳам мана шу.

Н.Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» асарида ўзбек рассомининг инсонпарварлиги ва фидойилиги миллий менталитет доирасида тасвирланган. Адиб асарда ўз қаҳрамони характерини кўпроқ муаллиф характеристикаси ва баён воситасида ёритишга ҳаракат қилган.

Муаллиф асар давомида қаҳрамонининг одабийлиги, ўзбек халқи айниқса, ўз юрти Сурхон замани одамларига чексиз муҳаббатини воқеалар орқали ҳам кўрсатиб боради. Бинобарин, Рўзи Чориев ўз картина-

ларида айнан оддий халқ вакилларини акс эттиради. Негаки санъат мазмунини бутун олам ва унинг марказида турган инсонга бўлган муҳаббат ташкил қилади. Ана шундай муҳаббатсиз оламини ҳам, одамни ҳам реал акс эттириш мумкин эмас. Роман муаллифи ана шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ўз қаҳрамонининг инсонга бўлган муҳаббатини биринчи планга олиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, И.Стоуннинг «Ҳаёт иштиёқи» ва Н.Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» романлари бош қаҳрамон танлаш тамойили, қаламга олинган мавзу ва бадиий ғоя нуқтаи назаридан муштарак. Аммо тарихий-ижтимоий шароит, миллий менталитет, тарихий шахс бўлган бош қаҳрамон руҳий олами, ҳаёт тарзи, орзу-интилишларининг турличалигидан келиб чиқадиган ўзига хосликдан ташқари, ҳар бир ёзувчининг индивидуал тасвир усули, воқеаларни танлаш тамойили мавжуд. Нодир Норматов романида, Ирвинг Стоун асаридагидан фарқли ўлароқ, айрим ўринларда баён, муаллиф муносабати, публицистик услуб етакчилик қилади. «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти»да «Ҳаёт иштиёқи»даги сингари сюжет изчил, воқеалар кетма-кетлигида ривожланиб бормади. Ёзувчи асарнинг уч қисмида уч хил композицион қурилмадан фойдаланади. Бу қисмларда воқеалар давом этмайди, балки бу қисмлар бир-бирини тўлдиришга, чуқурлаштиришга, маълум ҳодисага турли ракурсдан қарашга, ўқувчининг турлича идрок этишига йўналтирилгандир. Нодир Норматов романида анъанавий ва

модерн романчилик услубларининг синтезини кўра-  
миз. Умуман, мазкур роман ўзбек адабиётида ўзига хос  
ҳодисадир.

## **ЖЕК ЛОНДОН ВА АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИДА БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ<sup>89</sup>**

XIX аср охири XX аср бошларида ўз фаолияти ва  
асарлари билан бутун афкор омманининг диққатини  
тортган америкалик адиб Жек Лондон ижоди ва ҳаётини  
биографияси адиб билан замон нуқтаи назаридан  
деярли кетма-кет яшаган, ижтимоий келиб чиқиши ва  
ҳаёт йўли маълум маънода яқин бўлган Абдулла  
Қаҳҳор эътиборини ҳам қозонган. Абдулла Қаҳҳор, ўзи  
эътироф этганидек, Жек Лондон асарлари билан таниш  
бўлган. Адабиётшуносларнинг кузатишига кўра, у Жек  
Лондон адабий мактабидан бевосита таъсирланган.  
Абдулла Қаҳҳор ўзининг бир қатор ҳикояларини,  
«Сароб» романини яратишда америкалик адибнинг  
«Мартин Иден» романи сюжети скелетидан, шунингдек,  
ёзувчининг биографиясидан фойдаланган.

Жек Лондон ҳаётнинг бутун машаққатлари, зид-  
диятлари, миқёслари билан тўқнаш келади ва кейин-  
чалик буларнинг барини ўз асарларида бадий қайта  
гавдалантиради. Мана шу ҳаётининг сабаб адиб ро-  
манлари, қатор повесть ва ҳикоялари, пьесалари бутун  
жаҳон китобхонларининг севимли мулкига айланган.  
Жек Лондон ҳикояларида ҳамиша қаҳрамоннинг ранг-  
баранг руҳий ҳолати тасвирига дуч келамиз. Жек

<sup>89</sup> Қобилова Н.С. Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида бадий психологизм.  
– Тошкент, 2019.

Лондон кўп ҳолларда қаҳрамоннинг ичидан туриб унинг ички оламини кашф қилади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари қисқалиги, асосан, қаҳрамон руҳий ҳолатининг унинг қиёфасидаги акси тасвири, қаҳрамон нутқи ва деталларга асослангани билан ажралиб туради. Абдулла Қаҳҳор Жек Лондон сингари бир ёки бир неча воқеани батафсил, барча икир-чикирлари билан қаламга олмайди. Адибнинг ҳикоялари – воқеликнинг бир моментини қайд этган фотосуратларга ўхшайди. Уларда ҳар бир сўз, детал ёки тафсилот Шарқ мумтоз лирикасидаги сингари кучли рамзий юкка эга ва мана шулар орқали қаҳрамоннинг ички олами кашф этилади.

Ҳар иккала адиб ижодида бадиий психологизм композицион асос даражасига кўтарилган ҳикоя бор. Бу – Жек Лондоннинг «Буюк сеҳргар» ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикояларидир. Ҳар икки ҳикояда ҳам қаҳрамонлар инсон психологиясидан фойдаланиб ўз мақсадларига эришадилар. Бу икки ҳикоя психологик мотивнинг композицион асос даражасига кўтарилиши, сюжети билан бир-бирига яқин бўлса, «Ҳаётга муҳаббат» ҳамда «Минг бир жон» ҳикоялари ғоявий жиҳатдан муштарак. Ҳар иккала ҳикояда ҳам ҳаёт ва ўлим оралиғида туриб, тирик қолиш учун кураш олиб борган қаҳрамонлар тасвирланади.

«Мартин Иден» ва «Сароб» романлари ўртасида бир қатор муштараклик кўзга ташланади. Бу, энг аввало, қаҳрамонларни танлаш ва воқеалар ривожидида кўринади. Ҳар иккала романнинг бош қаҳрамони – ижодкор

шахслар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам камбағал оиладан чиққан.

Асар воқеалари бошланганда Мартин ҳам, Саидий ҳам ота-оналаридан ажралиб, етим бўлиб қолган эдилар; ҳар иккала қаҳрамоннинг бу оламдаги энг яқин кишилари – опалари эди. Саидийнинг бир, Мартиннинг икки опаси бор эди. Табиий қон-қардошлик боғлаб турган бу опалар ўз жигарига она сингари ҳар қанча меҳрибон бўлмасин, улар Мартин ва Саидийнинг юксак орзу-ниятларини англай олмайдилар. Руф отаси, онаси, акаларидан иборат тўлақонли бадавлат оиланинг эрка фарзанди бўлгани сингари, Мунисхон ҳам онаси ва акасининг меҳр-муҳаббати паноҳида тўқ, беташвиш ҳаёт кечиради.

Ҳар иккала романда ҳам почча образи бор. Мартиннинг поччаси Бернард Хиггинботам ва Саидийнинг поччаси Муҳаммадражаб савдогарлик билан шуғулланади. Уларнинг иккаласи ҳам ўз рафиқаларини аёвсиз хўрлайди, бу мушфиқ аёлларни инсон ўрнида кўрмайди, ука туфайли оилада гиди-биди бўлиб туради. Гертруданинг тақдири Мартиннинг юрак-бағрини эзгани сингари, Саидий ҳам опасига қараб қаттиқ изтироб чекади. Мартин ҳам, Саидий ҳам маълум муддатга қўли калталик сабаб поччалариникида туришга мажбур бўладилар. Ҳар иккисининг ораси поччаси билан бошқалар тушунмайдиган орзу-ниятлар туфайли – Мартинда адиб бўлиш орзуси, Саидийда эса ўқишга кириш нияти туфайли бузилади.

Ҳар иккала асар қаҳрамонларининг ҳаётидаги жуда муҳим ўзгариш – улар илоҳий муҳаббат билан севган қизни учратишлари воқеаси билан бошланади. Руф ҳам, Мунисхон ҳам юқори табақа вакили бўлиб, Мартин учун ҳам, Саидий учун ҳам қўл етмас юксакликда яшайдилар.

Воқеалар ҳар икки романда бир-бирига муштарак равишда ривожланиб боради. Юқори табақага мансуб бўлган бой-бадавлат қизга эришиш мақсади Мартин ва Саидийни бирдек изтиробга солиб, улардаги ички кучни уйғотиб юборади. Ҳар иккала йигит ўз севгилисига муносиб бўлиш, унга эришиш учун жамики имкониятни ишга соладилар. Мартин ва Руф ўртасидаги муҳаббатни Руфнинг яқинлари қабул қила олмаганлари сингари, Мунисхоннинг акаси Мухторхон ҳам икки ёш ўртасидаги муносабатга юзаки қарайди, билиб туриб ўзини билмасликка солади.

Воқеаларнинг кейинги ривожини роман муаллифларининг бадиий мақсадига кўра турлича ривожланади. Мартин капитализм шароитида мумкин бўлгани сингари кутилмаган муваффақиятга, катта бойликка эришади. Саидий эса мустабид тузумнинг минг-лаб қурбонларидан бирига айланади. Ечим эса ҳар икки асарда ўхшаш: табиат томонидан катта потенциал куч ато этилган, юксак орзу-мақсадлар билан яшаган икки навқирон йигит худкушликка юз тутадилар.

«Мартин Иден» ва «Сароб»да **мотивлараро муштараклик** ҳам кўзга ташланади. Бинобарин, воқеалар Мартин ва Саидийнинг ўзлари учун янги бўлган му-



ҳитга – бирининг ўзи ёт бўлган табақа вакиллари хонадонига, иккинчисининг университетга қадам қўйиши билан бошланади. Руфни ҳам, Мунисхонни ҳам биринчи кўришдаёқ йигитда барқ уриб турган соғлом навқиронлик ўзига жалб қилади; умуман, ҳар иккала қиз ижтимоий тафовут ҳақида ўйлаб кўришга, бу йигитларнинг юксак маънавий дунёси билан танишишга улгурмай, табиий майлнинг асири бўлиб қоладилар. Ҳар иккала романда биринчи учрашувдаёқ мафтун бўлиш мотиви бор. Бу романларда қаҳрамонлар характери ни ишлашда ҳам муштараклик кўзга ташланади. Ҳар икки йигит маъшуқа назарига тушиш учун фавқулодда вазият туғилишини орзу қилади. Мартин ва Руф, Саидий ва Мунисхоннинг мулоқот қилиб туришларига восита бўладиган бадиий детал – китоблар, мутолаа эди. Китоб восита бўлгани ҳар икки асарда бир-бирига ўхшаш эпизод орқали муайянлаштирилади. Ҳар икки романдаги велосипед деталли, велосипедда шаҳардан ташқарига сайрга чиқиш эпизоди, Мартин ва Саидийнинг матбуотда чиқадиган асарларини устунлар билан ўлчаши, ёзувчиликдан мақсад – бойлик орттириш орқали маъшуқа васлига эришиш экани, жамики орзу-аъмолларидан жудо бўлган ошиқларнинг бир пайт қўл етмас юксакликда деб тасаввур қилинган, пировардида эса бош эгиб келган маҳбубани рад этишлари каби мотивлар ҳам муштарак.

Аmmo бу муштаракликлар Абдулла Қаҳҳор романининг оригинал асар эканини рад этишга асос бўлол-

майди. Чунки ўхшаш сюжетлар бошқа ёзувчилар ижо-  
дида ҳам учраб туради<sup>90</sup>.

Ҳар икки романда давр психологиясига мослаша ол-  
маган қаҳрамонларнинг трагик қисмати қаламга олин-  
ган. Қиёсланаётган икки романда бир-биридан кэски н  
фарқ қиладиган икки хил миллий психология тасвир-  
ланган. Миллий психология кўпроқ оилавий-маиший  
масалаларда намоён этилган.

Жек Лондон қаҳрамон руҳий дунёсини батафсил,  
тадрижий ўсишда кўрсатади ва бадиий психологизм-  
нинг монолог, галлюцинация ва психологик паралле-  
лизм шакллари кенг фойдаланади. Абдулла Қаҳҳор  
эса ўз қаҳрамонларининг руҳий-психологик ҳолатлари-  
ни кўпроқ уларнинг хатти-ҳаракати, қилиқлари орқали  
кўрсатади. Фикрлар, ҳисларнинг узлуксиз оқимини,  
диалектикасини кўрсатиш (аналитик принцип) «Са-  
роб»да кўп учрамайди.

## **ОМОН МУХТОР ВА ОСКАР УАЙЛДНИНГ БАДИЙ- ЭСТЕТИК ОЛАМИ<sup>91</sup>**

Қиёсий адабиётшуносликнинг асосий ўрганиш  
объекти бўлган, бевосита адабий алоқалар, таъсирлар,  
ўзлаштирмалар, типологик ўхшашликлар ҳамда мил-  
лий адабиётлар ривожининг ўзига хос хусусиятлари  
тадқиқига бағишланган ишлар филология учун муҳим

<sup>90</sup> Норматов У. Адабий ўхшашликлар хусусида // Норматов У. Етуклик. -  
Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. - Б.120 - 133.

<sup>91</sup> Тоирова Н.И. Бадиий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик  
вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари асосида). Филол. фан.  
номз... дисс. - Тошкент, 2018. - Б.68 - 79.

аҳамият касб этиши билан бирга барчада бирдек қизиқиш уйғота олади.

Адабиётшуносликдаги сўнги йилларда олиб борилган изланишларни кузатар эканмиз, компаративистиканинг ниҳоятда кенг қамровли соҳа эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биз ҳам бир тадқиқот доирасида кўзгу, портрет рамз ва мотивларининг наср ва шеърдаги ўрнини ўрганиш имкони чекланган деган хулоса асосида бадиий адабиётдаги кўзгу, сурат рамзларининг ғоявий-эстетик вазифасини ўзбек ва Ғарб адабиётидаги бир нечта ёзувчиларнинг насрий асарлари асосида олиб боришни илмий ишимиз учун асосий мақсад қилиб олдик. Мақсадни амалга ошириш учун қиёслаш, чоғиштириш усулларида кенг фойдаландик.

Тадқиқотимизда ўзбек адабиётшунослигида илк бор Оскар Уайлд ижоди ўрганиш объекти қилиб олинди. Шу билан бирга Омон Мухтор асари биринчи марта Оскар Уайлд асари билан қиёсий асосда ўрганилди.

Диссертацияда асосий тадқиқ объекти сифатида турли тарихий давр, географик макон, ижтимоий-сиёсий тузум ҳамда ўзига хос адабий-эстетик муҳитда яшаб ижод қилган икки ёзувчи танлаб олинди. Уларнинг бири, ижодининг асосий қисми XX асрнинг сўнги чораги ва XXI асрнинг бошларига тўғри келган, замонавий ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган ёзувчи Омон Мухтор бўлса, иккинчиси асосан, XIX асрнинг сўнги чорагида ижод қилган ва эстетизм йўналишининг асосчиларидан бўлган таникли инглиз адиби Оскар Уайлддир.

Мазкур адиблар бир тадқиқот доирасида ўрганиш учун танлаб олинганининг асосий сабаби улар томонидан яратилган «Кўзгу олдидаги одам» ва «Дориан Грейнинг портрети» романлари ҳисобланади. Биринчидан, Омон Мухтор романида кўзгу (Сирож муаллимнинг кўзгудаги акси) Оскар Уайлд романида портрет (Дориан Грейнинг ёшлиқда чизилган сурати), асосий рамзий образ сифатида гавдаланади. Иккинчидан, ҳар икки роман ҳам ёзувчиларнинг ижодий-поэтик оламида муҳим ўринга эга бўлиб, адиблар мазкур асарлар пайдо бўлгунга қадар ўзига хос ижодий эволюция йўлини босиб ўтган. Демак, кўзгу ва портрет рамзларига асос бўлган асарлар ижодий изланишлар самарасидир.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, Омон Мухтор ҳам шакли, ҳам мазмуни жиҳатидан ўзига хос бўлган, халқ афсона ва эртаклари мотиви асосига қурилган реалистик наср учун янги бўлган романлар яратди. «Минг бир қиёфа» (1994), «Кўзгу олдидаги одам» (1996), «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Ффу» (1997), «Афлотун» (1998) шулар жумласидандир. «Минг бир қиёфа» мустақил, биридаги воқеалар давоми иккинчисида кузатилмаган, бир-бирини бадий-ғоявий мантиқ боғлаб турувчи уч ҳикоятдан ташкил топган.

Омон Мухторнинг кўплаб асарларида рамзийлик муҳим аҳамият касб этган. Тарихий мавзуга бағишланган «Афлотун» асари бунга ёрқин мисол бўла олади. «Ундаги саҳро, айниқса, қудуқ, лаган, сандиқ, сув – булар рамзлар. Демак, шартлилик кучли»<sup>92</sup>. Бу ерда халқ

<sup>92</sup> Муҳаммад Али. Қунту сабот билан тикланган қаср // Ўзбекистон адабиёти санъати. 1998. №23 – Б.3.

афсона ва эртак элементлари ҳам яққол кўзга ташланади.

Омон Мухторнинг «Тепаликдаги хароба», «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам» романлари яхлит ҳолда «Тўрт томон қибла» (2001) трилогиясини ташкил этган<sup>93</sup>. Уч романдан иборат «Шарқ дафтари» деб берилган бу романлар ёзувчининг ижодий тажрибасида муҳим босқич сифатида ҳам аҳамият касб этади.

Омон Мухтор асарлари бир-бирини такрорламайди. Уларда инсон тафаккурининг муайян қирраларини ёрқин бадий образлар, рамзий деталлар орқали ёритишга ҳаракат қилинган. Инсон табиатида эзгулик ва ёвузлик мужассам, деган Шарқ фалсафасига таянган ҳолда ёзувчи анъанавий ижобий ва салбий қаҳрамон тушунчаларидан воз кечади.

Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли» ва «Буюк фаррош» номли романларини ўз ичига олган «Навой ва рассом Абулхайр» китоби 2006 йили чоп этилди. 2009 йили нашр қилинган «Одамлар кулишлари керак» номли китобига адибнинг худди шу номдаги янги романи ва кичик ҳажмдаги асарлари киритилган. 2010 йили нашр қилинган «Хотин подшоҳ» китобига «Хотин подшоҳ», «Эгилган бош», «Майдон» романларини ўз ичига олган. Омон Мухтор, шунингдек, «Дарахтлар парвози», «Шуҳрат домла» номли эсселар муаллифи ҳамдир.

Омон Мухторнинг ижод оламига қиёслаш учун танлаганимиз инглиз адиби Оскар Уайлд Европа ва жаҳон адабиёти тарихида эстетизм адабий оқимининг ёрқин

<sup>93</sup> Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.176

намојандаси, шоир, эссенавис, наср устаси, комедиялар муаллифи сифатида ўз ўрнига эга. Оскар Уайлд шифокор-офтоломлог оиласида дунёга келди.

Оскар ёшлигидан феноменал қобилиятга эга бўлиб, атроф-оламга жиддий назар билан қарар ва шу билан бирга, ташқи кўринишига, чиройли ва ҳашамдор либосларга жуда ружу қўйган бола эди. 1871–1874 йилларда Дублин университетиде таҳсил олган даврда қадимий тилларни ўзлаштириш ва эллада маданий меросини ўрганишга катта эътибор қаратди. Бу О.Уайлд эстетикасининг шаклланишида пойдевор ролини ўйнади. Кейин (1874–1877 йиллари) ўқишни Англияда, Оксфорд университетиде давом эттириб, барча гуманитар фанлардан юқори ютуқларга эришди, ўзининг нозик бадиий дидини намоён этди.

Оскар Уайлд 1875 йили Италияга саёҳат қилади. Ана шу саёҳат таассуротлари асосида яратилган «Равенна» достони учун 1878 йили Оксфорд университетининг энг таниқли битирувчиларига бериладиган Нюдигейт мукофотида сазовор бўлади.

Оскар Уайлд замондошлари Балзак, Иван Тургенев, Лев Толстой, Федор Достоевскийлар ижодини қадрлаган бўлса-да, ўз ижодида реализм тамойилларига риоя этишни хоҳламади. «Ёлғон санъат инқирози» мақоласида воқелик (ҳаёт) санъатга тақлид қилади, дея таъкидлайди. У шу тариқа санъатни ҳаётдан устун қўяди, ҳаётдан кўра санъат асарининг нафосати, жозибадорлиги ва мафтункор тароватини афзал кўради.

Рус адабиётшунослигида Оскар Уайлд ижоди билан шуғулланган дастлабки мунаққидлардан бўлган А.Волинский фикрича, «ёзувчи ташқи оламни жонсиз, пассив куч ва қўпол, қотиб қолган реализм сифатида инкор этади. Ҳақиқий борлиққа хаёлот, фантазия кучини, яъни «ёлгонни» қарши кўяди»<sup>94</sup>.

Умуман олганда, Оскар Уайлд қарашлари ўта зиддиятли эди. У айрим мақолаларида эстетизм ва индивидуализм ғояларини тарғиб қилса, бошқаларида Англиядаги буржуазия жамиятини кэски н танқид остига олади. Баъзи асарларида, айниқса, эртакларида шаклан ва мазмунан эстетизмдан узоқлашганини кузатиш мумкин.

Аслида, эртак жанри Уайлд учун қулай бўлиб, ҳаётий муаммолар ҳақида, ёзувчига ёт бўлган маиший, натуралистик тафсилотларга берилмасдан ҳикоя қилиш мумкин эди. Унинг эртаклари лиризм ва мистика билан суғорилган. Уайлд эртаклари лўнда, чиройли тузилган бўлиб, кўпинча сентиментал оҳангда бўлиб, ҳикоятга яқин туради.

Оскар Уайлд ўз эртакларида буржуа жамиятининг мазмунсиз ва нажотсиз ҳаётига сира ўхшамайдиган ёрқин, турли рангларда жилваланиб турувчи янги оламни тасвирлади. Эртакларда ёзувчига хос бадийий фантазия, услуб бежиримлиги намоён бўлади. Оскар Уайлднинг бу даврда яратган ҳикоялари "Кентервил арвоҳлари" (1887), «Лорд Артурнинг жинояти» (1891) ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

<sup>94</sup> Гиленсон Б.А. История зарубежной литературы конца XIX – начало XX века. – М.: Академия. 2008. – С.215.

О.Уайлд ижодини тадқиқ этган олимлар (Р.Еллман, Ю.Ковалев, А.Зверев) унинг эртак жанрига хос бўлмаган асарларида ҳам эртакона-мифологик образлар, мотивлар, сюжет ва услубнинг пайдо бўлиши ижодкор оламини мўжизаларга бой, эртакка монанд қабул қилгани билан изоҳлайдилар.

Хулоса қилинадиган бўлса, адиб эстетик қарашларидаги зиддиятлар унинг ижодидаги ягона роман – «Дориан Грейнинг портрети»да ҳам яққол намоён бўлади. Роман ёзилишига туртки бўлган воқеа қуйидаги: бир куни ёзувчи мусаввир дўсти Безил Уорд (романда Безил Холлуорд) устахонасида малла сочли, жуда чиройли йигитни кўриб, мана шундай беназир гўзаллик бир кун келиб вақт ва эҳтироснинг домидан қочиб қутула олмаслиги ҳақидаги фикрини билдиради. Бунга жавобан мусаввир суратни вақт таъсиридан сақлаш, асарнинг асл ҳолидаги мафтункорлигини сақлаб қолиш учун портретни қайта ва қайта яратишга тайёр эканини айтади. Роман жуда тез, яъни «бир нафасда» ёзиб тугалланади. Унда ёзувчининг шу вақтга қадар яратган эртак, ҳикоя ва эсселаридаги ғоялар ўз аксини топади. Роман ҳақидаги мунозараларни олдиндан билгандай асар муқаддимасида: «Ахлоқий ёки ахлоқсиз китоб бўлмайди. Фақат яхши ёки ёмон ёзилган китобларгина бўлади холос», – дейди муаллиф<sup>95</sup>.

Оскар Уайлд ижодий-эстетик оламининг шаклланишида санъат назариётчилари Жон Рёскин, Уолтер Пейтернинг қарашлари муҳим рол ўйнаган бўлиб,

---

\* Wilde Oscar. The Picture of Dorian Gray // [www.planetebook.com](http://www.planetebook.com)



«Дориан Грейнинг портрети» романи муаллиф томонидан ишлаб чиқилган эстетизм назариясининг бадиий инъикоси сифатида пайдо бўлган. Омон Мухторнинг 90-йилларда яратилган «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Ффу», «Афлотун» сингари романлари шакл ва мазмун жиҳатдан ана шу давр адабий жараёнида янгилик бўлиб, уларда халқ афсона ва эртақларининг мотивлари, шарқ фалсафаси ва адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодий мероси билан бирга, Ғарб модерн адабиётига хос руҳий олам манзаралари тасвири уйғунлашиб кетган.

Хуллас, Оскар Уайлднинг «Дориан Грейнинг портрети» ва Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романлари яқин бир асрлик вақт оралиғида, турли ижтимоий-сиёсий жамиятда яратилган бўлишига қарамай, уларни инсон табиатидаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, руҳ эркинлиги ва қўллиги мавзуси ҳамда асарларнинг ғоявий мазмунида муҳим аҳамиятга эга бўлган рамзий образлар бирлаштириб туради. Асарлардаги ғоялар муштараклиги Валижон ва Дориан образлари орқали инсоннинг комиллик йўлидаги интилишлари тасвирида намоён бўлади.

Илм-фан юксак даражада ривожланган ва ахборот технологиялари тезкор суръатларда тараққий этаётган ҳозирги даврда ҳам бадиий адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни етакчи бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда турли қамровдаги адабиётлараро алоқаларни ўрганиш, уларга объектив баҳо бериш, муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР ИЖОДИДА БАДИЙ ТАМОЙИЛЛАР МУШТАРАКЛИГИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИК<sup>96</sup>

Бадий сўз усталари Навоий ва Шекспир меросида типологик ўхшашликларнинг аҳамиятга молик томонларини кўрсатишга уринар эканмиз, улар дунёқарашида муҳим ўрин тутган мавзулардан бири муҳаббат муаммосига эътиборимизни қаратамиз.

Алишер Навоий асарини («Лайли ва Мажнун») Шекспирнинг («Ромео ва Жулетта») асари билан қиёлаш унинг XVII асрданоқ жаҳоншумул ва илмий ўрганилган бадий ижодини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш йўлида бир уриниш десак, хато бўлмайди. Иккала санъаткор ишқ мавзусидаги юксак бадий асарни яратар экан, фожиали севги тарихини сюжетга асосий манба қилиб олишди.

Ўз навбатида, «Ромео ва Жулетта»нинг севги тарихи ҳам худди шунингдек, италиялик новелланавислар томонидан бир неча маротаба қайта ишланган Матео Банделло новелласи (1554) бу муҳаббат тарихини бутун Европага машҳур қилди. Бу тарихни француз тилида Пер Буато яратди (1559). Француз тилидан инглиз тилига Вильям Пейтнер таржима қилиб, нашр қилдирди. Инглиз шоири Артур Брук «Ромеус ва Жулетта»нинг фожиали тарихи» номли поэма яратди.

<sup>96</sup> Маматқулова Х.А. Алишер Навоий ва Вильям Шекспир ижодида бадий тамойиллар муштараклиги ва ўзига хослик («Лайли ва Мажнун» дostonи ҳамда «Ромео ва Жульетта» трагедияси мисолида). Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2009. – Б.24 - 49.

Шарқ мутафаккири «Аллоҳ қудратининг нишонаси» бўлмиш буюк туйғуга «Маҳбуб ул-қулуб» асарида мукамал таъриф беради<sup>97</sup>. «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам ишқ масаласига доир назарий мулоҳазалар баёнига бағишланган байтларни келтиради:

*Эй ишқ, ғариб кимиёсен,  
Бал ойинайи жаҳоннамосен.  
Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,  
Ҳам ойинайи жаҳоннамолиқ<sup>98</sup>.*

Алломанинг таъкидлашича, ишқ ҳам «кимё», «ҳам ойинайи жаҳоннамодир». Ишқ инсонга яқинлашса, гавдасининг лойи тупроқдан ўзга нарса бўлмаган инсоннинг юзини, танини олтинга айлантиради, бу билан ҳам кифояланмай уни ўтда куйдириб, тамоман эритади. Бу қуйиш натижасида унинг вужуди ва руҳи олтиндек пок бўлади, яъни кимёланиш жараёнида унинг вужуди ўзидаги қусурлардан қутулиб ва фазилатлар касб этиб, камолотга эришади.

Шекспир асарида ҳам ишқ мавзуси кўп қиррали ёригилади. Шоир персонажлари бу ҳақда турли шароитларда турлича фикр юритадилар. Шекспирда севги ҳақида биринчи хизматкорлар гапиришади, улар учун севги – қизлар билан кўнгилхушлик; энаганинг ҳам Жулеттанинг ёшлигида йиқилганини эслаб айтган гаплари ва фикрлари уларниқидан қолишмайди. Асарда

<sup>97</sup> Қаранг. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент, 1983. – Б.49.

<sup>98</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. – Тошкент: Фан, 1992. IX том. – Б.293.

Бенволио ва Меркутсио ишқ ҳақида истехзоли сўзлашар экан, кўнгилочар ҳиссиётлар ҳақида хизматкорларнинг кўпол ва содда гапларидан фарқли равишда ёш аслзодалар бундай ҳиссиётлардан нафратланишади ва Ромеонинг ошиқлигини масхара қилиб кулишади.

Ғарб мутафаккири Шекспир оксюморонлардан унумли фойдаланиб ишқ тавсифининг ниҳоятда ёрқин намуналарини яратади: a brawling love – савдойи жунун; a loving hate – суюкли нафрат; a heavy lieghtness – кўрғошин пат; a cold fire – совуқ аланга; a sick health – соғлом бемор. Мутафаккир шоир ишқнинг таърифида давом этар экан, поэтик маҳорат билан унинг ситамкорлигини, ўтдай куйдиришини, бу ўт ошиқни кўз ёшдан жамғарилган **денгизга ғарқ этишини** баён этади.

Шарқ ва Ғарбда ишқ концепциясига бўлган муносабатлар яқинлигини ва муҳаббат муаммосининг бадий ечимидаги ғоявий ўхшашликни В.М.Жирмунский ҳам эътироф этади: «Дунёвий муҳаббат (ишқи мажозий) концепцияси Ҳаққа бўлган муҳаббатнинг мажози сифатида тасаввуф анъаналари билан боғлиқ»<sup>99</sup>. Тасаввуфнинг мумтоз шарқ шеъриятига, хусусан «Лайли ва Мажнун» асосидаги муҳаббат концепциясига таъсири қанчалик катта бўлгани фанга маълум.

Достонда ҳам, трагедияда ҳам қаҳрамонлар фожиасини тасвирлаш орқали ноҳақлик ва адолатсизлик қораланади. «Зиддият қаҳрамонларнинг ҳиссиётлари асосида туғилмайди... Фожа адоват ва душманлик дунёси билан қаҳрамонларнинг ажойиб туйғуси тўқнашувидан

<sup>99</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С.182.

юзага келади»<sup>100</sup>. Иккала асарда ҳам қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи 5 та асосий лавҳа мавжуд:

1. Илк учрашув.
2. Дил изҳори.
3. Айрилиқ.
4. Истамаган киши билан никоҳга мажбурлаш.
5. Хотима.

Навойи достонида ҳам, Шекспир трагедиясида ҳам муҳаббат анъанавий муносабатлар меъёрини бузади. Биринчи ҳолатда ижтимоий тенгсизлик, Лайлининг отаси «демона» Қайсга қизини беришдан ор қилади<sup>101</sup>. Иккинчи ҳолатда азалий оилавий низо тўсиқ бўлади. «Ромео ва Жулетта»да қаҳрамонлар яширинча никоҳ ўқитишади. Бу ҳақда ота-оналарини огоҳлантиришмайди. Уларнинг розилигини олиш иложсизлигини англаб, бу ҳақда оғиз очмайдилар. «Лайли ва Мажнун»да фақат Мажнун ота-онасининг истагига қарши чиқа олади, Лайли эса ота-онасига бўйсунди. Иккала ижодкор ҳам қаҳрамонларининг ўзига хослигига урғу беришади.

Иккала асарда ҳам севишганлар ҳалок бўладилар. Мажозий ишқ вужудни йўқ қилиб юборади. Ромеонинг ўлими Жулеттанинг, Лайлининг ўлими (жисман) Мажнуннинг жисман ўлимига олиб келади. Лайлининг онасига қилган васиятига кўра ҳар иккаласини бир кафанга ўрайдилар ва бир қабрга қўядилар. Ҳар икки севишган ёр шу йўсинда бир-бирларига абадий қовушдилар:

<sup>100</sup> Аникст А. Творчество Шекспира. – М.: Наука, 1963. – С.228.

<sup>101</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.225.

*Кирди икки жисм бир кафанға,  
Йўқ, йўқ, икки руҳ бир баданга  
Донадек ўлуб ики бадан бир,  
Дона қобуғи киби кафан бир  
Ёшурди чу ой-у кун юзин абр,  
Чун гўр бир эрди, бўлди бир қабр (292-бет).*

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Навоий ва Шекспир илгари сурган ғоялар муштараклиги сабаблари адабий алоқа ва услублар таъсирига эмас, балки асарлар яратилган давр муаммолари, кайфияти ва уларни бадий акс эттиришдаги ёзувчи истеъдоди, тафаккури имкониятларига бориб тақалади.

Навоий ва Шекспир гуманизмини ҳаракатга келтирувчи барча тамойилларини ўз ижодий, илмий, ижтимоий фаолиятларида бевосита ифода эттиришга ҳаркат қилганлар. Бу уларнинг давлат бошлиғи, миллий тил мавқеини кўтариш ва тараққиётига асос солиш, шахс эрки ва инсоний муҳаббат хусусидаги муштарак қарашларида яққол намоён бўлади.

Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини Шекспирнинг «Ромео ва Жулетта» трагедияси билан қиёслаш икки буюк ижодкорнинг ишқ концепциясига муносабатларининг ғоявий яқинлигини кўрсатди. Икки мутафаккир нуқтаи назарида комилликнинг мухташам пойдевори ҳам, олий чўққиси ва сўнмас нур манбайи ҳам ишқдир.

Ғарб уйғониш даври мутафаккири инсон эътиборини унинг ўз гўзаллигига, жисмоний ва ботиний баркамоллигига (юксак фазилатлар эгаси сифатида) қаратган бўлиб, ана шу баркамолликни бадний адабиётда ифода этишга интиланган. Унинг фикрича, гўзал инсон, албатта, гўзал дунёвий ҳаёт соҳиби бўлмоғи лозим.

Шарқ уйғониш даври мутафаккири эса бутун эътиборини инсоннинг руҳий камолоти масаласига қаратган. Унинг учун гўзал дунёвий ҳаёт пировард мақсад эмас, балки боқий руҳий юксакликка эришиш учун бир имтиҳон воситаси, холос. Алишер Навоий ва Шекспирнинг биз таҳлил этаётган асарлари замирида ана шу ғоя ва ўзаро тафовут ётади. Аммо шунга қарамай, иккала шоир ҳам реал дунё гўзалликлари орасида ишқни гўзалликнинг бош манбайи деб қарайдилар. Қаҳрамонлар дунёдаги энг қудратли маънавий куч деб муҳаббатни билишади. Унинг илоҳий қудратига таяниб яшайдилар. Шу ишонч уларни инсон сифатида тенгсиз юксакликларга – ҳаёт, давр, олам ва одам моҳиятининг туб илдизларини белгилайдиган ғоявий кенгликларга олиб чиқади.

## «БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ» ПОЭМАСИ ВА МИРТЕМИР ИЖОДИ<sup>102</sup>

«Боқчасарой фонтани» поэмаси А.С.Пушкинга катта шуҳрат келтиргани маълум. Аслида бу асар, В.М.Жирмунскийнинг ёзишича, Ж.Байроннинг «Корсар» поэмаси таъсирида ёзилган<sup>103</sup>. Ўзбек адабиётида мазкур асарнинг ижодий таъсири Миртемирнинг «Сув қизи» поэмасининг яратилишига асос бўлган.

«Боқчасарой фонтани» поэмасининг «Татар кўшиғи» қисмида тутқун қиз Марямнинг тақдири ҳикоя қилинади. Бу ғамли ҳикоя асарга эпик мазмун бахш этган. Натижада қаҳрамонларнинг туйғу-кечинмалари, ўй-фикрлари яхлит сюжетни вужудга келтирган. Шу жиҳатлар инobatга олинса, Пушкин ва Миртемир поэмаларидаги муштаракликлар қуйидагиларда кўзга ташланади:

1. Ҳар икки поэма ҳам **эртак руҳида** яратилган. «Боқчасарой фонтани»да эртакка хос анъанавий бошланма йўқ. «Сув қизи»да эса бундай бошланма («Қадим чоғда, денгиз бўйида... Ҳаёт кўрган экан битта чол») мавжуд. Бироқ иккала поэмадаги образлар ҳам эртакмонанд. Бинобарин, Пушкин поэмасида подшо Тарой, Зарема, Марям, Марямнинг отаси, оға; Миртемирда султон, чол, унинг қизи Орзи, қароқчи Алибобо қиёфа-

<sup>102</sup> Қувватова Д. «Боқчасарой фонтани» поэмаси ва Миртемир ижоди // «Жаҳон адабиёти» фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 348-351.

<sup>103</sup> Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. – Л.: Наука, 1978. – С.116.



ларида намоён бўлган. Бу эса руҳий-маънавий жиҳатдан ўхшаш образларни юзага келтирган.

2. Ҳар иккала поэмада ҳам **меҳрибон оталар ва қизлар образи** яратилган. «*Боқчасарой фонтани*»да *Марям тасвири*:

*Унинг юмшоқ севимли нози,  
Табиати, лазиз овози.  
Ёниб турган мовий кўзлари.  
Дона-дона ширин сўзлари  
Бир-биридан жозибадорди;  
Ҳаммасида ажиб куч борди*<sup>104</sup>.

**«Сув қизи»да Орзи тасвири:**  
*Бўлар экан чолнинг бир қизи,  
Шамшод унинг бўйига хуштор.  
Лаби писта, юзи қирмизи,  
Дастор олма каби заб нақшдор.  
Сочларига илҳақ мажнунтол.  
Кўшиғига булбуллар хумор.  
Кўзи шахло ва тиллари бол*<sup>105</sup>

“Эътибор берилса, қаҳрамонлар портретидаги ўзига хослик миллийлик билан алоқадор. Пушкин ўз қаҳрамонини мовий кўзли, Миртемир эса шахло кўз тарзида ифода этади. Улардаги руҳий-маънавий яқинлик нафақат ташқи кўриниши, балки истеъдоди орқали ҳам на-

<sup>104</sup> Пушкин А.С. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – Б.171.

<sup>105</sup> Миртемир. Асарлар. Уч томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б.385.

моён бўлади. Чунки Марям ҳам, Орзи ҳам қўшиқ куйлайди. Миртемир Шарқ мумтоз адабиёти мавжуд анъанавий ўхшатишларни (бўйнинг шамшодга қиёсланиши, лабнинг пистага, юзнинг қирмизи олмага ўхшатилиши каби) моҳирона қўллайди.

**«Боқчасарой фонтани» да:**

*Амалдорлар, бойлар изма-из  
Орқасидан излаб юрарди.  
Йигит-яланг «Оҳ...» деб ўйида,  
Азоб чекар эди кўйида.*

**«Сув қизи»да:**

*Кўрган кўзнинг қувончи экан,  
Кўрган йигит қолмас севгисиз...*

Бу билан қизларнинг ниҳоятда гўзаллиги ифода этилмоқда.

**3. Сюжетлараро ўхшашлик.** Марям татарларнинг Польшага ҳужуми вақтида подшо ҳарамига келтирилган. Орзини эса қароқчи Алибобо чашма бўйидан ўғирлаб саройга олиб келган. Айни замонда тутқун қизларнинг ҳарамдаги ҳаёти тасвирида мутаносибликлар бор. Кўринадики, ҳар икки шоир ҳам аёллар эркисизлиги мавзусини ҳаётий лавҳаларда ёритган. Бу, ўз навбатида, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик курашини ҳам ўзида ифода этади. Гаров ва султон ёвузлик тимсоли, Марям билан Орзи эркисизлик қурбони сифатида кўзга ташланади. Ҳар иккала поэма ҳам қайғули якун топади. Яъни Марям «тарки умр» этади.

Орзи эса ҳарамда фарзандли бўлади ва қизи билан ўзини дарёга ташлайди.

**4.Эпик макон муштараклиги.** Ҳар икки асарда ҳам асосий воқеалар подшо ҳарами, Дунай соҳиллари, Қора денгиз бўйларида бўлиб ўтади.

Кўринадики, Миртемир Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» поэмасидан ижодий таъсирланган. Унинг ўзига хошлиги мавзуни миллий рангларда ифода этганида кўринади. Бу адабиётимизда жаҳон поэмачилиги бадий-эстетик тажрибалари турли шаклларда намоён бўлаётганини билдиради.

## ШЕЪРИЙ ТАЛҚИНДА ЭКВИВАЛЕНТ ВА АДЕКВАТ ЁНДАШУВ<sup>106</sup>

Шеърий таржимада аслиятнинг поэтик параметрлари ҳисобланган шакл (қофия, вазн, туроқ, ҳижолаҳ сони, оҳангдорлик, муסיқийлик) ва мазмунга (тимсолийлик, лексик ресурслар ва стилистик фигуралар) адекват ёки эквивалентлик даражасида яқинлаша олиш муаллиф фикр ва туйғусининг, мақсад ва ғоясининг қайта инъикос этишини таъминлайди.

Аслият матнида мужассамланган поэтик унсурларнинг барчасини бирдек сақлаб, таржиманинг *муқобил* – эквивалентли ёки *айнан* – адекватли таржимасини яратиш, айниқса, шеърий таржимада ўта мураккаб жараён-дир. Бундай мураккаблик аслият матнидаги шеърий санъатлар, экспрессив унсурлар каби функционал бир-

<sup>106</sup> Салимова Д. Шеърий таржимада муаллиф бадий нияти ва поэтик маҳоратининг қайта ифодаланиши (Ғафур Ғулом ва Ойбек шеърларининг таржималари мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2018.

ликларнинг ўзга тил доирасида айнан муқобиллик даражасида тенглаша олмаслигида кўринади. Адабиётшунос Ш.Сирожиддинов монографиясида шундай таъриф беради: «Таржима вазифаларидан бири – таржима матни аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадий завқ мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этилишидир»<sup>107</sup>.

Шеърят таржимасида бундай мураккабликлардан чиқиш мақсадида аслиятнинг деформацияланишига (йўқотишлар, қўшишлар, ўзгартиришлар ва ҳ.) ҳамда дефиницияланиш (функционал бирликларнинг номуносивблиги)га йўл қўйилади, яъни шеърый таржима ўзида юқорида санаб ўтилган категориялардан бирортасининг ўзгартирилишига эҳтиёж сезади. Шуларни инобатга олиб, таржимон поэтик шакл ва мазмунни қайта яратиш мақсадида эркин ёндашув йўлидан бориши мумкин. Бу ҳолат таржима назариясида эркин ижодга имкон беради ва ўз ўрнида бундай имконият меъёрларига амал қилиш талаб этилади. Таржима матнида мутаржим томонидан поэтик мазмун ва шаклни қайта яратиш учун эркин ёндашув йўли танланар экан, аслиятнинг эквивалент ва адекват таржимасининг амалга оширилиши таржимоннинг иккиланишига олиб келади, яъни таржимон шеър таржимасини қайта яратиб бўлмаган шароитда ўзгартиришлар ва йўқотишларсиз эквивалентлик ва адекватлик ўз самарасини бера ола-

<sup>107</sup> Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б.16.

дими, деган саволлар туғилиши табиий. Ҳолбуки, адекватлик, адекват аслият билан таржиманинг бир-бирига тенг бўлган «айнан» натижасидир.

*Адекват таржимада* аслият матнининг таржима матнга тенглашиши мазмунан, эстетик ва функционал жиҳатдан ўзгаришларсиз, қайта яратилган ва максимал тарзда таржима қилинган бўлади. *Адекватлик* тушунчаси аслият билан таржима ўртасига тенглик ишорасининг қўйилиш натижасидир, яъни таржимада икки матн бир-бири билан шаклан, мазмунан ва сўзма-сўз яқинликни ҳосил қилиб, матннинг прагматик, услубий жиҳатдан *айнан* кўринишига эга бўлади. Бундай таржимада айрим эркинликларга – қўшишлар ва йўқотишларга йўл қўйилмаслиги унинг асосий шартлардан биридир. Таржимашунос, лингвист, ва адабиётшунос олимлар эквивалент ва адекват таржима тушунчаларининг бир неча концепцияларини ишлаб чиққан бўлишларига қарамай, таржима назариясининг бу муҳим икки категориялари ҳануз илмий мунозаралар доирасида қолмоқда. Таниқли рус тилшуноси, профессор Лев Нелюбин эквивалентлик ва адекватлик атамаларини ўзи тузган «Таржимашунослик атамаларининг изоҳли луғати»га киритаркан, олимлар томонидан ишланган концепциялардан асосий фикрларни уйғунлаштириб, адекват ва эквивалент тушунчаларининг умумий таърифини бир неча вариантдаги изоҳларда келтиради. Ушбу таърифлардан бирида «адекватлик ўз моҳиятига кўра, уч компонентга эга» деб кўрсатади: 1) аслият мазмунини таржимада тўғри, аниқ, тўқис шакллантириш;

2) аслият тил бирликларининг тўғри етказилиши;  
3) таржима қилинаётган тилда дастлабки матн (аслият) тилининг муфассал қайта яратилиши»<sup>108</sup>дан иборатдир. Профессор Л.Нелюбин таъкидлаганидек, *эквивалентлик* – таржима ва аслият мазмунининг максимал даражадаги мувофиқлиги, тенглиги, ўзаро монандлигидир. Бизнингча, *эквивалент таржима* аслият мазмунининг эквивалентлик турларидан бирида қайта яратилишидир. Кўриниб турибдики, Л.Нелюбин таърифлаган адекватлик моҳияти эквивалентлик моҳияти билан умумий маънода уйғунлашиб кетади, яъни «аслият мазмунининг тўғри, аниқ, тўқис етказилиши» эквивалентликнинг «аслият мазмунининг таржимага максимал даражадаги мувофиқлиги»ни талаб этади. Таржимашунослик манбаларида эквивалентлик даражалари, турлари хусусида олимларнинг турлича изоҳ ва тавсифлари берилади. Мутахассислар қисман, тўлиқ, мутлақ ва нисбий эквивалентлик каби турларни фарқлайдилар. Чунончи, профессор Я.Ретскер «Таржима назарияси ва таржима амалиёти» («Теория перевода и переводческая практика») дарслигида «қисман ва тўлиқ» ёки «нисбий ва мутлақ» («частичный и полный», «относительный и абсолютный») эквивалент турлари тўғрисида маълумот бераркан, мутлақ ва тўлиқ эквивалентликни қуйидагича изоҳлайди: «Тўлиқ эквивалентлик – сўзнинг маъносига таржимада тўлиқ мос тушувчи сўзни қўллашдир» (Полными эквивалентами являются так, как охватывают полностью значение всего слова, а

<sup>108</sup> Нелюбин Л. Толковый словарь по переводоведению. Третье издание, переработанное. – М.: Флинта, Наука; 2003. – С.13, 253.

не одного из его значений)<sup>109</sup>. Я.Ретскер назариясида Л.Нелюбин таърифлаган аслият мазмунига максимал даражадаги мувофиқлик айнан мутлақ эквивалентлик шартлари билан мос келади. Худди шунингдек, адекватликда «аслият тил бирликларининг тўғри етказилиши»ни талаб этадиган шартлари қисман ёки нисбий эквивалентлик меъёрлари билан тенглаша олади. Чунки эквивалентликнинг қисман ёки нисбий категориялари аслиятнинг қайсидир атрибутларини (белгиларини), унсурларини муқобиллик даражасида таржимага яқинлаштира олса, *мутлақ* ва *тўлиқ* эквивалентлик, аксинча, аслиятнинг жами – жанрий, вазний, мазмуний, маъновий ва шаклий унсурларига тенг қийматда муқобиллаша олиши керак.

Ушбу тахминлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шеърий таржимада ижодий эркинлик фақат нисбий ва қисман эквивалентликда қўл келади. Икки тил системаси ва икки ижтимоий-маданий ҳаётнинг турли эканлиги боис, шеър вазни, шакли, оҳангдорлиги, миллийлиги, давр колорити каби назмий белгиларнинг барчасини бирдек сақлаб қолиш маълум тафовутлар туйғайли адекват – «айнан» ва мутлақ эквивалентлик таржимани акс эттирмаслиги табиий. Бундай вазиятда ҳар қандай шеърий таржима тартиб-қоидаларининг қатъий белгиланмаганини назарда тутиб, таржимон аслиятнинг қайсидир жиҳатларини ўзгартиришга мажбур. Аксарият ҳолатларда шеър шакли сақланади, бироқ маълум миқдорда мазмун ўзгартирилади ёки ак-

<sup>109</sup> Ретскер Я. Теория перевода и переводческая практика. Очерки лингвистической теории перевода (Наше наследие). – М.: Валент, 2007. – С.15.

синча, аслият мазмуний хусусиятлари тўлиқ эквивалентликка эга бўлиб, шаклий унсурларни қайта яратишда ижодий эркинликка ёндашилади. Чунончи, XX аср ўзбек шеърятининг таниқли таржимони, шоир Александр Наумов ижодида вазний трансформациянинг аслиятдан фарқланишини, шоира-таржимон Юлия Нейманнинг таржимонлик талқинларида эса шаклга содиқ қолиш мақсадида мазмунни ўзгартириш ҳолатлари кузатилади. Бунинг сабаби, бизнингча, поэтиклик табиатига хос бўлган хусусиятлар – вазн, қофия, хижо, туроқ, оҳангларнинг доминантлик (устуворлик) мавқеида тургани учун мутаржим асосий эътиборни аслият шаклини сақлаб қолишга интилишидандир. Масалан, Ойбекнинг «Лолалар» ва «Дўстим, ўй ўйла» шеърларининг русча таржималарини мисол келтириш мумкин:

*Қирларда лолалар гўёки машғал,  
Кутамен ҳар баҳор сизни, лолалар!  
Кўзлар изингизда ҳар баҳор, ҳар гал,  
Ёдингиз кўнгилда, тинмас нолалар...<sup>110</sup>*

**А.Наумов таржимаси:**

*Опять весна в холмы упала,  
И землю в зелень облекли,  
И вы мигнули мне, тюльпаны  
Как маленькие маяки<sup>111</sup>.*

<sup>110</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. II том. Шеърлар. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.274.

<sup>111</sup> Гафур Гулям. Айбек. Стихотворения. Переводы с узбекского. – М.: Детская литература, 1983. – С.158.



### **Ойбек:**

*Дўстим, ўй ўйла, эринма, ҳис қил,  
Хаёллар денгизи мисли хазина.  
Ҳақиқат дурига тўладир чин дил,  
Ижод эт, чекинма, ихтиро изла.<sup>112</sup>*

### **Ю.Нейман таржимаси:**

*Ни чувствовать, ни думать не ленись,  
Пускай, безбрежен океан познания,  
Прилежно изучай и даль и близ.  
Не в познаванье ль наше воздаянье?..<sup>113</sup>*

Берилган мисоллардан англаш мумкинки, шеър таржимасига адекватликдан кўра асосан эквивалентликнинг тўлиқ тури мос келмоқда. Чунки «қисман ёки тўлиқ», «нисбий ёки мутлақ» (Я.Ретскер), айрим ҳолларда «формал ёки динамик» (Ю.Найда) каби эквивалентлик турларидан бирида ёндашиш айнан шеър таржимасига хосдир.

Биз юқорида адекватлик моҳияти эквивалентлик моҳияти билан умумий маънода уйғунлашиб кетади, деб таъкидлаган эдик. Назаримизда, шу сабабли айрим таржимашунос мутахассислар эквивалентлик ва адекватликни икки мустақил атама сифатида изоҳласалар, (А.Швейсер, Я.Ретскер, Н.Гарбовский) яна бир гуруҳ таржимашунослар эквивалентлик ва адекватликни

<sup>112</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. II том. Шеърлар. – Тошкент: Фан, 1975. – Б 300.

<sup>113</sup> Айбек. Мой голос. Собрание сочинений. Том пятый. Стихотворения и поэмы. – Тошкент: Литература и искусство, 1987. – С.94.

бир-бирдан жиддий фарқ қилмайдиган бир-бирига синоним атамалар сифатида қабул қиладилар (В.Виноградов, Ж.Кетфорд, Л.С.Бархударов, И.Алексеева, Р.Левитский). Жумладан, рус тилшунос олими В.Виноградов *эквивалентликни* – тенг баҳоли, *адекватликни* – бирхиллик, яъни тўлиқ мувофиқлик маъноларида қўллагани ва булар бир-бири билан муайян даражада фарқланмагани сабабли эквивалентлик билан адекватлик атамаларини бир категорияга мансуб бўлган икки номдаги тушунча деб қабул қилади. Олим бадий асарга, хусусан, шеърий таржимага адекват ёндашувда имкон қадар аслиятни таржима билан яқинлаштиришни маъқул деб ҳисоблайди. Шу билан бирга В.Виноградовнинг фикрича, шеърий таржима аслиятнинг мукамал идентификацияси даражасида баҳолана олмайди, чунки шеърий асарда вертикал контекст турлари бўлган – аллюзия, реалия, рамзлар эквивалентлик таржима савиясини туширади. Шу боис адекватлик ва эквивалентликка нисбий ҳодиса сифатида қараб, бундай нисбийликнинг бир неча даражаларини кўрсатиб беради<sup>114</sup>.

Давр ижтимоий-сиёсий шароитларининг ривожланиб, ўзгариб туриши таржимашунослик илмида ҳам янгича қарашларнинг пайдо бўлишига таъсир этмай қолмади. Америкалик олим Юджин Найда<sup>115</sup> формал ва динамик эквивалентлик концепциясида динамик экви-

<sup>114</sup> Виноградов В. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – М.: Издательство института общего и среднего образования РАО, 2001. – С.53.

<sup>115</sup> Найда Ю. К. Науке переводить // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М., 1983. – С.114.

валентликнинг шартларини аслият билан таржима матнларини чоғиштириш йўли билан аниқламасдан, балки аслиятни она тилида қабул қилувчининг реакциясини худди шу матннинг таржима тилида қабул қилувчининг реакцияси билан чоғиштириш орқали аниқламоқ керак, деган фикрни ўртага ташилади. Унинг фикрича, агар ушбу реакциялар интеллектуал (закий) ва эмоционал (руҳий) планда бир-бирига мос тушса, демак, таржима эквивалентлиги юзага келади. Лингвистика томонидан қаралган бу нуқтаи назарда эквивалентликнинг умумий қондаси келтирилса-да, ўз ўрнида ушбу қонда адекватликка ҳам тааллуқли эканидан далолат беради. Олимнинг таъкидлашича, бадий асар спецификасига хос бўлган сўз ўйинлари, идиомастик бирликлар адекватликка мутлақо бўйсунмайди. Я.Ретскер монографияси-да таъкидланганидек, «адекватлик критериясида аслиятда мавжуд воситаларнинг тенглиги айнан таржима натижасини бермаган ҳолатда воқеликнинг маълум бир қисмигагина мувофиқ учраши билан аслиятнинг максимал даражадаги яқинлигини таъминлаши назарда тутилади. Юқори савияда маҳорат даражасида қилинган таржима таҳлили унинг тенглик даражасини кўрсатади<sup>116</sup>.

Таржимага доир фикрларни ҳамиша мутлақлаштириб бўлмайди, чунки ҳар қандай таржима асарининг таҳлил натижаси ўлароқ фикрлар ўзгариши содир бўлиши мумкин. Таржима танқиди филологиянинг бошқа соҳаларидан шу жиҳати билан ҳам фарқ қилади. Фик-

<sup>116</sup> Ретскер Я. Теория перевода и переводческая практика. Очерки лингвистической теории перевода (Наше наследие). – М.: Валент, 2007. – С.16.

римиз далили сифатида Н.Тихоновнинг таржимонлик фаолиятида, хусусан, Ойбекнинг «Чимён дафтари» туркумига мансуб «Наъматак», «Хайр, Чимён!» шеърлари таржимасида учрайдиган адекват ва тўлиқ эквивалентли ёндашувнинг функционал кўринишларини мисол келтириш мумкин. Реалистик таржима анъаналари 50-йиллардан бошланган бўлса-да, айрим шеърларнинг ўттизинчи йилларданоқ адекват таржималари мавжуд эди. «Биринчи қор», «Хайр, Чимён!», «Ёр кўзларининг...», «Наъматак» каби шеърларни мисол келтириш мумкин.

«Наъматак» бадий латофати уфуриб турган бетакрор лирик шеър намуналаридан бири сифатида XX аср ўзбек шеъриятида ўрнига эга. Ушбу шеърнинг ғоявий мақсадида гўзалликнинг эзгулик яратишга қодир эканини англатувчи бадий ният мужассам. Шоир бадий ниятини мужассамлантиришга хизмат қилувчи тасвирий-ифодавий воситалар, сўз ўйинлари унинг рус тилидаги таржимасида ҳам нафақат фикр билан фикрнинг, жумла билан жумланинг ва шакл билан шаклнинг, шунингдек, қофия тартиби, шеър оҳангдорлигида ҳам Ойбекни айнан такрорлайди. Агар нисбий эквивалентлик матн шакли ёки мазмунини «айнан»лаштириш мақсадида иш кўрадиган бўлса, унда матнга динамик ёки формал яқинлашиш талаб этилади. Адекватликда ва тўлиқ эквивалентликда ҳар иккиси ҳам аслият билан «айнан»лаштирилади. Н.Тихонов «Наъматак» шеъри таржимасида формал, ҳам динамик кўринишда ана шу айнанликни қайта тиклай олган. Таржимон ижодида

формализм шакли аслиятнинг грамматик ва услуб хусусиятлари қандайдир нусха олиш билан эмас, балки муаллиф тили ва услуб хусусиятларини ўзбек тилининг табиати ва табиий имкониятлари даражасида акс эттира олганлик маҳоратидан келиб чиқади:

*Нафис чайқалади бир туп наъматак,  
Юксакда, шамолнинг беланчагида,  
Куюшга кўтариб бир сават оқ гул!  
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида -  
Нафис чайқалади бир туп наъматак...<sup>117</sup>  
Чудно качается куст Наъматака  
Там, наверху в ветровой колыбели,  
Солнцу – корзина цветов белоснежных.  
Гордо над краем утесистой щели  
Чудно качается куст Наъматака...<sup>118</sup>*

Н.Тихонов ва Ойбек шоир, ёзувчи, таржимон, адабиётшунос бўлиб фаолият юргизишган. Улар бир-бири билан ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳозиржавоб публицист, ғоявий қарашлари ўзаро монанд ҳам эди. Бир адабий, сиёсий муҳитда ижод қилган бўлсалар-да, ҳис-туйғуларини шеърый сатрларга кўчиришда ҳар икки ижодкор ҳам моҳир эканлиги маълум. Ойбекнинг ўзи ҳам таржимон бўлгани боис, яқин дўсти Н.Тихоновнинг «Наъматак» шеърини русчага ўгирганидан, таржима

<sup>117</sup> Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик. Биринчи том. Шеърлар, поэмалар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1957. – Б.182.

<sup>118</sup> Гафур Гулям. Айбек, Хамид Алимджан. Стихотворения и поэмы. Большая серия. – Л., 1980. – С.285.

тилидан кўнгли тўлган ва ижобий баҳолагани ҳақида хотира ёзган.<sup>119</sup> Умуман, Н.Тихонов таржимонлик фаолиятида Ойбекнинг «Хайр Чимён!», «Илк қор», «Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт» каби лирик шеърлари мукамал таржималар сифатида баҳоланиши мумкин. Ушбу шеър таржималари эквивалентлик ва адекватлик талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис, даврлар ўтса ҳам, ушбу шеърларнинг юқоридаги муқобил таржималари бошқа мутаржимлар томонидан ўгирилишга эҳтиёж сезмайди. Чунончи, «Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт» шеърини таржима билан солиштирганимизда шеърнинг муаллифи Ойбек таржимони Н.Тихонов, ёки аксинча, шеърни ёзган Н.Тихонов, уни таржима қилган Ойбекми деган савол туғилиши табиий. Чунки шеър таржимаси билан фавқулудда ўхшаш ҳолатда талқин этилиши Ғ.Саломов таъкидлаганидек, «мўжиза»га ўхшайди:

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!

**Милой глаза, что влекут так безудержно,**

*(Яъни: Бетиним жазб этган ёр кўзларининг)*

Кўк гулшани дурлар каби порлайди бу оқшом.

**Неба вечерний цветник – словно жемчужина**

**краса,**

*(Яъни: Кўк гулшандир – гўё дурлардек чиройли)*

---

<sup>119</sup> Бу ҳақда қаранг: Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.19.

Ҳар тоғда ва қирда ётар нозли бир ором,  
На равнинах, в горах всё нежнее покой, всё  
укромней,  
(Яъни: Қирларда, тоғларда нозли, хилватли ором)

Дунёдаги кўзлар аро шаҳлосини ёд эт<sup>120</sup>.  
Среди глаза всего мира вспомни милой глаза<sup>121</sup>.  
(Яъни: Дунёдаги кўзлар аро ёр кўзларини ёд эт).

Кўринадики, тўлиқ муқобиллик даражаси шеърий  
таржимада ўзини тамоман оқлайди.

---

<sup>120</sup> Айбек. Танланган асарлар. Турт томлик. Биринчи том. Шеърлар, поэмалар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1957. – Б.184.

<sup>121</sup> Гафур Гулям. Айбек, Хамид Алимджан. Стихотворения и поэмы. Большая серия. – Л., 1980. – С.307

## «САДДИ ИСКАНДАРИЙ» (НАВОИЙ) ВА «ИСКАНДАРНОМА» (НИЗОМИЙ) ДЕБОЧАЛАРИ<sup>122</sup>

Мавзу ва фаслда қўйилган илмий муаммо нуқтаи назаридан икки дoston дебочаларини тўла қиёслаш мумкин. Бироқ бадиий маҳорат ва ижодий индивидуаллик ҳодисаларини аниқроқ тасаввур этиш учун қиёсланаётган объектларда адекватлик ва типологик жиҳатларнинг бўлиши кўпроқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳар икки дostonнинг дастлабки тўрт боби бу жиҳатдан тўла талабга жавоб беради, шу боис биз асосий эътиборни мазкур бобларга қаратамиз.

Низомий «Искандарнома»си дебочасида кириш ва асосий боб ёки тасвир ва бош мавзу ўртасидаги уйғунлик Навоийда бўлгани каби кучли эмас. Низомий сарлавҳалари қисқа ва асосий мазмунни ифодалашга қаратилган, уларда қофия, ритм ва образлилик йўқ. Навоий эса катта меҳнат ва маҳорат билан кичик бир сарлавҳани ўша боб мазмунига ҳам, бутун асардан кўзланган мақсад ва мавзуга ҳам мувофиқлаштиришга интилади.

Адабий компаративистиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган **тематология** нуқтаи назаридан хамсанавислик доирасида яратилган искандарномаларнинг мавзулари ҳам эътиборга молик. Гарчи искандарномаларнинг мавзулари генезисига кўра қаҳрамонлик мавзуларига тааллуқли бўлса-да, вақт ўтиши билан муаллифларнинг оригиналликка интилиши фақат асар номининг эмас, мавзунинг ҳам ўзига хослик касб этишига олиб келган. Фирдавсийнинг «Искандар-

<sup>122</sup> Исмоилов И.А. Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonининг қиёсий таҳлили. - Тошкент, 2019



нома»си қаҳрамонлик мавзусида, Низомий «Искандарнома»си ҳам кўпроқ жангнома характериға эға, лекин унда мавзу таркибига лирик, ахлоқий-маънавий руҳ ҳам қўшилган. Хусравнинг «Ойнайи Искандарий»си қисман жангнома, кўпроқ ахлоқий-дидактик йўналишға мансуб. Жомийнинг «Хирадномайи Искандарий»си эса жангномалик хусусиятини бутунлай йўқотиб, соф дидактик характер касб этган. Навоий қўйган ном ҳам асар мавзусини бирор предмет ёки мотивға алоқадордек кўрсатса-да, мазмунан қаҳрамонлик ва ахлоқий-маърифий жиҳат тенглик касб этган. Шу тарзда, номлардаги турфалик мавзулардаги ўзгаришларни акс эттириб борган. Бундай ўзига хосликни фотиҳа байтлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Шарқда яратилган искандарномаларда бароати истиҳлол борасида ўзига хос анъана мавжуд, уларнинг аксарияти деярли бир хил байт билан бошланади.

*Фирдавсийда:* Бар он офарин, к-ў жаҳон офарид,  
Замин-у, замон-у макон офарид.

*Низомийда:* Худоё, жаҳонподшой турост,  
Зи мо хидмат ояд, худой турост.

*Амир Хусравда:* Жаҳонподшохо, худойи турост,  
Азал то абад подшойи турост.

*Жомийда:* Илоҳи, камоли илоҳи турост,  
Жамоли жаҳон подшоҳи турост.

*Навоийда:* Худоё, мусаллам худолик санга,  
Биров шаҳки, даъби гадолик санга.

*Абдибек Шерозийда:* Жаҳонофарино, илоҳи турост,  
Ба мулки жаҳон подшоҳи турост.

Е.Е.Бертельс ўз вақтида мазкур анъанага эътибор қаратиб, Низомий, Хусрав, Жомий ва Навоий байтларини ўзаро қиёслаган ва муаллифлар ўртасидаги фарқни кўпроқ ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлаб асослашга ҳаракат қилган эди.

Фақат хамсанавислик анъанасида яратилган исқандарномаларда эмас, бу тоифага кирмайдиганларида ҳам дебочалар анъанавий характерга эга. Низомий ва Навоий дostonлари анъанавий ҳамд билан бошланади. Эпик ҳамдлар кўламдорлик, вазмин ифода, образлар тизими билан лирик ҳамдлардан фарқланади. Тавҳиднинг бадий функцияси Низомий ва Навоийга қадар тайин бўлиб улгурган, шу боис бундай боблар бир мақсаднинг икки ижодкор томонидан қандай ифодаланиши, ижодий индивидуалликни кузатиш учун жуда қулай вазият ҳисобланади.

Навоий дostonидаги муножотда аниқ воқеавийлик бўлмаса-да, бирор назарий фикр ёки асос, унинг амалий исботи каби қисмлар, улар ўртасида ички боғланиш мавжуд. Мана шу изчиллик, аввало, ижодкор фикрларининг таъсирли чиқишига хизмат қилган. Низомий дostonидаги муножотда эса мазкур хусусият у қадар сезилмайди, унинг тасвирлари бир хил оҳанг ва бир хил мазмунда. Навоий каби фикрга турли асослар келтирмайди, у биргина «яхши ёки ёмон бўлсам ҳам, сенинг тақдиринг туфайли» деган асосни таъкидлайди. Навоий эса қўшимча тарзда банд гуноҳларининг кечирилишига акобирлар фикри, Ҳорун ҳақидаги ривоят ва бошқа мантиқий асослар кўрсатади. Бунга сабаб умидворлик

туйғусига урғу бериш эди, яъни Навоий муножотида Низомийдан фарқли ўлароқ умидворлик устувор. Навоий ўз гуноҳларини умумий қайд этиб қолмай, конкрет мисоллар келтиради, ўзини кўпроқ маломат қилади. У бобдаги бутун тасвири Аллоҳнинг карим сифати атрофида бирлаштиради, ҳатто сарлавҳани ҳам шу нуқтага туташтиради. «Акрамул-Акрамин» иборасининг турли маъноларини шарҳлаб, мантиқий хулосалар чиқаради. Низомий муножотида эса ҳидоят сўраш етакчи. У Тангрининг бирор сифати, масалан, карим ёки раҳим сифатларига алоҳида эътибор қаратган эмас, балки тўғридан-тўғри Аллоҳга мурожаат қилиш, унинг қудрати ҳақида сўзлашга интилади. Низомийда ҳам охирги байт икки бобни ўзаро уйғунлаштиришга хизмат қилган.

Қиёслар пайғамбар ҳақиқати борасида Низомий ва Навоийнинг дунёқараши яқин эканини кўрсатади:

Низомий	Навоий
Фикрлар кўпроқ бадийй йўсинда акс этган	Фикрлар нисбатан очиқ, ҳатто, Одам ва ундан кейинги пайғамбарларнинг Муҳаммад (а.с.)га нисбатан мавқеи аниқ қайд этилади.
Пайғамбарнинг ислом ривожига кўрсатган жасоратлари ва улуғ зот экани, ша-	Илоҳий мўъжизалар хусусида сўзлаган бўлса-да, кўпроқ пайғамбарнинг ян-

<p>рафини таъкидлашга кўп эътибор қаратган. Фикрларини асослаш учун пайғамбар мўжизалари, хусусан, «шаққал-қамар» воқеаси, пайғамбарнинг ҳарбий ҳаракатлари хусусида тўхталади.</p>	<p>ги шариат барпо этгани ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритади.</p>
<p>Наътда Навоийда кузатилган Муҳаммад (а.с.) зоти тасвиридан то унга Қуръон нозил бўлгунга қадар вақтнинг сабаб-оқибат тарзидаги ифодаси йўқ.</p>	<p>Тартиб орқали тушунарлилик, бадий тасвирдаги тизимлиликни таъминлашдан ташқари, коинотнинг яратилиши ҳам муайян тартибга эга экани, жумладан, Муҳаммад (а.с.) ана ўша жараёнда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб беришга муваффақ бўлган.</p>

Низомий ва Навоийнинг меърож борасидаги қарашлари жуда уйғун, лекин Навоий бу бобда ҳам ўз ижодий принципига мувофиқ янги йўлдан юришга интилган.

Ҳар икки ижодкор пайғамбарнинг Тангри ҳузуридан қайтиши тасвирида ҳам ўзига хослик кўрсатган. Навоий Муҳаммад (а.с.)нинг бир дамлик сафардан буюк ҳиммати билан уммати муродини ҳосил қилиб қайтганига диққатни қаратса, Низомий меърож воқеасидан сўнг чориёрларга сано айтади. Низомийнинг бу тасвирлари дебочанавислик анъанасига мувофиқ, чунки Шарқ

дебочаларида маноқиб доимий таркибий қисм саналган.

Алишер Навоийнинг бадий маҳорати, кашфиётлари моҳиятини тўғри ва тўла кўрсатиш учун у таянган манбалар билан атрофлича танишиш, улар орасидаги боғланишлар хусусиятини таҳлил қилиш зарур. Бу маълум фактнинг сараланишидан бошлаб, шаклланиши, бадий тасвири ва талқинига қадар бўлган ораликда ижодкорларнинг индивидуаллигини аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Хамсанавислик доирасидаги искандарномалар Шарқда яратилган Искандар қиссаларининг олтин ҳалқаси. Улар қадимги даврдан муаллиф даврига қадар бўлган фольклор, диний-тарихий, адабий-фалсафий мероснинг энциклопедик умумлашмаси ва ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Навоий «Садди Искандарий»да ҳам дебочани асар мазмунига мувофиқлаштириш принципига амал қилади. Ҳар икки дostonдаги **тавҳид**, **муножот**, **тавсиф наът**, **меърож наът** каби боблар анъанавий бўлгани учун умумийликка эга. Қолган боблар мақсади, мазмунига кўра фарқланади, тафовутларнинг юзага келиши даврлар ўтиши билан ҳам изоҳланади.

Низомий дебочаси бобларини боғлаб турувчи «кетма-кетлик», Навоий дебочасида «узвийлик» даражасига кўтарилган ва кириш боб ўзига хос композицияга айланган. Навоийнинг тафаккур тарзи ва тасвир услубига хос системали ёндашув дебочадаги боблар тартиби ва тасвирида аниқ намоён бўлади.

Навоий тасвир услубига муайян фикрни турлича поэтик ифодаларда тасвирлаш – поэтик вариация ҳодисаси ҳам хос. Навоий тасвиридаги поэтик вариация табақаланиш хусусиятига ҳам эга, яъни уларнинг баъзилари мураккаб бўлса, баъзилари содда характер касб этади, поэтик вариациянинг хилма-хиллиги исталган савиядаги китобхонга ижодкор фикрининг етиб боришига замин бўлган.

### **АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ОЗАРБОЙЖОН АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ<sup>123</sup>**

Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодини ўрганиш қарийб олти юз йиллик тарихга эга бўлиб, бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида навоийшуносликка доир кўплаб дурдона асарлар яратилди ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир илмий-ижодий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни юқори баҳоланди.

Ўзбек-озарбойжон адабий алоқалари, Алишер Навоий шеърини, шоир ижодининг озарбойжон мумтоз адабиётига таъсири ва адабий меросининг Озарбойжонда ўрганилиши каби масалалар Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Рустамов, М.Муҳиддинов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, Р.Воҳидов, М.Ҳакимов, И.Ҳаққулов, А.Абдуқодиров, М.Акбарова, Н.Бозорова,

<sup>123</sup> Султанов Т. Алишер Навоий ва Озарбойжон адабиёти: тарихий аҳдида, аълоқалар, ворисийлик (Книшарий ва Солжий асарлари мислида) – Тошкент, 2019.

К.Муллахўжаева, М.Шарипов каби олимларнинг илмий асар ҳамда мақолаларида ўз аксини топган.

Муштарак тил, маданият ва анъаналарга эга бўлган ўзбек ва озарбойжон халқлари орасидаги тарих узок ўтмишга бориб тақаладиган адабий алоқалар XV асрда Алишер Навоий туфайли юксак чўққига чиқди. Низомий Ганжавий, Имодиндин Насимий, Ашраф Мароғий, Қосим Анвор каби озарбойжон шоирларининг асарларидан баҳраманд бўлган Навоий ўз давридан бошлаб ҳозирга қадар Кишварий, Хатойий, Фузулий, Раҳматий, Содикий, Амоний, Зафар, Соиб, Қўвсий ва бошқа кўплаб озар шоирларининг ижо-дига таъсир кўрсатди. Ўзбек шоири ижодиётидаги инсонпарварлик, чуқур маъно, юксак санъаткорлик маҳорати асарларининг улкан жўғрофияда – бутун Туркистондан ташқари Озарбойжон, эрон, Туркия ва ҳатто Ҳиндистонда ҳам ёйилишига сабаб бўлди. Навоийшунос олим Порсо Шамсиевнинг таъкидлашича, Навоий кўлёмаларининг дунёга тарқалишида Абдулжамил ва Султонали Машҳадий каби хаттотлар муҳим ўрин тутган.

Кўпчилик манбаларга асосланган ҳолда шуни айта оламизки, Низомий мероси Ўзбекистонда Навоий даврига қадар ҳам кенг ёйилган, севиб ўқилган эди. Алишер Навоий озар шоири Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж» асаридан бадий таъсирланган ҳолда туркий тилда «Хамса» асарини ёзган бўлса, Озарбойжонда Неъматуллох Кишварий, Муҳаммад Фузулий, Содикбек Афшор Содикий, Аҳдий Бағдодий ва бошқа машҳур ижодкорлар Навоий асарларидан илҳомланиб назира, тахмис, тазкира ҳамда дostonлар яратишди.

Навоий ижодининг озарбойжон адабиётига таъсирини кўрсатувчи энг муҳим манбалардан бири чиғатой луғатларидир. Бундай луғатларнинг аксарияти эрон ва Озарбойжонда ёзилгани эътиборни тортади. Муаллифлар орасида фақат Фазлуллоҳхон ва Муҳаммад Яъқуб Чингий ҳиндистонликдир. Мазкур луғатларнинг Ҳиндистонда яратилиши Навоий асарлари таъсир даражасини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу асарлардан «Бадоеъ ул-луғат» чиғатой тилининг энг эски луғатларидан биридир. Ироқ шеvasи ва озарбойжон тили хусусида сўз юритилгани луғатнинг оригиналлигини белгилайди.

Яна бир муҳим луғат «Санглоҳ»да озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулий ижодидан намуналар келтирилган.

XVI асрда Сафавийлар ҳукумат тепасига келишди. Озарбойжон адабиётининг олтин даври ҳисобланадиган мазкур асрнинг энг таниқли шоирлари Хатойий (Шоҳ Исмоил) ва Фузулийдир. Хатойий(1486–1524) Фузулий ва Соибдан олдин Навоий йўлидан бориб, ўз асарларини она тилида ёзиш орқали озарбойжон адабий тилининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Унинг девонидан ташқари, «Даҳнома», «Насиҳатнома» номли дostonлари ҳам содда, халққа тушунарли тилда ёзилгани билан ажралиб туради.

Хатойий ижодида Навоий шеърларига ўхшаш жиҳатлар кўп. У ҳам Навоий каби инсоннинг мавжудлигини куйлаш, унинг самимий, реал ва ҳаётий муҳаббатини улуғлаш, ҳаётдан завқланиш, умрдан унумли фой-



даланиш ғояларини илгари сурган. Жумладан, унинг «Гэлмәди» («Келмади») радифли ғазали вазн, радиф ва услуб жиҳатдан Навоийнинг машҳур «Келмади» радифли ғазалини эслатади:

**Алишер Навоий:**

*Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрӯ келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

**Исмоил Хатойий:**

*Дәмбәдам ёл гёзларам, ол севги ярим гэлмәди,  
Қалмишам қуз мөҳнәтиндә, новбаҳарим гэлмәди.*

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Озарбойжонда яшаган машҳур шоир, моҳир носир, манбашунос олим, хаттот ва миниатюрachi расом Содиқбек Афшор Содиқий ҳам Алишер Навоий ғазаларидан илҳомланиб назиралар, шунингдек, «Мажолис ун-нафоис» асари таъсирида «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасини ёзган. Содиқийнинг «Шеърлар» асаридаги 40 та озарбойжонча ғазални Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» куллиётидаги 2600 та ўзбекча ғазал билан мазмун, шакл ва услуб жиҳатдан таққослаганимизда, Содиқбек Афшорнинг Навоий ғазалларидан адабий таъсирланган ҳолда 21 та назира ёзгани аниқланди.

Алишер Навоий асарларининг озарбойжон шоирлари ижодига таъсири натижасида озарбойжон мумтоз адабиётида бебаҳо асарлар юзага келди ва «олтин давр» бошланди. Алишер Навоийнинг озарбойжон ада-

биётига таъсири ва адабий мероси-нинг ўрганилиши, ғазалларининг Неъматуллоҳ Қишварий ижодига таъсири ҳамда Содикбек Афшор Содикий ижодида Алишер Навоий анъаналари масалалари ўзбек ва озарбойжон адабиётшунослиги учун муҳим тадқиқот майдони бўлиб қолаверади.

### ***Назорат саволлари:***

1. Ўзбекистондаги қиёсий тадқиқотлар истиқболи ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

2. Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш қандай самара беради?

3. Абдулла Қаҳҳор ва Жек Лондон асарларидаги умумий ва ўзига хос томонлар нималардан иборат?

4. Намуна сифатида берилган қиёсий тадқиқотлардан бирини қиёсий таҳлил мезонлари бўйича ўрганиб чиқинг ва баҳо беринг.

## МУСТАҚИЛ ИЗЛАНИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ойбек ва Пушкин ижодида пейзаж тасвири.
2. А.П.Чехов ва А.Қахҳор ҳикояларида фалсафийлик.
3. Шарқ ва Ғарб адабиётидаги анъанавий образлар.
4. Ўзбек романларида антик образлар.
5. Абадий мавзулар ва уларнинг қиёсий талқини.
6. Жаҳон адабиётида беғубор болалик мавзуси.
7. Жаҳон драматургиясида сиғиниш мотиви.
8. Шарқ шеъриятида қиш образи.
9. Ғарб шеъриятида баҳор образи.
10. Ғафур Ғулом ва жаҳон адабиёти.
11. И.В.Гёте ижодида Қуръоний мотивлар.
12. Ф.Достоевский ва У.Ҳамдам ижоди.
13. Немис адабиётида шарқона мотивлар.
14. Шарқ адабиётида Ғарб цивилизацияси.
15. Ихтиро – жаҳон адабиёти контекстида.
16. Ўзбек ва рус реалистик романлари.
17. А.Н.Толстой асарларида Қуръоний мавзулар.
18. Жаҳон адабиётида жиноят ва жазо мотиви.
19. Жаҳон адабиётида хиёнат мотиви.
20. Ғазал жанрида аксиома.
21. Жаҳон шеъриятида соғиниш мотиви.
22. Ўзбек ҳикояларида миллий ғурур.
23. Антик давр драмаларида фожеа эстетик категория сифатида.
24. Навоий ва Огаҳий ижодида мифологик мотивлар.
25. Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида поэтик муштараклик.

26. Шарқ ва Ғарб адабиётида донишманд образи.
27. М.Лермонтов ва М.Юсуф поэзиясида афсусланиш мотиви.
28. Шукур Холмирзаевнинг “Ёзувчи” ва Сомерсет Моэмнинг “Шоир” асарларидаги универсалиялар.
29. Достоевский ва Шатобриан: анъана ва маҳорат.
30. Жаҳон адабиётида идеал шоҳ образи.
31. Фолклор мотивларининг ёзма адабиётдаги трансформацияси.
32. Носир Зоҳид ва Виктория Швабнинг «Қасос» романлари.
33. Бир хил номдаги асарлар компаративистикаси.
34. Ўзбек ва япон прозасида бахт мотиви.
35. Рус ёзувчисининг туркий олами.
36. Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик ижодида диний мотивлар.
37. Жаҳон адабиётида сайёр архетиплар.
38. Жаҳон адабиётида макр ва муҳаббат мотиви.
39. Ўзбек ва жаҳон адабиётида универсалиялар.
40. Афғон ёзувчиси Раҳнавард Зарёбнинг “Журнал муҳаррири” ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғизим-сиз” асарларидаги универсалиялар.

## КОМПАРАТИВИСТ ОЛИМЛАР

Қиёсий адабиётшунослик йўналишида илмий иш олиб боришни мақсад қилган тадқиқотчи, албатта, компаративист олимлар ва уларнинг илмий-назарий хулосалари, қиёсий адабиётшунослик ривожига қўшган ҳиссасини билиши керак. Шу мақсадда дунёга машҳур компаративистлар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

**И.Г.Хердер (1744–1803)** мутафаккир, шоир ва ёзувчи, таржимон, қиёсий адабиётшунослик борасида илк назарий фикрлар билдирган немис олими. Ўзининг «Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар» (1784) асарида биринчилардан бўлиб барча европа халқлари учун умумий бўлган, ягона маданий тарихий жараённинг бирлиги ғоясини илгари суради. «Немис адабиётидан лавҳалар» китобидан эса бу фикрни мантиқан давом эттириб, барча европа халқлари учун умумий бўлган адабий ҳодисалар, анъаналар каби масалаларни ёритади. «Халқ кўшиқлари» антологиясида (1778–1779) бадий адабиётда фольклорнинг ўрни ва европа халқлари учун муштарак томонлари ҳақида сўз юритади.

**И.В.Гёте (1749–1832)** шоир, таржимон, қомусий олим, И.Г.Хердернинг муштарак маданий жиҳатлар ҳақидаги назариясини давом эттириб, фанга «жаҳон адабиёти» атамасини олиб кирган. Машҳур «Фауст», «Ғарб-у Шарқ девони» ва кўпгина бошқа асарлар муаллифи. Айниқса, унинг «Ғарбу Шарқ девони» қиёсий методологияга асосланиб ёзилган асар бўлиб, унда Ғарб

ва Шарқ – жаҳон адабиётини ташкил қилувчи икки буюк қоя экани исботлаб берилган. Шунингдек, Ғарб ва Шарқ доимий адабий алоқада экани, улар орасида умумий адабий қонуниятлар мавжудлиги очиб берилган.

**Т.Бенфей (1809–1881)** немис олими, санскритолог, қиёсий адабиётшунослик назарийчиси. У фан оламида биринчи бўлиб «сюжетлар миграцияси», яъни сюжетларнинг жаҳон адабиёти бўйлаб кўчиб юриш назариясини яратган. Олим қадим санскрит асари бўлган «Панчатантра»ни таржима ва тадқиқ қила туриб, ундаги сюжетлар кўчиб юрувчи сюжетлар эканини, турли халқлар фольклорида учрашини қиёслаш методи орқали исботлаб берган. Т.Бенфей фан оламида биринчи бўлиб, «Orient und Occident» («Шарқ ва Ғарб») журнаliga асос солган. Бу журналда дастлабки қиёсий тадқиқотлар ўз аксини топган. Бугунги кунда олим асос солган «сюжетлар миграцияси» назарияси асосида бир қанча илмий лойиҳалар бажарилмоқда<sup>124</sup>.

**А.А.Потебня (1835–1891)** – биринчи бўлиб назарий поэтика асосларини ишлаб чиққан олим, тилшунос, файласуф, таржимон. У ўзининг «Назарий поэтика» асарида фан тарихида биринчилардан бўлиб поэзия ва проза, бадий тасвир воситалари, поэтик ва мифологик тафаккур, стилистик фигуралар ҳақида илмий назарий хулосаларини баён қилган. Унинг адабиётшуносликка доир айрим изланишлари кейинчалик адабиётшунос М.Бахтин томонидан давом эттирилган.

---

<sup>124</sup> Вечные сюжеты и образы в литературе и искусстве русского модернизма // mo-dernista.moscow.

**Г.М.Брандес (1842–1927)** – даниялик адабиётшунос олим, публицист, кўпгина илмий асарлар муаллифи. «XIX аср Европа адабиётида асосий йўналишлар» номли китобида биринчи бўлиб айтилган ҳақиқатни, яъни бир халқнинг даҳоси, иккинчи бир халқ даҳосига эҳтиёж сезади ва бу эҳтиёж унга катта куч, ғайрат бағишлайди деган фикрни илгари суради. Унинг илмий асарлари асосан жаҳон адабиётининг буюк даҳолари ижоди таҳлилига бағишланади.

**Х.Г.Гадамер (1900–2002)** – немис файласуфи ва адабиётшуноси. Герменевтика – талқин санъати назарияси асосчиси. «Ҳақиқат ва метод», «Гўзалликнинг долзарблиги» каби асарлар муаллифи. Унинг асарлари қиёсий адабиётшуносликда таржима ва талқин, таҳлил ва талқин каби масалаларга асос бўлиб хизмат қилади.

**Курт Вайс (XX аср)** – немис компаративист олими, Тюбинген университети профессори. Қиёсий адабиётшунослик бўйича яратилган «Европа халқларининг замонавий адабиёти» (1939), «Қиёсий адабиётшуносликда тадқиқотчилик муаммолари» (1948) каби жамоавий илмий асарларнинг ташаббускори бўлган.

**Д.Дюришин (1928–1997)** – қиёсий адабиётшунослик назарияси тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган словак олими, адабиётни типологик жиҳатдан ўрганиш йўналишининг жаҳондаги энг йирик мутахассисидир. Олимнинг «Словак реалистик ҳикоячиси ва Н.В.Гогол» (1966), «Адабий компаративистика муаммолари» (1967), «Адабий компаративистика тарихи ва назариясидан» (1970), «Адабиётни қиёсий ўрганиш» (1972), «Адабий

компаративистик назария» (1975), «Словак адабий компаравистикаси тарихи» (1979), «Словак адабий компаравистикаси библиографияси» (1980) каби бир неча китоблари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Д.Дюришиннинг «Адабиётни қиёсий ўрганиш назарияси» асарида жаҳон адабиётшунослигида қиёсий таҳлил методининг пайдо бўлиши, шаклланиши ёритилган. У типологик таҳлил адабиётшунослик учун муҳим масалаларидан бири эканини кўрсатади ва унинг вазифасини адабий таъсирнинг типологик ва генетик (адабий асарлар, ёзувчиларнинг ижодий мероси, адабий мактаблар, жанрлар, услублар шаклланиши ва бошқалар) моҳиятини аниқлаш, уларнинг ички қонуниятларини очишдан иборат деб белгилайди.

**А.Дима (XX аср)** – румин адабиётшуноси, академик, қиёсий адабиётшунослик халқаро ассотсиациясининг аъзоси. Унинг машҳур «Қиёсий адабиётшунослик таъмоиллари» монографиясида жаҳон компаративистикасининг тадрижий тараққиёти, румин қиёсий адабиётшунослиги, халқаро адабий алоқаларнинг турлари ва шакллари, компаративистиканинг назарий ва амалий аҳамияти каби бир қатор масалалар ёритилган. Олим халқаро адабий алоқаларнинг турлари ҳақида ёзар экан, генетик жиҳатдан яқин бўлмаган, ижтимоий ва тарихий жиҳатдан узоқ халқлар адабиётида ҳам типологик ўхшашликлар бўлиши мумкинлигини исботлайди<sup>125</sup>. А.Дима яратган назария турли халқлар адабиётида ўхшаш ва фарқли томонларни таҳлил қилиш орқали,

<sup>125</sup> Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – М.: Прогресс, 1977. – С.121.



улар орасидаги умумий қонуниятларни аниқлаш имконини беради (Масалан, Марк Твен ва Ғафур Ғулом асарлари компаративистикаси)

**А.Н.Веселовский (1838–1906)** – рус адабиётшуноси, академик. Тарихий поэтика назарияси асосчиси, қиёсий-тарихий адабиётшунослик бўйича етук мутахассис олим сифатида славян, Византия, Ғарбий Европа халқлари адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганган. «Роман ва қисса тарихи», «Тарихий поэтика» каби илмий асарлар муаллифи.

**В.М.Жирмунский (1891–1971)** рус адабиётшуноси, компаративист олими, хориж ва ўзбек адабиёти тадқиқотчиси. Турли халқлар адабиёти типологиясини, жумладан «Одиссея» ва «Алпомиш» асарини қиёсан ўрганиш асосида сайёр (кўчиб юрувчи) мотивлар назариясига асос солган. «Туркий эпос», «Қофия тарихи ва назарияси», «Адабиёт назарияси», «Қиёсий адабиётшунослик», «Байрон ва Пушкин каби илмий асарлар муаллифи. Туркий қаҳрамонлик эпосининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва қариндош бўлмаган бошқа халқлар эпосларига таъсири борлигини илмий жиҳатдан исботланган.

**Н.И.Конрад (1891–1970)** – рус шарқшунос олими, файласуфи ва таржимони. Япон, хитой ва туркий халқлар адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиб, фан учун муҳим илмий асарлар ёзиб қолдирган. Адабий алоқалар ва адабий таъсир масалалари қиёсий адабиётшуносликнинг объекти эканини назарий жиҳатдан асослаб берган. «Ғарб ва Шарқ», «Адабиёт ва театр»,

«Алишер Навоий ва Ренессанс» каби кўплаб илмий асарлар муаллифи.

**Е.Е.Бертельс (1890–1957)** – рус эроншунос ва навоийшунос олими. «Фирдавсий», «Навоий ва Аттор», «Навоий ва Жомий», «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти», «Низомий», «Жомий» каби ўнлаб илмий асарлар муаллифи. Фан тарихида биринчи бўлиб Европа олимларининг «Навоий форсий адабиётининг тақлидчиси» деган методологик хатосини ўз илмий асарлари билан исботлаган. Деярли барча асарлари тилшунос ва адабиётшунос олим И.Мирзаев томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

**И.Г.Неупокоева (1917–1977)** – рус компаративист олимаси, адабий алоқалар қиёсий адабиётшуносликнинг предмети эканини ўзининг бир қанча илмий мақола ва монографияларида исботлаб берган. И.Г.Неупокоева адабий алоқаларни тарихий эҳтиёж, тажриба алмашиш майдони эканини эътироф этиб, адабиёт ҳеч қачон бошқа миллат адабиётларидан айри ҳолда ривожлана олмаслигини таъкидлаган. «Замонавий адабиётларнинг ўзаро таъсири муаммолари» (1963), «Тизимли ва қиёсий таҳлил асослари» (1976) каби фундаментал асарлар муаллифи.

**М.П.Алексеев (1896–1981)** – рус ва Ғарбий Европа адабиётини қиёсан ўрганган олим, академик. Ўзининг «Қиёсий адабиётшунослик» номли китобида роман немис халқлари адабиётидаги параллеллар назариясини яратган.

Шунингдек, эмил Золя ва Чернишевский, Гогол ва Томас Мур, Монтеске ва Кантемир каби адабларнинг қарашларини қиёсан ўрганган.

**П.М.Топпер (1923–2010)** – рус адабиётшунос олими, таржимон. «Чет эл адабиёти» (Иностранная литература) журнали таҳририяти аъзоларидан бири. Унинг илмий изланишлари асосан уруш мавзусини рус ва жаҳон адабиёти контекстида ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари таржима назарияси, таржимашунослик танқиди билан ҳам шуғулланган. Таржиманинг қиёсий адабиётшунослик объекти эканини илмий назарий жиҳатдан асослаб, «Таржима қиёсий адабиётшунослик тизимида» мавзусида фундаментал асар яратган.

**Борис Рейзов (1902–1981)** – Европа адабиёти бўйича мутахассис. XIX аср француз тарихий романларини жаҳон адабий контекстида тадқиқ қилган. «Стендал романист» (1939) мавзусида йирик фундаментал асари мавжуд.

**Ю.Борев (1925)** – академик, рус адабиётшунос олими, 50 дан ортиқ монография, 500 дан ортиқ мақолалар муаллифи, илмий асарлари дунёнинг 41 та тилига таржима қилинган. «Академические тетради» журналининг бош муҳаррири. Илм оламида машҳур бўлган «Эстетика» асари эстетика ва ижодий фаолиятни қиёслаб ўрганган. Ёзувчи услубини эстетик категория сифатида очиб берган.

**Р.Зимнер (Rüdiger Zymner)** – немис замонавий компаративист олими. Германиянинг Бергиш универ-

ситети профессори<sup>126</sup> Қиёсий адабиётшунослик, назарияси ва методологияси бўйича кўплаб китоблар муаллифи. Олимнинг 2013 йилда ҳаммуаллифликда нашр қилинган илмий асари (Handbuch Komparatistik: Theorien, Arbeitsfelder, Wissenspraxis) бу борадаги фундаментал асарларидан бири саналади<sup>127</sup>.

**В.Р.Аминева** – рус замонавий компаративист олимаси. Россиянинг Қозон шаҳридаги филология ва маданиятлараро коммуникация институти профессори. Қиёсий ва чоғиштира адабиётшунослик бўйича бир қанча қўлланмалар ва бадий асар поэтикаси, семиотикаси, семантикаси билан боғлиқ кўплаб илмий мақолалар муаллифи.<sup>128</sup>

---

<sup>126</sup> [www.germanistik.uni-wuppertal.de/de/teilaebcher/neue-germanische-literatur/personen/ruediger-zymner.html](http://www.germanistik.uni-wuppertal.de/de/teilaebcher/neue-germanische-literatur/personen/ruediger-zymner.html)

<sup>127</sup> Handbuch Komparatistik: Theorien, Arbeitsfelder, Wissenspraxis / Hrsg. von Zymner R., Holter A. – Stuttgart: Verlag J.B. Metzler, 2013. – 406 s.

<sup>128</sup> <https://scholar.google.ru>

## **ЖАҲОН КОМПАРАТИВИСТИКА МАРКАЗЛАРИ**

1. İstanbul Bilgi Üniversitesi, Karşılaştırmalı Edebiyat Bölümü
2. Eskişehir Osmangazi Üniversitesi, Fen Edebiyat Fakültesi Karşılaştırmalı Edebiyat Bölümü,
3. Dokuz Eylül Üniversitesi, Karşılaştırmalı Edebiyat Bölümü
4. Yeditepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü , Karşılaştırmalı Edebiyat Yüksek Lisans Programı
5. Binghamton University Department of Comparative Literature
6. Brown University Department of Comparative Literature
7. City University of New York Graduate Center Program in Comparative Literature
8. Columbia University Department of English and Comparative Literature
9. Cornell University Department of Comparative Literature
10. Duke University Program in Literature
11. Emory University Comparative Literature Department
12. Harvard University Department of Comparative LiteratureIndiana University Comparative Literature Department
13. Literature at The Humanities Center
14. New York University Department of Comparative Literature
15. Ohio State University Department of Comparative Studies

16. Penn State University Department of Comparative Literature
17. Princeton University Department of Comparative Literature
18. Stanford University Department of Comparative Literature
19. University at Buffalo Department of Comparative Literature
20. University of California, Berkeley Department of Comparative Literature
21. University of California, Davis Comparative Literature Department
22. University of California, Irvine Department of Comparative Literature
23. University of California, Los Angeles Department of Comparative Literature
24. University of California, Riverside Department of Comparative Literature and Foreign Languages
25. University of California, San Diego Department of Literature
26. University of California, Santa Cruz Department of Literature
27. University of Chicago Department of Comparative Literature
28. University of Colorado Graduate Program in Comparative Literature
29. University of Georgia Comparative Literature Department
30. University of Illinois, Urbana-Champaign Program in Comparative and World Literature

31. University of Michigan Department of Comparative Literature
32. University of Minnesota Department of Cultural Studies and Comparative Literature
33. University of North Carolina, Chapel Hill Department of English and Comparative Literature
34. University of Oregon Department of Comparative Literature
35. University of Southern California Department of Comparative Literature
36. University of Texas at Austin Program in Comparative Literature
37. University of Washington Department of Comparative Literature
38. University of Wisconsin, Madison Department of Comparative Literature and Folklore
39. Washington University in St. Louis Committee on Comparative Literature
40. Yale University Department of Comparative Literature
41. University of Alberta Program in Comparative Literature
42. L'Université de Montréal Department de la littérature comparée
43. Université de Sherbrooke Littérature canadienne comparée
44. University of Toronto Centre for Comparative Literature
45. Queen Mary, University of London Department of Comparative Literature and Culture
46. University College of London Graduate programme in Comparative Literature

47. University of Kent Department of Comparative Literature
48. Comparative Literature at the University of St Andrews
49. University of Warwick Department of English and Comparative Literary Studies



## ГЛОССАРИЙ

**Адабий архетип** – оғзаки ва ёзма бадиий адабиётда кўп учрайдиган ва такрорланадиган образлар, сюжетлар, мотивлар. Масалан, детектив асарларда қотил ва мақтул образи, хазина излаш сюжети, муҳаббат мотиви ва ҳ.к. Фан оламига архетип тушунчасини швейцариялик олим Карл Густав Юнг олиб кирган.

**Архитекст** – матнларнинг жанр жиҳатдан боғлиқлиги. Типологик ўхшашликлари ва фарқлари.

**Ворислик** – ижодий анъаналарга содиқ қолиш (Навоий ижодида антик анъаналар, хамсачилик ва ҳ.к).

**Гипертекст** – биринчи марта компьютер лингвистикасида пайдо бўлган. Ҳаволалар орқали катта матнлар ёки ҳаволаларга ўтиш.

**Имагология** – («image» – тасвир) бир халқ адабиётида ўзга халқнинг имиджини яратиш. (мас., руслар нигоҳида Навоий ижоди). Бахтин имагологиянинг асосларини яратиб, «чужое – своё» (ўзганики – ўзимизники) назариясини яратган. Бу масала олимнинг «Эстетика словесного творчества»<sup>129</sup> китобида батафсил ёритилган.

**Интертекст(лик)** – (1967 йилда француз олимаси Юлия Крестева фанга киритди) матнларнинг ўзаро алоқага киришуви. Адабий матнларнинг ўзаро алоқаси.

**Менталлик** – у ёки бу миллат хусусиятидан келиб чиқадиган тафаккур тарзи, оламни миллий асосларга таяниб идрок қилиш (Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Юсуф асарларида менталлик кучли).

<sup>129</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., 1979.

**Метатекст** – асосий матн ёки бадий китоб билан боғлиқ матнлар ва китоб (асар)лар алоқаси. Шекспирнинг «Ромео ва Жулетта» асари бошқа шунга ўхшаш асарлар учун метатекст вазифасини бажара олади.

**Мотив** – психологияда бирон хатти-ҳаракатга туртки берувчи сабаб, адабиётда сюжетнинг такрорланувчи унсури. Масалан, муҳаббат мотиви, дўстлик мотиви. Адабий тушунча сифатида биринчи марта А.Н.Веселовскийнинг «Сюжетлар поэтикаси» (Поэтика сюжетов, 1906) асарида илмий жиҳатдан асосланган. Олимнинг фикрича, мотивлар комбинацияси сюжетни юзага келтиради.

**Мультикультурализм** – кўпмиллатли маданият бўлиб, унинг ғоявий мазмуни турли халқларнинг дўстона муносабатда бўлиб, бир-бирларининг маданияти, тарихи ва адабиётини ҳурмат қилишига йўналтирилган. Мультикультурализм қиёсий адабиётшуносликда, айниқса, адабиётлараро жараёнлар моҳиятини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосини **европацентризмдан** (*европа халқлари маданияти, адабиёти, тарихи ва бошқа хусусиятларини бошқа халқлардан устун қўйиш*) воз кечиш, бир халқни бошқасидан устун қўймаслик, маданият ва адабиётнинг ягона моделини яратиш ғояси ташкил қилади. Бадий адабиётдаги мультикультурализм барча адабий ҳодисаларни тенг кўриб, бирини иккинчидан камситмаган ҳолда ўрғанади.

**Паратекст(уаллик)** – эпитаф, мавзу, умуман матн атрофидаги унсурлар билан боғлиқлиги.

**Рецептив эстетика** – (қабул қилиш) эстетиканинг бир йўналиши бўлиб, матн ва китобхон орасидаги эстетик диалогдир, у ёки бу асарнинг китобхон томонидан қабул қилиниши.

**Сайёр сюжетлар** – бир халқ адабиётидан бошқа бир халқ адабиётига, айниқса, фольклорига кўчиб юривчи сюжетлар. Масалан, уч оғайни ботирлар, уйқудаги малика, сирли орол билан боғлиқ сюжетлар. Атама биринчи марта немис олими Т.Бенфей томонидан қўлланилган. У 1859 йилда ҳинд адабиёти мумтоз намунаси «Панчатантра»ни ўргана туриб, ундаги ҳар бир ҳикоятга адабий параллел, яъни бошқа халқлар адабиётида шунга ўхшаш сюжет топади ва сюжетлар миграцияси (кўчиши) ҳақидаги назарияни яратади. Сайёр сюжетларни адабий ҳодиса сифатида ўрганиш, Шарқ ва Ғарб адабиёти алоқаларини ёритиш мақсадида Т.Бенфей «Orient und Occident» деб номланган даврий журнал чиқара бошлайди. Унинг бу борадаги назарий қарашларини рус олими В.М.Жирмунский давом эттирган<sup>130</sup>. Сайёр сюжетларни кузатиш асосида турли миллат адабиётларида яратилган наср ва назм намуналарини кенг ўрганиш, адабий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш мумкин.

**Синтетизм** – француз тилида кўшиш, жамлаш дегани. Импрессионизм (санъатнинг барча турларида таассурот қолдириш)нинг бир кўриниши. Адабиётдаги синтетизм ҳар хил ижодий услублардан унумли фой-

---

<sup>130</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979.

даланиш, жамлаш, мазмун ва шакл жиҳатдан ноёб асар яратиш.

**Семиотика** – белгилар ҳақидаги фан. Адабиётдаги семиотика бу адабиётнинг барча унсурларини майда деталларигача таҳлил қилиш, умумий ва хос томонларини аниқлаш. И.Стеблеванинг «Бобур ғазаллари семантикаси» асари семиотик таҳлилнинг ёрқин намунасидир<sup>131</sup>. Асосчиси Юрий Лотман (Латвия XX аср).

**Типология** – генетик жиҳатдан ўзаро боғланмаган, тили, тарихи, маданияти тамомила фарқ қиладиган халқлар адабиётида муштарак жиҳатларни аниқлашга ёрдам берадиган компаративистик тушунча ҳисобланади.

**Универсалиялар** – барча дунё халқларига хос умумий тушунчалар, ғоялар, ақидалар. Шундан келиб чиқиб, этнографик, ижтимоий, маданий, миллий, мифологик, тилшуносликка оид, адабий универсалиялар ва ҳ.к. турларга бўлинади. Бадиий адабиётдаги универсалиялар кўпгина халқлар насри ёки назмида учрайдиган ўхшаш ҳолатларда, асар қурилишида, мундарижада, образ яратишда, мотивларда (мас., дўстлик, хиёнат, садоқат мотиви) ва ҳ.к.ларда кўринади. Рус олими Л.И.Емельянов таъкидлаганидек, адабий универсалиялар – «сюжетли и характерологик «формулалардир»<sup>132</sup> Бадиий асарда айнан универсалиялар ҳисобига образлар, воқеа ҳодисалар типиклаштирилади.

---

<sup>131</sup> Стеблева И.В. Семантика газелей Бабур. – М.: Наука, 1982

<sup>132</sup> Емельянов Л. И. Литературоведение и фольклористика // Взаимодействие наук при изучении литературы. Л., 1981.

**Хронотоп**— (грек.тилида *chronos* – замон, *topos* - макон) макон ва замон уйғунлигидир. Мазкур атама фанга рус олими, физиологи А.Ухтомский томонидан киритилган. Гуманитар фанлар, аниқроғи адабиётшуносликка М.Бахтин тадқиқотлари орқали кириб келган. Бадий асардаги макон ва замон бирлиги, ўзаро алоқаси ва таъсири бадий хронотоп дейилади. Олимнинг фикрича, “бадий хронотоп қатъий тарзда жанрий моҳиятга эга. Айтиш мумкинки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Чунки бадий образ доимо хронотоп негизида маъно касб этади”<sup>133</sup>.

**Қиёслаш типологияси** – умумий хусусиятларига кўра (битта тил оиласига кириши, жанр, этник хусусиятларига кўра) у ёки бу адабиёт намуналарининг қиёсланиши. Типология натижасида айрим тил ва адабиётга хос умумий қонуниятлар шаклланади.

---

<sup>133</sup> Романда замон ва хронотоп шакллари// У.Жўракулов таржимаси. <https://www.saviya.uz>

## ХУЛОСА

Қиёсий адабиётшунослик фани адабий ҳодисаларнинг муштарак ва ўзига хос томонларини аниқлаш, бу орқали адабиётлараро умумий назарий қонуниятларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Компаративистика йўналишида тадқиқот олиб бориш, изланувчидан қиёслаш методологиясини пухта билишни ва тадқиқ жараёнига татбиқ эта олишни тақозо этади.

Шу мақсадда ушбу қўлланма юзага келди ва унда адабий компаративистиканинг энг муҳим илмий-назарий тушунчаларига изоҳ берилди. Хусусан, қиёсий таҳлил объектлари, вазифалари, қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичлар, типик вазиятлар, қиёслаш натижаларини баҳолаш мезонлари, таржима, поэтика асослари каби кўплаб масалалар қисқача ёритилди.

Тадқиқотчиларга амалий ёрдам сифатида шу бугунгача Ўзбекистонда олиб борилган қиёсий илмий ишлар хронологик тартибда кўрсатилди ва айримларидан намуналар келтирилди. Шунингдек, жаҳон компаративистик марказлари ва олимлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Мазкур ўқув қўлланма келажакда қиёсий адабиётшунослик йўналишида яратиладиган тадқиқотлар учун муҳим илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади ҳамда халқаро адабий алоқалар ривожига ҳисса қўшадиган деб умид қиламиз.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Асосий адабиётлар

1. Аминева В.Р. Теоритические основы сравнительного и сопоставительного литературоведения. Учебное пособие. – Казань, 2014.
2. Азизов К., Қаюмов О. Жаҳон адабиёти тарихи (XVIII – XX асрлар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
3. Академические школы в русском литературоведении / Отв. ред. П.А.Николаев. – М., 1975.
4. Алексеев М.П. Сравнительное литературоведение. – М.: Наука, 1983.
5. Bakhronova D. Literatura comparada. - Tashkent, Turon, 2019.
6. Boltaboev H. Jahon adabiyotshunosligi tarixi. O'quv qo'llanma. Birinchi kitob. T.: MUMTOZ SO'Z, 2019. – B. 320.
7. Бекметов Р.Ф. Литературная компаративистика как методологическая проблема // Филология и культура. №22. – М., 2010. – С.62 – 69.
8. Бройтман С.Н. Историческая поэтика. Учебное пособие. – М., 2001.
9. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. – Тошкент: Зарқалам, 2006.
10. Богатика М.Г. Теория литературы. Формирование новой научной парадигмы: Учебное пособие. – Казань, 2007. – 56 с.
11. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М., 1989.
12. Гиленсон Б.А. История зарубежной литературы от античности до середины XIX века. Учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2014.

13. Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – М., 1977.
14. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М., 1979.
15. Дўстмухамедов Қ. Нобель мукофотини олган адиблар. – Тошкент: Маънавият, 2002.
16. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари) / Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Шарафутдинова М., Тўйчиева Ш. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 390 б.
17. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – М.:Наука, 1979.
18. Ильин И.П. Современные концепции компаративистики и сравнительного изучения литератур. – М., 1987.
19. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Муҳаррир, 2011.
20. Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях // Запад и Восток. – М., 1966
21. Конрад Н.И. О некоторых вопросах истории мировой литературы // Народы Азии и Африки. 1966. №1.
22. Конрад. Н.И. Проблемы современного сравнительного литературоведения // Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка. 1959. Т.18. Вып.4.
23. Кокорин А.А. Сравнительный анализ: теория, методология, методика. – М., 2009.
24. Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение (Компаративистика). Учебник. – М.: Юрайт, 2018.
25. Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М., 1976.



26. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2008.
27. Проблемы современной компаративистики / Сост. Е.Луценко, И.Шайтанов. – М., 2011.
28. Пруцков Н.И. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. – Л.: Наука, 1974.
29. Реизов Б.Г. Сравнительное изучение литературы // История и теория литературы. Сб. ст. – Л., 1986.
30. Силантьев И.В. Поэтика мотива. – М., 2004.
31. Сравнительное и сопоставительное литературоведение. Хрестоматия / Составители: В.Р.Аmineва, М.И.Ибрагимов, А.З.Хабибуллина. – Казань, 2001.
32. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
33. Сравнительное литературоведение. Хрестоматия. Учеб. пособие для студентов вузов / Отв. ред. Г.И.Данилина. 2-е изд., испр. и доп. – Тюмень: Изд-во ТюмГУ, 2011. – 632 с.
34. Толер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. – М., 2000.
35. Шайтанов И.О. Триада современной компаративистики: глобализация – интертекст – диалог культур // Проблемы современной компаративистики. – М., 2011.
36. Қаюмов О. Жаҳон адабиёти тарихи (V – XVIII). – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
37. Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: Akademnashr, 2019.
38. Қосимов А. Адабиётда типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсир. – Тошкент: Фан, 2004.

39. Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. №4. – Б.38 – 46.

### Қўшимча адабиётлар

40. Адибларнинг Нобель маърузалари. Маърузалар, нутқлар, хотиралар. // Тўпловчи ва таржимон Қ.Дўстмуҳаммад. – Тошкент: Гафур Ғулум, 2008.

41. Аверинцев. С.С. Древнегреческая поэтика и мировая литература // Поэтика древнегреческой литературы. – М., 1981.

42. Алексеев М.П. Пушкин и Шекспир // Сравнительно-исторические исследования. – Л., 1972.

43. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М., 1963.

44. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари / У.Жўракулов таржимаси. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 288 б.

45. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М., 1975.

46. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., 1979.

47. Берков П.Н. Проблемы исторического развития литературы. – Л., 1981.

48. Беркалиев Т.Н. Особенности компаративистики как науки и метода исследования // Библиосфера. №1. – Новосибирск, 2009. – С.10 – 16.

49. Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. – Казань, 2004. – С.302 – 304.

50. Большакова А.Ю. Типология и менталитет (К проблеме русско-западных межлитературных схождений) // Филологические науки. 1996. №6.
51. Борев Ю.Б. Эстетика. – М., 1969.
52. Восток – Запад: Исследования. Переводы. Публикации. – М., 1989.
53. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. – М., 1983.
54. Взаимосвязи и взаимодействие национальных литератур: Материалы дискуссии 11 – 15 янв. 1960 / Редкол. И.И.Анисимов [и др.]. – М., 1961.
55. Виппер Ю.Б. «Типологические схождения» в изучении мирового литературного процесса // Классическое наследие и современность. – Л., 1981.
56. Волков И.Ф. Творческие методы и художественные системы. – М., 1989.
57. Гринцер П.А. Эпохи взаимодействия литератур Востока и Запада. – М., 1997.
58. Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. – М., 1994.
59. XX аср жаҳон шеърияти / Нашрга тайёрловчи Ҳабиб Абдиев. – Тошкент, 2011.
60. Женетт Ж. Работы по поэтике. Фигуры. – М., 1998.
61. Жирмунский В.М. Эпическое творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса // Исследования по славянскому литературоведению и фольклористике. – М., 1960.
62. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.

63. Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
64. Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
65. Котенко В.П. Компаративистика – новое направление методологии анализа научной деятельности и развития науки // Библиосфера. №3. – Новосибирск, 2007. – С.21 – 27.
66. Литературные архетипы и универсалии. – М., 2001.
67. Лотман Ю.М. Статьи по семиотике культуры и искусства. – СПб., 2002.
68. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М., 1986.
69. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М., 1995.
70. Мелетинский Е.М. От мифа к литературе. – М., 2001.
71. Надъярых Н.С. Типологическое исследование (принципы, задачи, перспективы) // Вопросы литературы народов СССР. – Киев, 1975. Вып. 1.
72. Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы / Редкол.: П.Р.Заборов (отв. ред.) [и др.]. – СПб., 1992.
73. Николаев П.А. Типология и компаративистика: современная жизнь понятий // Филологические науки. 1996. №3. – С. 3-13.
74. Сувон Мели. Навоий ва Данте Юксак фазоларда учрашув // Жаҳон адабиёти. 1998. №2. – Б.6 – 12.
75. Пospelов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М., 1972.

76. Рифтин Б.Л. Типология и взаимосвязи средневековых литератур // Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. – М., 1974.
77. Сравнительное литературоведение: теоретический и исторический аспекты: Материалы международной конференции «Сравнительное литературоведение» (В Поспеловские чтения) / Ред. коллегия: П.А.Николаев, М.Л.Ремнёва, А.Я.Эсалнек. – М., 2003.
78. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Тошкент: Академия, 2004.
79. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан, 1978.
80. Чернец Л.В. Литературные жанры (проблемы типологии и поэтики). – М., 1982.
81. Эсалнек А.Я. Типология романа. – М., 1991.
82. Pierre Brunel, Claude Pichois, André – Michel Rousseau. Qu'est-ce que la Littérature Comparée? Armand Colin. – Paris, 2006.
83. Comparative Literature in an Age of Globalisation. The Johns Hopkins University Press, 2006.
84. Fin d'un millénaire. Rayonnement de la littérature comparée, textes réunis par Pascal Dethurens et Olivier – Henri Bonnerot. – Strasbourg: Presse Universitaire de Strasbourg, 2000.
85. Comparative Literature in an Age of Multiculturalism, dir. Charles Bernheimer. – Baltimore: The Johns Hopkins University Press, 1995.
86. Clemens R. J. Comparative Literature as Academic Discipline. A Statement of Principles, Praxis, Standards. – New York: The Modern Language Association of America, XXII.

87. Hasan N. Mevlānā'nın Mesnevī'si Tesirinde Yazılan Çağatayca Bir Eser: Baba Rahim Meşreb'in Mebde-i Nūr Adlı Eseri. "Tasavvuf" ilmi-akademik araştırma dergisi. Ankara. 2010, sy. 25. -S.239-250

88. Hasan N. Ahmed Yesevi ve Ali Şir Nevai. 1. Uluslararası Dil ve Edebiyatda Modernleşme ve Gelenek Sempozyumu. Bildiriler. Karabük Üniversitesi. 4-6 Ekim 2017, s.198-206.

### **Интернет сайтлари**

1. [https:// www.ziyouz.uz](https://www.ziyouz.uz)
2. [https:// www.e.adabiyot](https://www.e.adabiyot)
3. <https://www.khurshid.davron.uz>
4. <https://www.kitobxon.com>
5. <https://www.tashgiv.uz>
6. <https://cyberleninka.ru>
7. <https://www.caim-int.info/journal-revue-de-litterature-comparee.htm>
8. [https:// www.imli.ru](https://www.imli.ru)

### **ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАР**

**(ўзбек адабиётшунослигида, хронологик тартибда)**

1. Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского языка на узбекский язык. Автореф. дисс... к.ф.н. – Ташкент, 1957.

2. Клименко А.А. К вопросу об украинско-узбекских литературных связях. Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – С.117.

3. Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.53 – 62.
4. Гафурова Р. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1973.
5. Очилов Э. Немис поэзиясидан ўзбек тилига таржиманинг баъзи масалалари. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1974.
6. Отабекова А. Принципы передачи своеобразия узбекской поэзии в русских переводах. Дис... к.ф.н. – Ташкент, 1975.
7. Каримов Н. Пушкин ва ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 1980.
8. Намазов Н. Узбекско-русские литературные связи. Дисс... к.ф.н. – Самарканд, 1981.
9. Якубов С.Б. К проблеме взаимовлияния и взаимообогащения литератур на основе материалов литературных связей Узбекистана и Германской Демократической Республики, 1960 – 1975 гг. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – С.18.
10. Сотимов У. Немис адабиётида Бобур ва Алишер Навоий ижоди // Адабий мерос. 1984. №2. – Б.63 – 64.
11. Воҳидов Р. «Мажолис ун-нафоис» таржималари. – Тошкент: Фан, 1984.
12. Исҳоқов Ё. «Хамса» поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. №1. – Б.10-15.
13. Олимов С.Ҳ. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навои. Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.
14. Хамраев Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской советской прозы во

французских переводах (на материале произведений Айбека и А.Каххара). Дисс... к.ф.н. – Ташкент, 1988.

15. Сотимов У. Исследования жизни и творчества Алишера Навои в западноевропейском востоковедении. Дисс... докт. филол. наук. – М., 1998.

16. Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в контексте перевода, критики и восприятия). Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991.

17. Джураев К. Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межфольклорных связей. На материале русских переводов «Хамсы» А.Навои и узбекского эпоса «Алпамыш». Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991.

18. Умурова Г. Зулфия ижоди ва рус адабиёти. Филол. фан. номз. автореф. – Тошкент, 1993.

19. Рустамов О. XX аср француз шеърляри ўзбек тилида (таржимада мазмун ва шакл бирлиги масаласи). Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994.

20. Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржимасининг қиёсий таҳлилидан. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994.

21. Рустамов Э. Некоторые вопросы сравнительного изучения узбекской литературы XV века с другими восточными литературами. Дис... д.ф.н. – Ташкент, 1996.

22. Шамусаров Ш. Историко-сравнительный анализ арабского и узбекского фольклора. Дис... д.ф.н. – Ташкент, 1997.

23. Абдуллажонов А. Навоий лирикаси бадиятини немисча таржималарида қайта яратиш ва татбиқ этиш. Филол. фан. номз... дисс. – Ташкент, 1998.



24. Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида (А. де Сент-Экзюперининг «Кичкина Шаҳзода» ва Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» асарлари асосида). Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999.

25. Бакаева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2004.

26. Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. –136 б.

27. Қурамбоева Г. Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» туркуми ва ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларининг тараққиёти. Филол. фан. номз... дисс. – Нукус, 2005.

28. Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида). Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2007.

29. Сайдалиев Т. Бобур лирикаси бадииятининг русча таржималаридаги талқини. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007.

30. Ҳасанов Н.Д Аҳмад Яссавий ва Фитрат. Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 3-сон. - Б.3-11.

31. Сидиқов Қ. «Қутадғу билиг» асарининг инглизча бадий таржималари тадқиқи. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2009.

32. Ҳаққул И. Ижод иқлими // Шекспир машъали. – Тошкент: Фан, 2009.

33. Маматқулова Х.А. Алишер Навоий ва Вильям Шекспир ижодида бадий тамойиллар муштараклиги

ва ўзига хослик («Лайли ва Мажнун» достони ҳамда «Ромео ва Жульетта» трагедияси мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2009.

34. Шарафиддинова М.О. Особенности поэтики узбекского романа XX века в контексте мировой художественной традиции. Дисс... док. филол. наук. – Тошкент, 2010. – 284 б.

35. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларининг қиёсий-типологик текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011.

36. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011.

37. Досбаева Н. Бевосита таржимада бадиий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида). Филол. фан. Ном... дисс. – Тошкент, 2011.

38. Одилова Г. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари. Филол. фан. ном... дисс. – Тошкент, 2011.

39. Бабаева С.Р. Сравнительно-типологические исследования произведений М.Твена и Г.Гуляма. Филология и искусствоведение. Вестник ЧГПУ, 2011.- С.175-182

40. Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти (Адабий алоқа, таржима ва адабий таъсир масалалари) – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.

41. Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2016.

42. Тоджиходжаев М. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. – Тошкент: Баёз, 2016. – 180 б.

43. Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. Дис... д.ф.н. – Ташкент, 2016.

44. Жўракулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2017. – 264 б.

45. Ҳасанова Ш.С. Тўтинома ва Куш тили туркумидаги асарларнинг киёсий-типологик ва текстологик тадқиқи. Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2017.

46. Мирзаева З.И. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2017.

47. Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2017.

48. Тешабоева З. «Бобурнома» инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий маданий хусусиятлари. Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2017.

49. Ҳасанов Н.Д. «Яссавийшуносликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” тадқиқи». Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2017.

50. Холиқов Б.А. Детектив романларда воқеликнинг бадий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг «The Godfather» ва Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарлари мисолида). Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2018.

51. Тоирова Н.И. Бадий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик вазифалари . Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс...– Тошкент, 2018.

52. Сапаева Ф.Д. Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари қиёсий таҳлили. Филол. фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2018.

53. Хажиева Ф.М. Биографик роман жанри хусусиятлари (И.Стоун, М.Қориев ва Н.Норматов асарлари асосида). Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2018.

54. Салимова Д. Шеърый таржимада муаллиф бадий нияти ва поэтик маҳоратининг қайта ифодаланishi (Ғафур Ғулом ва Ойбек шеърларининг таржималари мисолида). Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2018.

55. Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2018.

56. Ҳошимова Д. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2018.

57. Дадабоев О.О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Филол. фан. бўйича фалс. докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

58. Жўраев Ж.О. Шарафиддин Али Яздийнинг «Рисолаи муаммо»си текстологик ва қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2019.

59. Исмоилов И.А. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг қиёсий таҳлили. Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

60. Суванов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

61. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. Монография. – Тошкент: Таълим-медиа, 2019.

62. Умурзоқов Б.С. Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот айну-л ҳаёт» асарининг қиёсий-тилологик тадқиқи. Филол.фан. бўйича фалс.докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

63. Насирдинова Ё.А. Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти француз тилида (Реми Дор таржималари асосида). Филол.фан. бўйича фалс.докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

64. Ашуров Ш. Инглизбабон Ғарб ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2019.

65. Султанов Т.И. Алишер Навоий ва Озарбойжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида). Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

66. Қурбонов П.А. Байрон ижодида Шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи (қиёс ва таржима) - Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс.. – Т., 2020.

67. Годжиходжаев М. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Филол.фан.бўйича фалс.докт. (PhD) дисс...Тошкент, 2020.

68. Садиқов З.Я. Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарининг немисча ва инглизча таржималари қиёсий таҳлили. Филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2020.

69. Абдуллаева Р. Немис-ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиши, тараққиёт тарихи ва илмий асослари (адабий алоқа, таржима ва таъсир масалалари). Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2020.

70. Қобилова Н.С. Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида бадий психологизм. Филол.фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

71. Мирзабоева Ж.И. “Ҳамлет” трагедиясининг қиёсий лингвопоэтик таҳлили. Филол.фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

72. Қиличева М.Р. Инглиз ва ўзбек адабиётида психологик ҳолатлар талқинида адабий таъсир муаммоси (ёлғизлик мотиви мисолида). Филол.фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

73. Кабирова Н. Раҳнавард Зарёб ҳикояларининг поэтикаси (образлар талқини, бадий тасвир ва услуб масалалари) Филол.фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

74. Кўчимов У. Фантастик асарларда бадий психологизм концепцияси (Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди мисолида) Филол.фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2020.

75. Махмудов А. Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг тавсифи (қиёс ва таржима). Филол.фан. бўйича фалс.докт.(PhD) дисс.. – Т., 2020.

76. Холбеков М. XX аср Жаҳон адабиёти манзаралари (тадқиқотлар, илмий-танқидий мақолалар). – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2020. – Б. 700.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ФИЛОЛОГИК КОМПАРАТИВИСТИКА:	
МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ.....	7
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ	
АСОСЛАРИ.....	17
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	28
ТАРЖИМА – ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК	
ОБЪЕКТИ.....	37
ПОЭТИКА ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ.....	45
АДАБИЁТЛАРАРО ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ.....	51
ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ҚИЁСИЙ	
ТАДҚИҚОТЛАР.....	64
МУСТАҚИЛ ИЗЛАНИШ УЧУН МАВЗУЛАР.....	167
КОМПАРАТИВИСТ ОЛИМЛАР.....	169
ЖАҲОН КОМПАРАТИВИСТИКА МАРКАЗЛАРИ.....	177
ГЛОССАРИЙ.....	181
ХУЛОСА.....	186
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	187
ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ	
ИЛМИЙ ИШЛАР.....	194

*Илмий нашр*

**ГУЛНОЗ ХАЛЛИЕВА**

**ҚИЁСИЙ**

**АДАБИЁТШУНОСЛИК**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Нашриёт муҳаррири: Илҳом Йўлдошев

Мусаҳҳиҳа: Назокат Саъдуллаева

Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамияти

нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел.: (998 99) 847-12-12 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008

Босишга рухсат этилди 03.03.2020

Қоғоз бичими 84x108 1/16. Офсет қоғози

Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 12,0.

Шартли босма табоғи 12,05. Адади 300

Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамиятининг

матбаа бўлимида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел.: 241-81-20







22.000c,



*Гулноз Исқандаровна, 1974 йилда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори. Илмий тадқиқотлари юзасидан “Огаҳий мусамматлари”, “XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабиётшунослик” каби монография ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.*

*Илмий ишлари Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти, рус навойшунослиги ва бобуришунослиги, қиёсий адабиётшунослик, архив шарқшунослиги каби масалаларга бағишланган ва дунёнинг нуфузли журналларида эълон қилинган.*



ISBN 978 9943-5562-5-6



9 789943 556256